

Абулқосим Фирдавсий

Шоҳнома

(Сайланма)

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент – 2012**

84(0)9 - Бирлаштарилган ағад, асар,

УДК: 821.512.133

КБК 84.(0)9

Фирдавсий, Абулқосим

Ф-67 Шохнома: сайланма / А. Фирдавсий; нашрга тайёрловчи ва насрий баёни таржимони Х.Ҳомидий, масъул муҳаррир Ж.Муҳаммад. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – 188 б.

УДК: 821.512.133

КБК 84.(0)9

“Шохнома”дан сайланма дostonларнинг мухтасар насрий ва шеърый баёни

Муқаддима ва “Шохнома” дostonларининг насрий баёни муаллифи:

Ғулломмуҳаммад Тохир Муборак

Нашрга тайёрловчи ва насрий баён таржимони:

Ҳамиджон Ҳомидий

Масъул муҳаррир:

Жаъфар Муҳаммад

Тақризчилар:

Бокижон Тўхлиев – филология фанлари доктори, профессор.

Рамазон Абдуллаев – филология фанлари номзоди, доцент,


Жасурбек Маҳмудов – филология фанлари номзоди

Шеърый матнлар “Шохнома”нинг 2011 нашридан олинди.

N1 31700
28,

ISBN 978-9943-06-445-4

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012 й.



СЎЗБОШИ

Ҳаким Абулқосим Фирдавсий хижрий-камарий 329 (мил. 940) йили Тус вилоятидаги Бож кишлоғида мулкдор деҳқон оиласида дунёга келган. Фирдавсий форсий шеърятда ва илм-фанда тенги йўқ адиб, жаҳон адабиётининг энг улуғ дostonнависларидан, унинг “Шохнома” дostonи эса жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан бири ҳисобланади. Шоир ушбу 60 минг байтга яқин бебаҳо асарни ўттиз йил мобайнида, форс тили имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда ёзган. “Шохнома”ни Гомернинг эпик дostonларини каторига қўйишади. Айни ушбу асари билан, шоирнинг ўзи башорат қилганидек, унинг номи абадиётга муҳрланди:

*Кўп олий қасрлар бўлулар хароб,
Уруб қору ёмғир, шамолу офтоб.
Вале шеърдан бу бинойи жаҳон,
Уни дарз этолмас шамолу бўрон.
Сухан тухмин экдим, чекиб меҳнатим,
Мен ўлмам. асрлар яшайдур отим!*

“Шохнома” биз учун нафакат бир адабий манба, балки бугунги кунда хар куни мурожаат этишга арзигулик бир асар сифатида ҳам кадрлидир. “Шохнома”даги маданий ва ижтимоий ҳаёт қурилиши ва бугунги жамиятимиз билан мутаносиблиги Фирдавсий нидосининг боқийлиги ва абадийлиги рамзидир. Уни ўқиган киши ўзининг маънавий эҳтиёжларига, ҳаёт ҳақидаги саволларига жавоб топа олади. “Шохнома” ўзининг жозибатор хикоялари замирида пурмаъно ва сармазмун хикматларни сингдирган. Бу хикматлар гўё миллионлаб инсонларнинг паст-баланд ҳаёти давомида орттирган тажрибаларининг акс-садоси

сифатида асрлар каъридан янграб туради. У ўзининг мух-
лисларини яхши фикрлашга, эркинликка ва донишманд-
ликка чорлайди.

“Шохнома” асари дунёнинг бир канча тилларига тар-
жима қилинган. Унинг ўзбек тилига ва бошқа шарқ тил-
ларга таржимаси ўзбек шоир ва адибларини Фирдавсий
ва “Шохнома” ҳақида бир қатор тадқиқотлар яратишга
ундаган.

Таниқли эронлик фирдавсийшунос олим доктор Жа-
лол Холиқий Мутлак “Шохнома”нинг энг мўътабар нус-
халаридан бирини тузатишлар ва изоҳлар билан тайёрлаб,
нашр эттирди. У нашрга тайёрлаган ва танкидий матни
билан 8 жилдда “Ираника” нашриётида босилиб чиккан
“Шохнома”, баъзи олимларнинг фикрига кўра, энг яхши нус-
халардан бири ҳисобланади. Фирдавсий “Шохнома”сидаги
достонларнинг ихчам мазмуни доктор Жалол Холиқий
томонидан амалга оширилган нашрдан олинган бўлиб,
алоҳида илмий қимматга эгадир.

Кўлингиздаги ушбу китоб бутун умрини “Шохнома”
тадқиқига бағишлаб, бу борада йирик тадқиқот ишларини
амалга оширган таниқли ўзбек адабиётшунос олими, про-
фессор Ҳамиджон Ҳомидий томонидан равон ва содда ус-
лубда ўзбек тилига таржима қилинган бўлиб, сиз, азиз ўзбек
китобхонларини Фирдавсий шох-асарининг умумий мазму-
ни билан таништиради, деган умидда тақдим этилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, китобнинг таржимони профес-
сор Ҳамиджон Ҳомидийнинг хизматларини алоҳида таъ-
кидлаган ҳолда, уни нашрга тайёрлашда ўз ёрдамларини
аямаган олимлар – Жаъфар Муҳаммад Термизий ва Жасур-
бек Махмудовларга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Ҳамид Мустафавий,

Эрон Ислам Республикасининг

Ўзбекистондаги Элчихонаси

Маданият ваколатхонаси раиси

ДАҲО ОЛАМИГА ОЧКУ

Дунё эпик шеърятининг гултожи бўлмиш “Шоҳнома” яратилгандан бери уни китобат этиб, айрим дostonларни бошқа шаклга табдил этиб, тарғиб қилишга интиланлар; натижада “Шоҳнома” ёки баъзи дostonларнинг насрий, назм-наsr аралаш варианты юзага келган. Масалан, Ҳасан Муҳаммад Хоразмий (XVI аср) «Қиссаи Самироншоҳ» саргузашт романининг бош қисмига «Сиёвуш» дostonининг тугал насрий нусхасини илова қилган; Дорошуқуҳ (XVII аsrнинг боши) «Шоҳнома»нинг беш китобдан иборат насрий вариантини яратган.

Ўн саккизинчи асрдан бошлаб бу шоҳ китоб бир неча марта назм аралаш насрлаштирилди. Жумладан, Шоҳ Ҳижрон дастлаб «Шоҳнома»дан илҳомланиб «Қиссаи Дороби зарринкамар», Толибий «Доробнома» дostonларини яратишди. Кейин эса Шоҳ Ҳижрон «Шоҳнома»нинг наср-назм аралаш нусхасини яратган. Ана шу анъана XIX аsrнинг бошларига келиб Муҳаммад Яъқуб Ёрқандий, Хомуший, Нурмуҳаммад Бухорий, Ҳайбатуллоҳўжа Хислатлар томонидан муваффақият билан давом эттирилди. Ҳатто Хомуший таржимаси “Шоҳномаи туркий” номи билан уч маротаба (1903, 1906, 1909 йиллари) тошбосма усулида кўп нусхада нашр этилади. Бу муҳим ишни биринчи ўзбек ношири, китоб тожири, хаттот Мир Маҳдум амалга оширади. Уста Абдурахмон Себзорий унга юзлаб миниатюралар чизган.

Бизнинг замонамизда ҳам ана шу қутлуғ анъана муваффақиятли равишда давом эттирилмоқда. Ўтган аsrнинг 30-йилларида козок оқини Турмуғамбет Изтилеуов “Шоҳнома”ни козокча қуйлади, атоқли тожик адиби Сотим Улуғзода Фирдавсий дostonини насрга айлантирди. Бугун эса “Шоҳнома” дostonларининг доктор Ғуломмуҳаммад Тохир Муборак томонидан тайёрланган назм аралаш насрий табдили қўлимизда. Бу маърифий-маънавий ишларнинг бари хайрлидир. Зероки, бундай ижодий юмушлар бир томондан, “Шоҳнома”нинг кенг

халк оммасига етиб боришини таъминласа, иккинчи томондан, китобхонларга буюк Фирдавсий даҳосининг сир-синаотларини тўларок идрок этишга, унинг туб моҳиятини кенг англаб олишга бир очку вазифасини ўтайди. Адабий-маърифий ҳисобланган бундай йўналишдаги ҳар қандай заҳмат қўллаб-қувватлашга арзийди.

Ҳамиджон Ҳомидий,
филология фанлари доктори,
профессор

МУҚАДДИМА

Мангу барҳаёт асар – “Шохнома” эронлик ва барча форсийзабон халқларнинг ифтихоридир. У инсоният яратилишидан бошлаб то Фирдавсий яшаган давргача бўлган замоннинг дин, илм, эътиқод, ахлоқ, воқеалар ва асотирлар тарихи ҳисобланади. Эронликлар уни тарих деб биладилар, унга миллий ўзликни англаш рамзи сифатида қарайдилар. Бугунги кунда Синдўхт ва Рудоба фарзандлари Кобул ва Туркистон ҳамда Ҳиндистонда бор. Ҳатто қадимги Бобулдан тортиб, Мовароуннаҳр ва ҳатто Хитойнинг турли ғўшаларида ҳам мавжуд. Зероки, Фаридун жаҳонни ўғиллари Эраж, Салм ва Турларга тақсимлаб берганди. Бу ўлкаларда уларнинг авлоди бўлиши, табиий. “Шохнома”да булардан айримлари қисман тасвирланган ҳам. Аслини олганда, Фаридун Ҳинддаги Элбурсда тарбия топиб, яшаган эмасмиди? Гуштаспнинг умр йўлдоши Катаюн Рум Қайсарининг кизи эмасмиди? Эрон шоҳи Заҳҳок Дажланинг у томони Байт ул-муқаддасдан, Фирдавсий таъбири билан айтганда, “Хонаи пок”дан эмасмиди?

Эътибор берилса, “Шохнома” бугун Ҳинд-Европа деб аталмиш халқларнинг энг ишончли ҳужжатидир. Зеро орийлар бир неча минг йилликлар олдин Европа ва Ҳиндга кўчиб, бу минтақаларга ҳам эроний халқларнинг урф-одатлари ва маданиятини элтдилар. Булар “Шохнома”да ҳам ўз аксини топган. Масалан, Жеймс Фрезернинг “Шохномаи Заррин”ида ёзишича, скандинавияликлардан тортиб силатларгача барча Европа халқлари бир-бирига қардош эканлар. Муаллиф “Шохнома” афсоналари билан Чин ривоятлари орасида яқинлик кўради. Ҳинд “Ригведа”си, “Бундаҳишн”, “Шохнома”, “Авесто” ва “Эрон бундаҳишн”нинг турли вариантларидир. Тадқиқотчилар “Шохнома”нинг бошидан охиригача нур

таратиб турадиган Митра маъбудини юнон, масиҳийлик ва барча жаҳон асотирий, фалсафий қарашларида кузатадилар. Бу хусусида минг соатлаб фикр юритиш мумкин. Биз сўзни қисқа қилиб, гапни шу китобнинг таҳлилига бурамиз.

Фирдавсий ихлосмандлари турли ёшда ва ҳар хил тафаккурда бўлганликлари сабабли ушбу сайланма Жамшид, Заҳҳок, Етти саргузашт, Зол ва Рудоба, Рустам ва Сухроб, Сиёвуш, Рустам ва Исфандиёр дostonларини ўз ичига олади. Албатта, "Рустам ва Акван дев", "Бижан ва Манижа", "Фуруд", "Ўн икки рух жанги", "Баҳром Гур" дostonлари ҳам бўлганда бу китоб ҳажми уч хисса ошиб кетарди. Шунинг учун биз ихчамлик йўлини тутдик. Тушунилиши оғир сўз ва иборалар изоҳи ҳам берилади. Хуллас, "Шоҳнома"нинг мухтасар мазмуни назм ва наср аралаш келтирилиб, энг муҳим жиҳатлари тугал шарҳланади.

Биз барча дostonларни доктор Жалол Холиқий Мутлак нусхаси асосида тайёрладик. Гарчи Холиқий бу ишни ниҳоясига етмаган, деб бир неча бор таъкидлаган бўлсалар-да, бу нашр тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган ва мукамал деб тан олинган нусхадир. Шу билан бирга биз "Шоҳнома"нинг Москва, Жноя Жвоҳал ҳамда доктор Жунайдий нашрларидан ҳам баҳраманд бўлдик. Шу билан бирга иш жараёнининг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтсам.

1. Дostonларни ихчамлаштириб, сайланма тарзда келтирдим. Масалан "Сиёвуш" дostonи жами 2526 байтдан иборат. Биз унинг 540 байтини танлаб олдик. Ушбу танлов дostonнинг тузилиши, асотирий моҳияти, элик руҳи сақланди, токим китобхон дoston воқеаси, сюжети ва асосий мазмуни ҳақида тугал тасаввурга эга бўлсин. Бошқача айтганда, биз шундай йўл тутдик, токи 1672 байтли "Рустам ва Исфандиёр" дostonидан 675 байтини ўқиган киши асар ҳақида мукамал тасаввур ҳосил қилсин.

2. Ушбу китобда Холиқий Мутлак нашрида нима битилган бўлса, бирма-бир келтирилган эмас. Том маънода биз мағни сайлаб олдик.

3. Қаерда биз мухтарам Холиқийдан айнан олган бўлсак, буни биз кавс ичида махсус таъкидлаб ўтдик. Кўп ўринларда Холиқий билан фикримиз бир жойдан чикмади.

4. Кўп мураккаб сўз, ибора ва бирикмаларни кенгрок шарҳ ва тафсир этишга интилдик, токим барча китобхонларга тушунарли бўлсин.

5. “Шоҳнома” ҳақидаги бирон ишни мукаммал дейиш мушкул. Шунинг учун “Шоҳнома” мунаққидларидан ягона хоҳишимиз шуки, ушбу китобдаги камчиликлар, танқидий мулоҳазалар ва таклифлар (taheri-ghm@yahoo.com)га юборилса, токим кейинги нашрларида такрорланмасин.

6. “Шоҳнома” нинг асл матнида “Сиёвахш “ келган ёки Гарсеваз... Биз ҳам назмда шундай қолдирдик. Аммо шарҳ ва изоҳларда, албатта, “Сиёвуш” шаклини келтирдик .

Дунёдаги энг машҳур китоблардан бирининг сайланмаси ўқувчиларнинг сеvimли китобига айланишидан умидвормиз.

ЖАМШИД ДОСТОНИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

Отаси Тахмурас вафотидан сўнг унинг ўғли Жамшид подшоҳлик тожини кийди. Унинг замонида одамлар, девлар ва жониворлар унга фармонбардор эди: У илохий, жисмоний ва рухий қудрат соҳиби эди. У етти юз йил подшоҳлик қилди. (“Шоҳнома” ва бошқа асотирий китобларда Жамшид 700 йил подшоҳлик қилди, Рустам олти юз йил яшади, деб таъкидлаган.)

Жамшиднинг ана шу етти юз йиллик ҳукмронлик даврида темир кашф этилди ва ҳарбий қуроғлар ясаш одат бўлди, юнган кийим-кечак тикиш ва тўқиш йўлга қўйилди. Унинг даврида халқ илк бор руҳонийлар, ҳарбийлар, дехқонлар ҳамда хунармандлар табақасига бўлинди: ғишт қўйиш расм бўлди, қасрлар қурила бошланди. Тоғу тошлардан жавоҳирлар ажратиб олинди, ажир ва гулоб тайёрлаш одати жорий бўлди, табиблик расмиятга кирди. Дастлабки ксмалар қурилиб денгизларга туширилди ва кишилар дарё орқали сафарга чиқишни ўрганишди. Шунда подшо топшириғи билан гўзал тахт қуришди. Девларга тахтни кўтариб осмону фалакка парвоз қилишни буюрди. Халқ ва зодагонлар ўша кунни “Наврўз” деб атадилар. Жамшид замонида ўлим ва қаҳатчилик йўқ эди. Аммо Жамшид кибру ҳавога берилиб, ўзини “Худо” деб ўйлади ва “манманликка” берилди. Натижада, ундан Яздон нури узоқлаша бошлади; эронликларнинг ҳаёти қоронғулик ва ҳалокат сари юз ўгирди. Ана шу даврда араблар орасида Мирдас номли яхши инсон бўлиб, унинг бир Захҳок отли нопок ўғли бор эди. У “бир асл” ёки ўн минг от эгаси номи билан машҳур эди. Иблис Захҳокни алдаб йўлдан ўриб, сен раҳбарликка, шоҳликка муносибсан, деб васаса қилди ва отасини ўлдириб, ўрнига ўтиришга даъват

этди. Шундан сўнг Иблис мохир ошпаз сифатида Заххок даргоҳига ишга кирди. Хар куни у подшоҳ учун ўша йиллари расм бўлмаган ҳайвонлар гўштидан турли хил лаззатли таомлар пишириб беради. Заххокни эъвозлай бошлайди ва кунлардан бир кун сўрайди:

– Илонларни йўқотиш ёки тинчланишнинг ягона йўли-хар кунни одам миясидан овқат тайёрлаб, уларга едириш керак. Шунда улар тинчланади ва аста-секин ўлади.

Иблис шу йўл билан дунёда одам наслини қуритмоқчи эди.

– Халк Жамшиддан юз ўғиргач, ана шу кунларда Эронда ғалаён ва жанг авж олади. Натижада мамлакат турли шохликлар ва ҳукуматларга бўлиниб кетади. Халк қўшни мамлакатда аждаҳосифат шох борлигини эшитиб, унинг хашамати ва ҳайбагидан исёнлар бостирилиб, Эронда яна бирлик ва тинчлик қарор топиши мумкин, деб ўйлайдилар. Натижада халк Заххок ҳузурига бориб, уни “Эрон шох” деб эълон қиладилар. Бундан фойдаланган Заххок тезда Эронга келиб, шохлик тахтига ўтиради ва Жамшидга қарши чиқади. Жамшид қочиб кетади ва юз йилдан кейин Чин дарёси яқинида уни топиб, халк қасдини олиш мақсадида бошидан арралатиб, иккига бўлдиради. Шундай қилиб Жамшиддаги шон-шавкат барҳам топади.

Асилзода Жамшид унинг фарзанди¹,

Бели боғлик, дилда отасин панди .

Саодатли ота тахтига минди.

Каёний тож қийди, бахтига минди.

Шохлик шуқуҳи-ла боғлади камар.

Унга тобе бўлди жаҳон сарбасар.

Ҳукмидан осуда жаҳоннинг бари,

Ҳукмида ваҳший, қуш, одам, дев, пари.

Жаҳонда ошарди обрў кундан-кун,

¹ Абулқосим Фирдавсий. Шохнома. Ўзбек тилига Ш.Шомухаммадов, Х.Ғулом, Назармат, Ж.Жабборов таржималари. –Т.: “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.” 2011. Шеърин матилар ушбу манбадан олинди.

Тахти ёриб кетди гуё чиқиб кун.
Дер: «Менга подшолик фарри эзаддан,
Кучим шохдан каммас, ақлим муъбаддан.
Ёмонлик-ла кесай ёмонлар кўлин,
Рухимга ёр этай яхшилик йўлин».
Аввало ясатиб харбий тиг-олат,
Ботирларга деди: «Изланг шон-шухрат».
Каёний оловда юмшатиб темир,
Зирих, калкон, калпок ясарди бир-бир.
Сарбозлар, отларга совут ясарди,
Хунари кундан-кун равонлашарди.
Бу соҳада ярим аср чекиб ранж,
Кўлига киритди қанча хунар-ганж.
Кийимни ўйлади яна эллик йил,
Разму базм либосин бичди хилма-хил.
Ипакдану жундан, канопдан газмол
Тўкишни ихтиро этди у дархол
Ип йигириб қўйиб, ўришу аркок,
Матолар тўкишдан берди у сабоқ,
Бичиб-тикишни ҳам сувда ювишни,
Халк ундан ўрганди яна кўп ишни.
Сўнг бошқа ишларга ўгирди юзин,
Шодон замонида шод кўрди ўзин.
Хар табақа аҳли нимага мойил,
Уларни ажратиб ўтди эллик йил;
Котузий аталмиш гуруҳ дунёда,
Танламиш ибодат йўлин афтода.
Бу гуруҳни халкдан ажратиб подшо,
Жойларин кўрсатди тоғу тош аро,
Тоғларда яшайди ундайлар ҳамон,
Оҳу илтижода ўтказиб даврон.
Иккинчи гуруҳни сўнгра сафлар шох,
Нисорий аталур баходир сипох,
Жанговар қаҳрамон, пахлавон шунда,
Лашкарлар шукухи, юртга шон шунда.
Шохлар тожу тахти шулар кўлида,
Мардлар шухрат, бахти шулар кўлида.

Учинчи гурухни Насудий деди,
Қани, ким уларнинг ғамини еди?
Ўзи экиб, ўзи пиширар, ўрар.
Беминнат, бедакки ўз кунин кўрар.
Бировга қараммас, эгнида жанда.
Кўнгли тўк, қулок тинч, лабида ханда.
Озод кекса демиш донишманд, оқил:
«Озодни танбаллик қул этмиш нуқул».
Тўртинчи гурухни Ахтухуши дер,
Булар хунарига қойил осмон, ср.
Хунарда тинимсиз, ишчан, донишманд,
Тоza рухи доим фикру ўйга банд.
Шох бундан сўнг яна ярим аср шод,
Кўп нарса бахш этди, эл бўлди обод.
Шундай табакалаб халқини бўлди,
Максад – ҳар ким йўлин белгилаш бўлди,
Ҳар ким насибасин, билсин, кўпу кам,
Ўз андозаси-ла ташласин қадам.
Нопок девларга ҳам иш топди хумой.
Сувга тупрок қориб, тегиб қилсин лой.
Сўнг лойни қолипга урмоқ бўлсин иш.
Қуритиб, тахласин бир текисда ғиш(т).
Девлар тошу ганждан қуришар девор,
Жаҳон хандасаси билан илк бор.
Ҳаммом, уй, саройлар бўлади бунёд,
Халки паноҳ топар, шаҳарлар обод.
Тошдан гавҳар излаб ўтди бир муддат,
Улардан равшанлик истарди факат.
Кўлига киритди неча тур гавҳар,
Ёкуту забаржад, феруз, қумуш, зар.
Афсун бирла тошдан ундирар барин,
Тугунлар калиди қўлда, офарин.
Яна хушбўйликлар истар кишилар,
Атру анбару мушк қидириб ишлар.
Атирлару кофур ҳамда мушки ноб.
Ихтиро қилинди уд, анбар, гулоб .
Табиблик очилди, касалга даво.

Ҳар иллатга чора, ҳар дардга шифо.
Табиблик сирин ҳам айлади ошкор,
Унингдек синчков йўк жаҳонда бирор.
Сўнг кема ясади, сузиб кетди у,
Кишвардан кишварга сувдан етди у.
Шу тахлит ўтказди яна эллик йил,
Ақлдан, ҳунардан қирк бўлинар қил.
Меҳнати мевасин фаровон олди,
Ўзидан бошқани кўролмаё қолди.
Ишлари гуриллаб, берганда мева,
Яна улуғликни айлади шева.
Битта тахт курдирди, бари сийму зар,
Шукуҳи Каёний, безаги гавҳар.
«Дев кўтариб учсин», деб бўлди фармон,
Тахт кўтарилганда паст бўлди осмон.
Тахт кўкда чарх урар мисоли қуёш,
Фармондор ўтирар, унда ирғаб бош.
Барча жам, одамлар қарар тахтига,
Жаҳон қойил бўлиб шукуҳ – бахтига.
Жамшидга сочишар олтину гавҳар,
Шу кунни янги йил – байрам дейишар.
Йил боши Ҳурмузу эди фарвардин,
Дилда на ғам қолди, на адоват-қин.
Улуғлар шодлик-ла базм курдилар,
Юзларин чолғуга, майга бурдилар.
Бу бахтиёр кунни, ўшандан буён.
Шохлардан ёдгор деб билурлар ҳамон.
Яна ўтди уч юз йиллар бахтиёр,
На ўлим, на бир дард кўрар бу диёр.
На дард, на ёмонлик кўрар бир инсон.
Девларни ҳам банди қилганди султон.
Фармонига барча бўйсунарди шод,
Мушиқа, кулгудан ҳаммаёқ обод.
Шундай ўтар йиллар фаровон, масрур,
Шох фарридан ҳар ёк равшан, эмар нур.
Жаҳон ундан ором топар ва шодком,
Яздондан келади кетма - кет пайғом.

Неча йиллар шундай ўтади ҳаёт,
Эзгуликдан ўзга иш бу шоҳга ёт.
Жаҳон унга тобё бўлди сарбасар.
Жаҳондор шукуҳ-ла тахтда ўлтирар.
Улуғлик тахтига кўз ташлаб гоҳ-гоҳ,
Ўзидан бошқани кўрмай қолди шоҳ.
Ўзлигин улуғлаб яздоншунос шоҳ,
Халқдан юз ўғирди ношукур, эй воҳ,
Казо-казоларни чорлаб лашкардан,
Улар ҳузурда бошлади суҳан.
Кекса, улуғларга сўзларкан султон,
Дер: «Менсиз нимага арзир бу жаҳон.
Мендан ошқор бўлди жаҳонда ҳунар,
Тахт менингдек шоҳни кўрмаган дигар.
Жаҳонни ҳунарга кўмиб ташладим,
Хоҳлаган йўлимга уни бошладим.
Емоқ, ичмоқ, уйқу, оромингиз – мен,
Кийим-кечак, орзу ва комингиз – мен.
Улуғлик шуқуҳи ва шони – ўзим,
Жаҳоннинг ягона султони – ўзим.
Дору дармонимдан созланди дунё,
Инсондан чекинди, ўлим, дард, бало.
Ўлимни маҳв этиб мендан ўзган ким,
Қани ким бўлолгай дунёга ҳоким?
Бошда ҳуш, тандаги жонингиздурман,
Ким менга бўйсунмас ўша Аҳриман.
Ҳамон мендан кўриб бу ишлар барин,
Энди мени атанг «жаҳонофарин».
Бошин қуйи солди муъбад ва аён.
Бирор сўз дейишга ожиз тил – забон,
Бу сўздан шоҳ фарри хип-хира бўлди.
Жаҳон бошдан-оёқ миш-мишга тўлди.
Барча кетди шоҳдан ўгириб юзин,
Улуғлар ҳам четга олишди ўзин.
Учу йигирма йил ўтмайин сипоҳ,
Бари тарқаб кетди, бўш қолди боргоҳ.
Манманлик, такаббур келтирди ташвиш,

Шундан сўнг оркага кетаверди иш.
Демишки, ширин тил кекса донишманд,
«Шоҳ бўлгач, назаринг баланд тут, баланд.
Яратгувчига ким бўлмиш ношукур,
Тинимсиз балодан дили тирналур».
Жамшидни тарк этди ҳаловат-хузур,
Шоҳлик партавидан сўна бошлар нур.
Кўз ёшин тўкар-у, фойдасиз фақат.
Не тавбалар қилар, топмас инобат.
Яздон фарри ундан кундан-кун жудо,
Кундан-кун сезилар – яқиндир бало.

Заҳҳок ва унинг отаси ҳақида қисса

Бир ҳукмдор яшар эди ул замон,
Найздорлар чўли унгадир макон.
Таги тоза, ўзи кўп яхши киши,
Шоҳликда Яздондан чўчимок иши.
Мардос эрди унинг мусаффо номи,
Эҳсон, яхшиликка жўшар илҳоми.
Сут бергучи эди чорваси анинг,
Кундан-кунга ўсар ғизоси анинг.
Шунингдек, кўй, туя, эчки галасин,
Чўпонларга бериб кўйган ул покдин.
Сутли кора моллар бўлиқ ҳар ёқда.
Тоza аргумоқлар тўлиқ ҳар ёқда.
Кимда агар сутга бўлса эҳтиёж,
Олар керагича бебож, беҳирож.
Бир ўгли бор эди мисоли заҳра,
Меҳру муҳаббатдан дили бебаҳра.
Дунё излар эди номи ҳам Заҳҳок,
Дадил ва енгилтак эрди кўп нопок.
Беварасп ҳам деяр эрдилар ани,
Паҳлавий сўзи бу, нима дегани?
«Бевар» паҳлавийда, бўлсанг кулок - кўз,
Ўн минг деганидир дарийда бу сўз.
Бадавий отлари бўлган-чун ўн минг,

Номи ҳам Беварасп бўлганди унинг.
 Туну кун эгарлок учдан иккиси,
 Жанг эмас, шухрат деб турар йилкиси.
 Бир куни пок ният бир инсонсифат,
 Даргоҳига келди иблис – касофат.
 Ўспирин дилини тойдирди йўлдин,
 Сўз билан бошини айлантирди жин.
 Иблис сўзи унга жуда хуш ёкди,
 Кир ниятин билмай, меҳр ила боқди.
 Иблисга эс-хушин топшириб Заҳҳок,
 Ўз азиз бошига сочди кора хок.
 Кўнгил берганини тушунгач иблис,
 Шодланиб, авжига минди ғаламис.
 Ўз ишин қиларди иблис жавраши,
 Илмдан холийди Заҳҳокнинг боши.
 Деди: «Сенга айтар бор неча сўзим,
 Уни ҳеч ким билмас, айтурман ўзим».
 Йигит дер: «Тезрок айт, айлагин кўтоҳ,
 Мени барча сирдан айлагил огоҳ».
 Унга деди: «Аввал ёд айлагил қасам,
 Сўнгра маъкул бўлур, ростин сўйласам».

Дили пок ўспирин қасам этар ёд,
 Иблис айтганларин ижро этиб бот.
 Деди: «Сўзларингга солурман кулок,
 Лек оғиз очмасман ҳеч кимга ҳеч чок».
 Иблис дер: Эй номдор, оқил паҳлавон,
 Не учун тахт узра бошқа бир инсон?
 Сенингдек ўғилга ота не ҳожат,
 Кулок сол пандимга, айтай бир ҳикмат.
 Ҳа демай бу чолдан холидир замон,
 Сен эса қудратга тўлган навқирон.
 Бу даргоҳ жиловин олгин қўлингга,
 Тахту тож мунтазир сенинг йўлингга.
 Менинг сўзим тинглаб, айласанг вафо,
 Бўлурсан жаҳонда ягона подшо».
 Яхши – ёмонликда фарзандга асло,

Совук шабодани кўрмасди раво.

Ўстирди несъматда чекиб қанча ранж,
Ўғлидан шодланиб, бериб бойлик, ганж.
Ёмонликка кетди фарзанди унинг,
Номусни унутди пайванди унинг.
Отаси қонига булғонди ўзи,
Эсга тушди доно кексанинг сўзи:
«Фарзанд бўлса ҳамки шер каби гушна,
Отасин қонига бўлмаган ташна.
Агар бошқачарок бўлиб чикса иш,
Сирин онасидан керақдир билиш».
Тағи паст, адолат билмаган Захҳок,
Тахтга минди ота қалбин этиб чок.
Бошига қўндирди арабий тожин,
Кўзлаб юрт инкироз ёки ривожин.
Иблис кўриб нопок ишин ўнгини,
Яна ўйлаб кетди хийла сўнгини.
Иблис Захҳокка дер: «Мен томон чопиб,
Етдинг бу жаҳонда мақсудинг топиб.
Агар яна мен-ла қилсанг аҳд-паймон,
Сўзимдан бош тортмай, айласанг фармон,
Бўлурсан саросар жаҳонга подшо,
Қуш, кумурска, хайвон, инсонга подшо».
Шуни деб жўнади бошка ёқ қараб.
Бошқача иш тутиб кетди, во ажаб.

Иблиснинг ошпазлик қилгани

Ўйигитга айланди Иблис бир покταν,
Зийрагу хушёр дил, сўзга ҳам чечан.
Бирдан пайдо бўлиб Захҳок ёнида,
Мақтовдан ўзга сўз йўқ забонида,
Деди: «Яраб қолсам, шоҳим, хизматга,
Дастурхонинг тўлар шаҳду лаззатга».
Захҳок бундай сўзни эшитган замон,
Ошхона солинсин, деб қилди фармон.
Ошхона қалитин Иблисга берди,
Факат ул пиширган таомин ерди.

Ул вақт одам ўзин қилиб парвариш,
Одатмасди жондин гўштини ейиш.
Фақат мева-чева еярди одам,
Яна ердан чиққан кўкат, донни ҳам.
Сўнгра ўтказиб бадният Аҳриман,
Жонвор гўштин ишки жой олди дилдан.
Иблис ошпаз турли қуш бирла ҳайвон
Гўшtidан пиширар овқат фаровон.
Қон ичган шерсаёқ кундан-кун подшо,
Кучга тўлсин деяр қиличи бурро.
Ошпаз ҳар не деса хўп десин дарров,
Иблисга дилини қўйсин у гаров.
Аввал боқди тухум сариғи билан,
Ундан қудрат олар қўл, оёқ, бадан.
Подшога хуш келиб бундайин таом,
Ошпазга офарин ўқирди мудом.
Унга шундай дерди Иблис найрангбоз,
«Абадий омон бўл, шохим, сарафроз.
Эртага пиширай шундай бир овқат,
Ундан топар тану коминг хўп лаззат».
Қайтиб туни бўйи хаёлга толди.
Эрта не қилсам, деб ўйланиб қолди.
Эрта тонг ложувард қўйнидан осмон
Ёқутин чиқориб кўрсатган замон,
Каклик, кирғовулдан пишириб таом,
Умид билан кириб айлади салом.
Қўлини таомга чўзиш билан шох,
Ақлсиз бошидан чекди ўтли оқ,
Учинчи кун Иблис қуш ва қўзидан,
Таом қилди безаб кўкат, сабзидан.
Тўртинчи кун шохки ёзди дастурхон,
Бука гўшtidан овқат келтирди чакқон.
Хурушига берди заъфарон гулоб,
Ёнида қўп йиллик ёқут ранг шароб.
Шох овқатдан олиб тотиган сари,
Эс-хушин оларди ошпаз хунари.
Унга деди: «Орзунг не? Қани, гапир?»

Не истагинг бўлса айлағум ҳозир».
Ошпаз унга аста дер: «Эй подшо,
Абадий яшайвер шод, фармонраво.
Ожиз юрагимга меҳринг тўлиқдир,
Фақат меҳринг ила таним бўлиқдир.
Шоҳдан фақат битта истагим бордир,
Истак бажо бўлса, омадим ердир.
Фармон этсанг, шул он ўрнимдан кўпиб,
Кўзга суртсам икки кифтларинг ўпиб».
Захҳок эшитибок бундай гуфторни,
Тагига етмасдан бундай бозорни,
Деди: «Мен берайин комингни сенинг,
Кўкларга кўтарсин номингни сенинг».
Фармон этди Иблис жуфтидек келиб,
Икки кифтин ўпди, шодликдан кулиб.
Ўпди-ю, шу онда бўлди у ғойиб,
Бундай ишни кўрган борми ғаройиб.
Икки елкасида икки чўнг илон,
Шоҳ чора тополмас хайрону нолон.
Қилич-ла иккисин кесиб ташлайди,
Илонлар кайтадан ўса бошлайди.
Дарахт шохи каби тебраниб турар,
Елкаларда икки коп-кора аждар.
Фарзона табиблар тўпланиб келди,
Чорасин билолмай ҳар томон елди.
Турли найранглар ҳам қилиб кўришди,
Илож топилмади, охир сўлишди.
Иблис яна келди шоҳ хузурига,
Бу гал табиб бўлиб чикди тўрига.
Деди: «Бўлганича бўлмиш энди иш,
Ҳозирламок лозим уларга емиш.
Тинчитгил вақтида берибон таом,
Бошқа ҳеч чора йўқ, топмассан ором.
Инсон миясидан хўрак бер фақат,
Ўзларин ўлдирса зора бу овқат».
Дев нима мақсадни кўзламиш, кара,
Қандай мақсадига изламиш чора.

Ё инсондан холи колсин деб жаҳон,
Чора кўрмоқдами барчадан ниҳон?

Жамшиднинг рўзгори қаро бўлгани

Эронда нима гап? Ҳар ёқда хуруш,
Ҳар томонни босиб кетди жангу жўш.
Жамшид ёруғ куни бўлганди қаро,
Уни ташлаб кетмиш фозил, умаро.
Эзид фарри энди нур сочмас сира,
Эгрини дер, ақли бўлганми хира?
Ҳар томондан чиқар янги-янги шоҳ,
Ҳар кабилабоши кўтарар сипоҳ.
Ҳар бири жанг килди, ё лашкар тузди,
Ҳаммаси Жамшиддан меҳрини узди.
Эрондан аскарлар чиқиб келди мўл,
Араб шоҳи томон барча олди йўл.
Эшитмишлар унда бор бир улуғ зот,
Барча хайиқармиш, ул аждарсифот.
Шоҳ кидириб елган Эрон сипоҳи,
Заҳҳок томон тушди уларнинг роҳи.
Бари унга бориб «офарин» деди,
«Сенга бўлсин Эрон – бу замин» деди.
Аждар сифатли шоҳ тез келди елиб,
Шоҳлик тожин кийди Эронга келиб.
Эрондан, арабдан йиғди чўнг лашкар,
Паҳлавон юборди унга ҳар кишвар.
Жамшид тахти томон у йўлга тушди,
Дунёни Жамшидга узукдек қисди.
Жамшиддан юзини ўгирди бахти,
Чора йўқ, қўлидан чикмоқда тахти.
Чекинди, Заҳҳокка колди тож-қулоҳ,
Улуғлик, шон-шавкат, хазина, сипоҳ.
Юз йилча йўқолди, кўрмади инсон,
Барчанинг кўзидан бўлганди ниҳон.
Юзинчи йил Хитой дареси ёқда
Топилганмиш Жамшид, қариган чоқда.

Заҳҳок уни қўлга топширмиш ногоҳ,
Бир дам фурсат бермай унга нопок шох,
Арра солиб қилмиш қок икки бўлак,
Жаҳон ундан холи, қасд олмиш фалак.
Аждаҳо домидан беркиниб чандин,
Аммо тополмабди омонлик йўлин.
Шоҳлик дов-дастгоҳин тортволди замон,
Сомон тортилгандек қаҳрабо томон.
Тахтга ундан ортиқ ўлтирган ким бор?
Меҳнати бўлдими, кани унга ёр?
Етти юз йил бўлди Жамшид ҳукмрон,
Бошдан ўтказди кўп яхшию ёмон.
Не керак жаҳонда яшашлик узоқ,
Буюрмаса дунё сирини очмоқ?!
Парваришлар бериб гоҳ шаҳду шакар,
Қулоқка етишар юмшоқ овозлар.
«Меҳр ёр бўлди» деб этасан хаёл,
«Меҳр юз кўргузар» дейсан эҳтимол.
Шодланиб кетасан бу шодлик чоғинг,
Юрак сиринг каби очик кучоғинг,
Бир ўйин кўрсатар бевафо фалак,
Дилинг хун, шодлигинг битар бедарак.
Беш кунлик дунёга ишончим барбод,
Худоё, бу ранждан тезроқ кил озод.

ЗАҲҲОК ДОСТОНИНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Заҳҳок минг йил подшоҳлик килди. Унинг замониға хаёт яна Жамшиддан олдинги даврларға қайтди: Сеҳру жоду ривож топди, хурофот кучайиб, илму маърифат хор бўлди. У Жамшиднинг Арнавоз ва Шаҳрноз номли сингилларини ўз қасриға элтди ва уларға жодуликдан таълим бера бошлади. Ҳар кеча икки ёш эркакни тутиб келиб, ўлдириб, уларнинг миясидан Заҳҳок елкасидаги илонлар учун овқат хозирлашарди. Армойил ва Кирмойил деган икки йигит олдиндан тузилган аниқ режа асосида

Захҳокнинг ошхонасига ошпаз сифатида дохил бўладилар. Улар ҳар куни тутиб келтириладиган йигитларнинг бирини кутқариб, бир қўйнинг миясини қўшиб овқат пишириб бера бошлайдилар. Шу зайлда кунлар ўтарди. Захҳок умридан қирқ йил қолганда, бошига бир бало тушди: бир кеча Захҳок туш кўрибди. Тушида ногаҳон уч жангари йигит пайдо бўлиб, улардан ёшроғи ҳўкиз бошли гурзисини кўтариб, Захҳокнинг бошига уриб (уни асирга олибди) ва Домованд тоғига судраб олиб борибди.

Уйқудан бедор бўлган Захҳок уламолару таъбирчилардан тушининг таъбирини сўради. Улар кўркувдан асл воксани айта олмайди. Муъбадларнинг бошлиғи Зийрак охир-окибатда ҳақиқатни айтишга мажбур бўлади: Бир кун келиб ҳали онадан туғилмаган Фаридун отаси Отибин ҳамда Бармоя сигир интикоми учун сени бандга олади ва тожу тахтни сендан тортиб олади.

Охир-окибатда Фаридун дунёга келади. Захҳок илонлари кеча-кундуз овқат деб безовта қила беради. Фаридуннинг отаси Отибинни тутиб ўлдирадилар. Онаси Фаронак уни Захҳок айғокчилари кўзидан йироқларга элиб яширади. Ана шу ерда ранго-ранг юнгли Бармоя сигир ҳам дунёга келган эди. Фаридунни ана шу сигир сути билан парварншлай бошлайдилар. Фаронак уч йилдан сўнг ўғлини у ердан олиб, гўшанишинлик ихтиёр этган Ҳиндистондаги Элбурз тоғида яшайдиган муъбадга топширади. Захҳок одамлари халиги экинзорни тинтув қилиб, Бармоя сигирни ўлдирадилар. Аммо Фаридунни тополмай, қайтиб кетадилар. Фаридун Элбурз тоғида яшай бошлайди. Ўн олти ёшига кирганда авлоди ва қариндош-уруғларини суриштира бошлайди. Онаси Фаронак унинг отаси Отибин қасбийлар шажарасидан бўлиб, Тахмурас уруғидан эканини айтади. Бу томонда Захҳок зодагонларни йнғиб “Захҳок адолатли шох, у ростликдан ўзга суҳан айтмайди. У ҳеч қачон адолат ва ҳақиқатга қарши бормаган”, деб сохта ёрликлар таркатади. Сарой аҳли кўрққанларидан уни қўллаб-қувватлайдилар. Аммо ўша онлардаёқ ташқарида ситам кўрганларнинг ғалаёни эши-

тилади ва Заҳҳок тахтини ларзага келтиради: “Мен адолат истагувчи Коваман, шохнинг зулмини кўп тортган темирчиман, ўгиллари ўлдириш учун олиб кетилган аламзада отаман” деган овоз эшитилади. Заҳҳок шу заҳоти унинг ўгилларини озод қилиб, ёрликка имзо чекишини сўрайди. Кова коғозни ўқигач, ғазаб билан ёрликни йиртиб ташлайди ва сарой киборларига қараб шундай дейди:

– Эй девнинг дастёрлари! Нега Худодан юз ўғирдингиз, нега жаҳаннам сари қадам қўйдингиз? Ўзингизга келинг! Шундай деди-ю, олдида бораётган ўғли билан саройни тарк этди. Кўча бозордаги халк унинг атрофига бирлашди. У фарёд чекиб халкни адолатхоҳликка чорлаб, Фаридун макони томон юз ўғирди. Фаридун даргоҳига етиб келгач, Кова этагидан бир байрок ясади ва шоҳи мато билан зийнатлаб, зару гавҳар ўрнатди ва уни ой шаклида доирасимон қилди. Унга қизил, сариқ, бинафша байрокчалар ёпиштирди ва унинг номини “Дирафши қовиёни” деб атади. Фаридун курашиш вақти етганини билди. У биродарлари Катаюн ва Бармояларга мохир темирчиларни тўплашни буюрди. Темирчилар йиғилгач, Фаридун ҳўкиз бошли гурзи тасвирини ерга чизиб, темирчилардан шундай гурзи ясашни илтимос қилди. Улар гурзини ясаб келгач, Хўрдод қуни, яъни олтинчи ойда Заҳҳокка қарши жангга жўнади. Улар зардуштийлар майдонига етишди. Ярим кечада яздонпарастлар орасида ҳам ғалаён кўтарилди ва улар Фаридунга жодугарлик ҳамда афсунгарликни ўргатишди. Фаридун Бағдод яқинидаги Дажла дарёси соҳилига етди. У Заҳҳок қалъасини забт этиб, у ердаги тилсимни йўқотди. Шундан сўнг Жамшиднинг сингилларини озод қилди ва бошларидан сув қўйишни буюрди. Натижада, уларнинг тани ва руҳиятини зулматдан ювиб тозалашди ва Заҳҳок қасрини Фаридун учун тайёрлашди ва Заҳҳокнинг Гандур отлиғ хизматкори бўлиб, у бўлмаган пайтда барча ишларини бажарарди. У қасрга кириб келиб Заҳҳок ўрнида ўтирган Фаридунни кўргач, таъзим бажо келтириб, қуллардек ер ўпди ва хуш келибсиз, деди. Тонг отган маҳалда отга миниб қочиб Заҳҳокка

хабар берди. Эҳтимол бу уч киши меҳмондир, улар Арнавозу Шаҳрnavоз билан суҳбат куришиб ўтирибди, дейишди. Буни эшитган Заҳҳокнинг кўз ўнгига ажал келди ва тез ҳаракат қилиш хусусида фармон берди. Улар йўлсиз томондан қаср ва саройга келишди. Фаридун лашқари ва исёнчи халқ билан жангга киришди. Заҳҳок ўзини танитмаслик учун темир либос кийиб олганди. У қаср томига чиқди. Шу пайт Фаридун билан кулишиб ўтирган Шаҳрnavозни кўриб, ғазаб билан ханжарини суғуриб олди ва каманд билан томдан тушди. У қизлар билан Фаридунни ўлдирмокчи эди. Шу пайт Фаридун гурзи билан бошига туширди, аммо ғойибдан фаришта келиб: “уни ўлдирмасдан асир олгин ва элтиб зиндонга ташла”, синган кўл-оёқларини боғла, Дамованд тоғига элтиб зиндонга ташла” деди. Фаридун айна шундай қилди.

Миниб тахтга Заҳҳок, бўлиб шаҳриёр,
Давр сурди минг йил жуда бахтиёр.
Бўйинсунди унга тамоми жаҳон,
Шу аҳволда ўтди узун бир замон.
Тутиб яхши одат, олиб авж кин,
Ҳунар хору, жоду бўлиб аржуманд,
Адолат йўқолди, ёмонлик баланд.
Узайди ёвузлик – Аҳриман қўли,
Чин сўзга қисилди инсонлар тили.
Асира эдилар Жам авлодидан
Гўзал икки кизки, ларзон икки тан,
Иккиси Жамшидга сингил эдилар,
Аёллар тожи-ю, хушдил эдилар.
Никобли гўзалнинг бири – Шаҳриноз,
Ўзгасининг исми эди Арнавоз.
Суриб келтиришиб Заҳҳок ёнига,
Топшириб аждаҳо жиғилдонига,
Ёмонлар қўлида кўриб парвариш,
У қизларга жоду бўлиб қолди иш.
Илон шоҳ ишидир ёмонлик, хуруш,
Уруш қатлу қирғин ҳам ғорат қилиш.

Илонларга хар кун лукма икки ёш,
Хар кеч икки туткун ёш кўзида ёш.
Агар мискин, ожиз ва гар пахлавон,
Тутиб келтирурлар бериб шоҳга жон.
Кесиб бошларин ҳам чакиб миясин,
Пиширурлар таом илонлар учун.
Бор эрди бу элда иккита хушёр,
Ожил, мурувватли ва покизакор.
Биттасининг номи Армоил покдин,
Яна бири эса, Гармоил пешбин.
Учрашиб ундану бундан, сўзлашиб,
Захҳок шоҳ зулмидан куйиб бўзлашиб.
Бири деди: “Борсак ўшал даргоҳга,
Пазандалик килсак у золим шоҳга.
Бир режа тузармиз, килармиз илож,
Иложи топилса, қулар конли тож.
Қилармиз биз унда халоскорлик,
Агар чора топсак, кестар хорлик.
Хар кун икки нафар бўлса гар асир
Бирин қутқаролсак, бул иш ҳам хайр”.
Охиста бордилар конли даргоҳга,
Ажойиб таомлар қилиб подшоҳга,
Ёлланиб пазанда бўлиб олдилар,
Халоскорлик фикрин дилга солдилар.
Етишди яна кон тўкиш фурсати,
Қаро эрди икки ғариб қисмати.
Икковининг қўлин боғлаб жаллодлар,
Азиз умрин этмок бўлиб барбодлар,
Ошпазлар олдига олиб етдилар,
Юқори тешиқдан тик ирғитдилар.
Бу ишдан ошпазлар дилида алам,
Кўзи лик тўла нам, дилида чидам.
Шоҳнинг килмишидан кўпириб ғазаб,
Аммо бир-бирига жимгина караб,
Асирлардан бирин омон қўйдилар,
На чора, бирини олиб сўйдилар.
Бирин ўрнига қўй миясин топиб

Қовурди, устига сепди ўт чоғиб.
Бирига бериб эрк, дедилар: «йигит,
Кўринма, ўзинг эл кўзидан бекит.
Шаҳру кишлок томон рост айлама йўл,
Сенинг баҳранг энди бўлур тоғу чўл”.
Кўю эчки бошин чакиб, миясин
Таом этардилар, илонлар есин.
Ҳар ой тирик қолди ўттиз чоқ киши,
Уларни бекитмоқ ошпазлар иши.
Етиб икки юзга йиғилгач улар,
Ҳеч кимга билдирмай тоғ томон сурар.
Кўй, эчкига чўпон қилиб барчасин,
Юбориб турар тоғ ичра, офарин.
Бу кун курд аҳлига жад-аждод улар
Шаҳарни қилишмас ҳечам ёд улар.
Намат уй макони, чўлу тоғ йўли,
Худодан ҳайикмас уларнинг дили.
Заҳҳокнинг яна бир ёвуз хоҳиши:
Элда бўлса агар машҳур ҳар киши,
Тутиб келтирурлар, сарвинозми у,
Паҳлавон, баҳодир, жилвасозми у.
Кессар бошин агар бўлса паҳлавон,
Элат ичра машҳур девбанди жаҳон.
Агар ёш гўзалдир, канизак қилур,
На Кай расми, на Кеш мақолин билур.

Заҳҳокнинг Фаридунни тушида кўргани

Ҳаётдан яна колганда кирк йил,
Нималар бошига келди, энди бил:
Гўзал қаср ичра ётар, уйку соз,
Кўйнида нозланиб ётар Арвиноз.
Уйку аро кўрди кўрқинчли бир туш,
Қилур қасдида уч баҳодир уруш.
Иккиси кексамиш, бириси ёшроқ,
Каёний чехрада кўзлари чирок.
Белин боғлаган шоҳ мисол паҳлавон,

Кўлида хўкиз бош гурзиси равон.
Келар эди золим бошига шиғаб,
Урарди Захҳокни аёвсиз саваб.
Кичик ёшли ботир келиб устидан,
Қолдирмайин шилиб олди пўстидан.
Кейин икки кўлин кесиб, боғлашиб,
Команд бўйнида, тоғ йўлин чоғлашиб.
Кишан солиб, кийнаб уни хору зор,
Этиб гарду гард ул кичик шохсувор,
Илоншохни судраб, бермайин омон
Юрармиш Дамованд чўкқиси томон.
Хиснатчи Захҳок инграб шул замон,
Жигар кони тепди бошига чўпон.
Чўчиб уйғониб шох, торғди ўтли ох,
Келди ларзага юз устунли даргоҳ.
Товушдан чўчиб уйғонди шу дам
Шан уйқуда ётган Арнавоз санам.
Инграган Захҳокка деди Арнавоз:
“Аё шох, не бўлди, сўзла, очиб роз?!”
Ором ётар эдинг пар тўшакда хуш,
Нелар пайдо бўлди? Кўрдинг нечук туш?
Сенинг фармонингда букун кенг жаҳон,
Қуш, йирткич, деу жин сенгадур посбон.
Бу етти иклимга ўзинг шаҳаншоҳ,
Балиқдан ойгача сен пушти паноҳ.
Нечун чўчиб турдинг ором уйқудан,
Сўзлаб бергил: шохим, сабаб не экан?”
Ой юзли гўзалга дер шохи жаҳон:
“Лозимдир бу тушни тутмоғим нихон!
Бул тушим мазмунин эшитсанг агар,
Жонимдан умидинг бутун узилар”.
Шунда жаҳоншоҳга деяр Арнавоз:
“Жонинг бизга азиз, сўйла, очиб роз?!”
Жаҳонда ҳеч иш йўк бўлмасин талбир,
Бир чора топамиз, сўйласанг бир-бир”.
Юрак сирини шох очиб ташлади,
Тушин бир-бир айтиб, дилин ғашлади.

Шунда подшоҳга деди парируй:
“Бунда шундай қўйма, бўлгил чоражўй.
Узугинг муҳрида жаҳон қисмати,
Қуш-ҳайвон, пари-дев, одам исмати.
Ҳар кишвар юборсин олиму доно,
Таъбирчи муъбадлар берсинлар фатво.
Уларга тушингни айт, изла чора,
Бунда не сирлар бор, нечун дил ёра.
Ҳушинг олмоқ бўлган ким, билиб олгин,
Одам наслиданми, дев, пари ё жин?
Билиб олиб, сўнгра чорага кириш,
Ҳадикни дилингдан қувиб, бошла иш”.

Не демиш сарви қад, сочлари сунбул,
Бад андиша шоҳга бўлганди мақбул.
Зоғ каноти мисол жаҳон ҳам шу чоғ
Тоғ ортидан аста кўрсатиб чироғ,
Ложувард осмонга гуёки қуёш
Зар сочиб, айлади ёқутга подош.
Қайда бўлса агар муъбади зукко,
Билимдон, аҳли дил, уйғок ҳар доно
Барин ҳузурига чорлади подшо,
Мудҳиш туши билан айлади ошно.
Барини сўзлади подшоҳи жаҳон,
Улардан излади дардига дармон.
Ва деди: “Сирдан тез огоҳ айлангиз,
Тўғри йўлга мени ҳамроҳ айлангиз”.

Улардан туш сирин талаб айлади,
Яхшидан, ёмондан сўраб, сўйлади:
“Айтинг, қачон, нечук бўлғуси бахтим,
Кимга насиб этар бу тожу тахтим?
Ё бу сирни менга очиб соласиз,
Ё хор бўлиб, бунда бошсиз қоласиз!”

Муъбадлар юзи қўл, лаби қуруқшоқ,
Пичир-пичир гапдан сасиди қулоқ.
“Агар ростин айтсак, бу ҳам бир бало,
Жонимиз биргина, ҳаёт бебаҳо.
Яширин маънони этмасанг зухур.

Ҳаётдан кўл ювиб, кўлтиғингга ур!”
Хеч кимса сўзини этолмай ошкор,
Уч кун ўтиб кетди, қандай чора бор?
Муъбадларга шоҳнинг ғазаб учқуни
Алангалаб кетди тўртинчи куни.
Деди: “Этмасангиз туш сирин ошкор,
Барчага еткулик курдираман дор”.
Муъбадлар бош эккан, чикмасди бир ун,
Дил икки бўлинган, кўздан оқар хун.
Бор эрди донолар ичра бир қари,
Эс-хуш бутун, ростлик эрди ҳунари.
Билимда, ақлда барчадан илдам,
Доно, зийрак турди ўрнидан шул дам,
Дил жўш уриб, кадам ташлади бебок,
Доно қаршисида турарди Заҳҳок.
Деди: “Ёмонликни унут шаҳриёр,
Туғилишнинг охир ўлими ҳам бор.
Сендан олдин қанча жаҳондор ўтди,
Улуғ тахт соҳиби хўп бисёр ўтди.
Ғаму шодлик кунин кўриб, ҳар бири,
Узоқ умри охир бўлди охири.
Пўлатдан бўлсанг ҳам, асло қилма дов,
Кемириб, йўкотар фалак беаёв.
Бошқаларга колар тахтнинг охири
Қаро ерга кирар бахтнинг охири.
Номини сўрасанг, Фаридун бўлур,
Ер юзи ул била ҳумоюн бўлур.
Онадан хали у туғилганча йўқ,
Хали сенинг бахтнинг бўғилганча йўқ.
Пурхунар онадан туғилган замон,
Мевадор дарахтдек юксалар чунон.
Мардлик билан боши ойга етади,
Тоғу тахту камар истаб кетади.
Чинордек қомаги, бўйи нақ осмон,
Елкасида пўлат гурзиси гарон.
Хўкиз бош гурзиси тушар бошингга,
Тахтдан улоктирар бокмай ёшингга».

Нопок Захҳок беради унга савол
«Нечун у менга ёв бўлади қаттол?»
Диловар унга дер: «Бўлса эс-хуши,
Сабабсиз ёмонлик истамас киши.
Кина-адовати сабаб бўлгуси,
Дастингдан отаси бир кун ўлгуси,
Отасин этарсан кўлингда халок,
Шундан у ёв бўлур дили дарднок.
Бир сигир келади уни боккали,
Доя – она бўлиб жонга ёккали.
Фаридунга келгай муқаддас сигир,
Сутидан парвариш топар жаҳонгир.
Дастингдан муқаддас сигир ҳам ўлур
Хўкиз бошли гурзи насибанг бўлур».
Захҳок хабар топиб фалак нишидан.
Тахтидан йиқилди, кетди хушидан.
Зийрак бу дахшағни кўрган замони.
Тура қочди ширин кўриниб жони.
Бўлди қайтиб келгач, подишо хуши,
Қасний тахтига чикмоқлик иши.
Оламда Фаридун зотидан нишон
Кеча-кундуз излар ошқору ниҳон.
Оромин йўқотди, ўтмайди емиш.
Равшан қуни бўлди қаро: сарташвиш.

Фаридуннинг туғилгани

Узун қаро йиллар сўнгига етди,
Аждаҳо подшонинг ҳаёти битди.
Фаридун ҳаётга кўйдию қадам,
Ёришиб кетгандай бўлди бу олам.
Ўсар қомаги, тик бир сарви равон,
Чехрасида шохлик муҳри намоён.
Улуғликда мисли жаҳондор Жамшид,
Нур сочишда худди кўкдаги хуршид.
Жаҳонга ёмғирдек хушёқар эди,
Кишига билимдаск мўътабар эди.

Фаридунда эди фалак мехри ҳам,
Лутфи эҳсони ҳам, севги сеҳри ҳам.
Кўринди Бармоя исмли сигир,
Сигирлар ичра ул эди беназир.
Онадан туғилган мисоли товус,
Товланар ҳар мўйда ўзгача бир тус.
Муъбадлар йиғилди, оқил ва заранг,
Юлдузшунослар ҳам бўлди ҳангу манг.
Бундай сигирни ҳеч кўрмагай олам,
Ё қариялардан эшитмас одам.
Бу ҳақда ҳар томон таралди миш-миш.
Шум Заҳҳок: «изланг» деб берди фармойиш.
Фаридун отасин номи Отибин,
Отибинга ҳам тор бўлди бу замин.
Қочиб юриш унга куч келди охир,
Аждарнинг домига дуч келди охир.
Илон подишоҳнинг шум кишилари
Изғишар туну кун, шумлик ишлари.
Отибинни тутиб, бойлашиб нопок
Заҳҳокка элтдилар, айлади ҳалок.
Фаридун онаси – Фаронак шу дам,
Ўз жуфти бошига тушган бу алам,
Фалокатдан огоҳ бўлиш биланок,
Ўйлаб кетди ўғлин асрасин қандок?!
Ўғлини яшириб окила хотун,
Тўқайзорга кетди, кўздан оқар хун.
Шухратли Бармоя шу ерда эди,
Фаридун ризки шу сигирда эди.
Фаронак чорвадор ёнига борди,
Жигару бағри хун, дардини ёрди.
Деди: «Сутга тўймай колур бу гўдак.
Бир муддат сен асраб бермоғинг керак.
Бармоя сути-ла этиб парвариш,
Кўрсатгил бир муддат оталарча иш.
Агар ҳақ истасанг тикканман жоним,
Шунга аталгандир бор хонумоним».
Яйлов ва тўқайлар эгаси молдор

Пок дилли аёлга хизматга тайёр,
Деди: «Қолсин бунда сенинг фарзандинг,
Огишмай бажарай ўгиту пандинг».
Фаронак топшириб унга фарзандин,
Бирма-бир сўзлади ўгиту пандин.
Меҳр билан боқиб, уч йил кечирди,
Муқаддас сигирнинг сутин ичирди.
Ҳамон кидирмоқдан тўймасди Заҳҳок,
Ёвуз ниятини қўймасди Заҳҳок.
Оламга ёйилиб кетганди миш-миш:
“Фалончида бормиш, муқаддас говмиш!”
Фанорак яйловга югуриб келди,
Чорвадор ва говга югуриб келди.
Деди: “Яздон солди дилимга гулув,
Бирор кун тинмас бу оламни тинтув.
Ўғлим бу дунёда жону дилимдур,
Ўғлимдан айрилмоқ менга ўлимдур.
Чора излай, сабил қолсин Жодустон,
Ўғлим олиб, қилай азми Ҳиндустон.
Кўздан ғойиб бўлиб кетганим чоғи
Маконимиз бўлгай Элбурс тоғи”.
Тез чопар кийикдек она ҳам бола,
Тоғ томон жўнашди нақ азон палла.
Тоғ аро яшарди тақводор киши,
Ибодатдан ўзга йўқ эди иши.
Фаронак у чолга дер: “Эй покдин,
Мен ҳам ғамгин она, нақ Эронзамин.
Бу ўғилдир менинг қимматли болам,
Бунга тобе бўлур бир куни олам.
Кесар бу Заҳҳокнинг машъум бошини,
Тупроққа тикажак жирканч лошини.
Сен бўлсанг болага меҳрибон посбон,
Бағрингда бир муддат асраса ул жон”.
Пок киши болани бағрига олди,
Шамол ҳам теккизмай қаловлаб қолди.
Заҳҳок шум яйловдан топганди хабар,
Муқаддас ул говдан топганди хабар.

Келди у маст филдек адоват билан,
Бармояни ҳалок этди аввалан.
Сўнг бутун кўтонни айлади яксон,
На унда мол колди, на молдор чўпон.
Фаридун уйига айлади шитоб,
Бирор зот тополмай бўлди хўп хуноб,
Аламдан ўт қўйиб барин килди кул,
Хоки гуруб бўлди саройи буткул.

Заҳҳок ва темирчи Кова достони

Илон шоҳи Заҳҳок даҳшатда тун-кун,
Тинмай қайтарарди: “Қайда Фаридун?”
Тошу тахт эгаси, ҳисобсиз кудрат,
Лек Фаридун номи соларди даҳшат.
Бошига қўйибон ферузали тож,
Фил суяк тахт узра кидириб илож,
Улуғларни чорлаб ҳамма томондан,
Шоҳлигига паноҳ излаб хар ёндан.
Муъбадларга деди: “Аё, номдорлар,
Сизларга маълумдир барча бор ҳунар.
Менда бор яширин, хавfli бир душман,
Бу гап доноларга кундан ҳам равшан;
Ёвни кичик билиб, кутма омонлик,
Кунинг битар, тақдир килса ёмонлик.
Шунинг-чун беҳисоб лашкар килдим жам,
Унда одам ҳам бор, дев ҳам, пари ҳам.
Бир лашкар тузайин, дев билан мардум –
Биргалашиб қилсин ёвларимни гум.
Бу ишда сиз менга бўлгайсиз таянч,
Бўлмаса хатардан аҳволим аянч.
Халққа қараб ёзинг бу кун бир нидо:
Эзгулик тухмини сочар подишо(х).
Сўзласа – сўзлари ростликдир фақат,
Ҳукмдор мулкида ҳоким адолат!”
Илоншоҳ бўлса-да қанчалар жирқанч,
Қатталар кўркувдан бўлдилар таянч.

Мақтов ёрлиғига имзо чекдилар.
Қари-ёш дилга гаш тухмин экдилар.
Шу тобда эшикдан фарёд-ла кирди,
Бир киши, дод дерди, адолат дерди.
Уни яқин суриб шоҳ ҳузурига,
Ўтказиб қўйдилар сарой тўрига.
Шоҳ унга юзланди осилиб қабоқ:
“Ким ситам қилди?” – деб айлади сўроқ.
Қўлларин бошига уриб, дер: “Эй шоҳ,
Менинг номим Кова, адолат, додхоҳ.
Сендан ситам кўрдим, сендандир раво.
Одил бўлсанг қилмоқ дардимга даво.
Адолат кўргазмоқ бўлса қор-борипг,
Билки, бу дунёда ошар миқдоринг.
Менга сендан етди зулм, ҳам ташвиш,
Жонимга кетма-кет санчавердинг ниш.
Гар менга зулм қилмоқ бўлмаса ишинг,
Недур фарзандларим тортиб олишинг?!
Ўн саккиз ўғлимдан тўлганди жаҳон,
Шулардан битгаси қолмиш бул замон.
Ўша бирини ҳам қўймасанг агар,
Дилимда аланга, эзилмиш жигар.
Аё шоҳ, гуноҳим нимадир, гапир,
Бўлмаса баҳона қидирма, ахир.
Эй тождор, айлагил дардимга даво,
Келтирмагил яна бошимга бало.
Тақдир мени шундай эзиб ташлади,
Дил ноумид, гамдан кўзим ёнлади.
Ёшлигим ўтди-ю, қолмади фарзанд,
Жаҳонда фарзанддан ўзга йўқ пайванд,
Ситамга ҳам чеку қарона бордир,
Ҳар зулм, ҳар ниға баҳона бордир.
Қани, келтир, кўрай – қандай баҳонанг,
Тақдир-ку мен билан қилур қаттол жанг.
Мен бир темирчимап безарар, бегап,
Сен шоҳдан бошимга ёғар бу оташ.
Сен шоҳсан, бўлсанг-да аждаҳо пайкар,

Шоҳ бўлиши керак адолатпарвар.
Агар етти иқлим шоҳлигинда жам.
Нечун бизга қисмат фақат дарду ғам.
Энди ишларингдан менга бер ҳисоб,
Жаҳон хайратидан танг қолсин шу тоб.
Магар ҳисобингдан бўлади маълум
Фарзандимдан нечук айладинг маҳрум?
Нечук фармон этдинг, илонлар есин,
Гуноҳсиз ўғиллар тоза миясин?”
Темирчи сўзига шоҳ қулоқ солди,
Бу сўзларни тинглаб, хайратда қолди.
Қайтарилсин деди унга фарзанди,
Отага қўшилсин дилин пайванди.
Бу яхшилик билан муғамбир подшоҳ,
Қилмоқ бўлди уни ўзига ҳамроҳ.
Сўнг Ковага қараб деди подишо:
“Қани, бу номага сен ҳам чек имзо!”
Ёрликни ўқиғач Кова темирчи,
Кўзидан ўт чакнаб, ўртанди ичи.
Кексаларга деди: “Худо беҳабар,
Девга малай бўлиб қолибсиз аксар.
Аҳриман сўзига берибсиз дилни,
Дўзахга тўп-тўғри олибсиз йўлни.
Бу номага исмим чекмасман асло,
Ҳеч кўрқув сололмас менга аждаҳо”.
Ғазабидан қалт-қалт титрай бошлади,
Ёрликни йиртди-ю срга ташлади.
Арзанда фарзанди билан икковлон
Ғазаб билан чиқди кўчага шул он.
Аъёнлар подшога айтиб офарин,
Дедилар: «Сендурсан султони замин.
Бошингдан ўтолмас жанг қуни ҳатто,
Фалак бўронлари вале, ажабо,
Нечун ҳузурингда кизишиб Кова,
Тенгдошлардек қилур хом сўз илова?
Санга садокатдан аҳд-паймонимиз-
Номани топтади, куйди жонимиз.

Дил тўла адоват югура кетди,
Фаридга садокат югура кетди.
Кўрмадик оламда бундай хунук иш,
Қотиб колдик, дилу жонда зўр ташвиш!»
Номдор подшо бериб буларга жавоб,
Деди: «Ҳолим ажаб бўлди. дилим об.
Кова бу эшикдан кириши билан,
Овозин кулоғим туйиши билан,
Мен билан темирчи ўртага бирдан
Бир тоғ пайдо бўлди гўё темирдан.
Ура бошлаганда бошига муштин,
Кўчириб юборди нак дилим ғиштин.
Билолмам не кечар бундан сўнг холим,
Киши била олмас фалакнинг фолин».
Шоҳ олдидан Кова чиккани ҳамон,
Ўраб олди уни бозор, оломон.
У ҳамон хурушда, фарёд деб борар,
Адолатга кўзғал, хар зот, деб борар.
Дош бсрар пешбандин олов учига,
Юлди-ю, боғлади найза учига.
Байроқни кўтариб югурган ҳамон,
Бозор жойда чиқди фалакка тўзон.
Ўкириб темирчи дер: «Эй оломон,
Эй дилда яхшилик, кўнглида яздон-
Бор киши Фаридун номини десун,
Бош кўтариб, Заххоқ шомини десун.
Фаридун қошига йиғилиб бир-бир,
Унинг соясидан топайлик хузур.
Кўзғалинг бу подшо асли Аҳриман,
Яратувчига у дилида душман!»
Тенгсиз ўша пешбанд, ўша чарм байроқ,
Ажратарди ким ёв, ким дўсту ўрток.
Баҳодир темирчи босар илгари,
Кўшин тўпланар мўр-малах сингари.
Фаридун йўлини билди тусмоллаб,
Ўшал томон кадам сурди жадаллаб.
Янги раҳбар томон келишди етиб,

Уни олқиш билан олишди кутиб.
Найза учидаги Кова пешбандин.
Шоҳ байроқ атади, ясатиб чандин.
Дебога ўради, зардан безатди,
Гавҳару олмосдан мунчок қадатди.
Тўлин ойдек балққан бу тугдан иқбол
Ва бахт бўлиб боқди шоҳга истикбол.
Бир томон сариқ, кўк, қизил бир ёғи,
Шоҳ уни агамиш «Кова байроғи».
Бундан буен кимда тож киймоқ бахти,
Кимга насиб этса Каёний тахти,
Чатар бу байроққа анвойи гавҳар,
Дурри самин билан уни безатар.
Темирчи пешбанди – бу оддий байроқ
Кундан-кунга янги гавҳардан порлоқ.
Дободан ялтираб, порлаб олтиндан,
Каёний юлдузи бўлди у чиндан.
Коронғу кечалар мисоли хуршид,
Жаҳонга нур берар, кўнгилга умид.
Яна кунлар ўтди истикбол ниҳон,
Ҳеч кимга сириши сўйламас жаҳон,
Фаридун наздида бу янги олам
Заҳҳок шоҳ зулмига қўзғалмиш боҳам.
Она ҳузурига келди бел боғлаб,
Каёний кулоҳин бошига чоғлаб.
Деди: «Мен кетарман, майдон муддао,
Сенинг ишинг бўлсин куну тун дуо.
Жаҳон эгасидан бошкани унут,
Ҳар яхши-ёмон кун унинг бариин тут».
Она дили қону кўзида ёши,
Пок яздон ёдида эгилди боши.
Тачрига дедиким: «Ўғлимни зинҳор
Сенга топширдим, эй пок парвардигор.
Жонини узоқ тут хавфу хатардан,
Дунёни поклатгил ақлсизлардан».
Оламга овоза қилмайин, беун,
Юриш ҳозирлигин кўрар Фаридун.

Фаридунда икки ака бор эди,
Иккисига бахту икбол ёр эди.
Каёнуш улардан бирининг номи,
Бошқаси Пурмоя, шодликдур коми.
Фаридун уларга лаб очиб кушод,
Деди: «Бўлаверинг, баходирлар, шод.
Бизга саодатдан келмоқда дарак
Улуғлик кулоҳин атамиш фалак.
Чорланг, темирчилар, келсин билимдон,
Бизга ясаб берсин гурзийи гарон».
Акалар бу сўзни эшитган ҳамон,
Югурар темирчи растаси томон.
Ким энди жаҳонга шон солмоқ бўлди,
Фаридун томонга йўл олмоқ бўлди.
Жаҳонгир қўлига олиб тез паргор,
Гурзи шаклин қилди тупрокка нигор.
Текис ерда расми бўлганди пайдо
Хўкиз бошли гурзи, баҳайбат бало.
Темирчилар бериб қўлини қўлга,
Ботир буюртмасин солишар йўлга.
Келтирилди гурзи номдор қошига,
Порлаши дов солар кўк қуёшига,
Гурзи маъқул тушди маҳкам ва зебо,
Тухфа берди олтин, кумуш ва сарпо.
Уларга ваъдалар берди диловар,
Улуғлик, хуррамлик, фаровонлик, зар.
Деди: «Аждаҳони тупрокка қувай,
Дилингиздан алам гардини ювай.
Яздон номин дилда қайтариб такрор,
Жаҳонда адолат этай барқарор».

Фаридуннинг Заххокка қарши жангга чиққани

Фаридун боши тик, қуёшни чорлар,
Ота қасди учун белини боғлар.
Хўрдод куни жангга отланиб шодон,

Бўлди нек фол ила йўлига равон.
Кўшин билан тўлиб кетди даргоҳи.
Булутга етарди унинг боргоҳи.
Еб-ичиб қувонди, кайфи ҳам ортди,
Ҳорғинлик шоҳ раъйин уйқуга тортди.
Кўрдилар, ҳалитдан Яздон унга ёр,
Кўрдилар, Фаридун шоҳ бахти бедор.
Акалар уйқуси қочиб турдилар,
Ёмонликни ўйлаб секин юрдилар.
Жойнинг бир томони Бўрзқуҳ номли тоғ,
Иккови тоғ томон кетди дили доғ.
Тоғ этакда ётар ноз уйқуда шоҳ,
Тун ярмидан оққан, кеча симсиёҳ.
Яқин келди ёвуз икки биродар,
Ҳеч ким топмас эди булардан хабар.
Тоғдан кўпоришди катта бир харсанг,
Шоҳ бошин янчмоқчи бу икки лаванг.
Қулатдилар шоҳни мўлжалга олиб,
Бутун тоғ, дарага ғулгула солиб.
Энди шоҳни ўлган ҳисоб этдилар,
Мажак-мажак бўлган ҳисоб этдилар.
Қасир-қусуридан шоҳ бўлди бедор,
Ўзин сақлаб қолди пок парвардигор.
Афсун билан ул тош ўз жойин олди,
Юмалаб тушмади ёпишиб қолди.
Акалар тушунди: бунга Худо ёр,
Энди канча қилма, бариси бекор.
Фаридун дашномдан тийиб тилини,
Йўлга ҳозирланди боғлаб белини.
Сипоҳни суришди, олдинда Кова,
Илгари юришди, олдинда Кова.
Баландда ҳилпирар Ковиён ялов,
Шоҳона, хумоюн, нурафшон ялов.
Арванруд томонга мардона қараб,
Ташлади шиддатли қадам тожталаб.
Паҳлавий сўз сенга бўлса гар дудмол,
Арвандни арабча – Дажла дея қол.

Бу озод шоҳ Дажла қирғогидан тез
Бағдодга от суриб етади шу кез.
Арванд қирғогига етгани ҳангом
Дарёчиларга у йўллади салом.
Арабча: «Барчани ишга сол, деди
Қолмасин битта ҳам кема, сол, деди.
Ҳаммасини суриб келиб қирғоққа,
Барчани ўтказинг нариги ёкка!»
Дарёбон бу сўзга қулоқ илмади,
Шаҳаншоҳ сўзига парво қилмади.
Жавоб бериб деди: «Менга пинҳона
Шундай фармон келиб етган шоҳона:
Менинг муҳрим билан келмаса фармон,
Бундан сурилмасин кема ҳеч қачон!»
Фаридун ғазабдан ботди ғарқ терга,
Ваҳший дарё ваҳм сололмас эрга.
Шоҳона бел боғлаб, ярогин осди,
Шер сиёқ отига қамчини босди.
Сардори кетидан барча лашқари,
Ўзин сувга урди ҳамма яқсари.
Отлар бўронидан дарё ҳам тошиб,
Сув гоҳ от боши, гоҳ эгардан ошиб.
Ўқдек кетар отлар, сувга тегмас ёл,
Отлардан ҳам тезроқ учади хаёл.
Қирғоққа чиқишди, қуритиб хўлни,
Байтул муқаддасга буришди йўлни.
Паҳлавийда этсанг изоҳотини,
Дижхухт дейишарди унинг отини.
Араблар муқаддас уй дерлар уни,
Заҳҳок қурган эди аслида буни.
Чўл босиб шаҳарга яқин келдилар,
Зафар истаб, мисли чақин келдилар.
Бир мил жойдан ташлаб Фаридун нигоҳ,
Шаҳар ўртасида сарой кўрди шоҳ.
Айвони, пештоқи Қайвондан баланд.
Гуёки қилмоқчи юлдузларни банд.
Осмонда муштарий каби нур сочар.

Орому шодликлар йўлини очар
Шох билди: аждаҳо саройи шунда,
Улуғлик тожу тахт чиройи шунда.
Дўстларига деди: «Қаро тупрокдан
Шундай данғиллама уй қурган экан,
Қўрқаменки, унинг бирла бу жаҳон,
Бирор сирни саклар жаҳонда ниҳон.
Демак, бунда турмай жанг қилмоқ керак,
Зуд бориб ёв ҳолин танг қилмоқ керак!»
Шундай деб кўлини гурзига урди,
Жилов кўйиб, отин йўлга тез бурди.
Саройбонлар хайрон, бу қандай ялов,
Бирдан пайдо бўлди гўё зўр олов.
Гурзиси зарбидан киёмат кўпти,
Қанчаки сокчи бор – бари ер ўпди.
Ёш подшо от билан кирди саройга,
Дунё кўрмаган эр етди бу жойга.
Эшиқда сокчидан ҳеч ким колмади,
Шукрдан Фаридун тили толмади.

Зол ва Рудоба достонининг қисқача мазмуни

Манучехр даргоҳининг жаҳонпахлавони Сом кўпдан бери фарзанд кутарди. Ниҳоят, Яратганнинг инояти билан бунда жаннат юзли фарзанд туғилади. Аммо бу ўғил оқ соч эди: Бунини эшитган Сом Худонинг амрига зид бориб, гўдакни бу оламдан йўқотишни буюради. Натижада, бегуноҳ фарзандни Симури уя қурган Элбури тоғи этагига элтиб ташлайдилар. Уни кўрган Симури гўдакни кўтариб болалари хузурига элтади. Қуш болалари уни сийиш ўрнига, болага мсҳрибонлик кўрсатадилар, яхши парвариш қиладилар. Орадан йиллар ўтади. Бола сарвдек эркин ўсади. Кечалардан бирида маст уйқуда ётган қалби доғ Сом туш кўради. Тушида Ҳинд тоғидан бир одам пайдо бўлади: унинг орқасида бир қул улкан сипоҳ билан келарди. Унинг чап томонида бир муъбад, ўнг томонида эса бир донишманд бор эди. Туш таъбирловчилардан туши

моҳиятини сўрашдан олдин Сом ўглини олиб келиш учун Элбурзга жўнайди: Сатурғ ўз патларидан бир донасини юлиб Золга бериб, “бошингга огир кунлар тушганда оташга ташла, мен ўша заҳоти ёрдамга келаман”, дейди. Шундай қилиб, Зол Сийистонга – ўз хонадонига қайтади.

Бир неча вақтдан сўнг шоҳ сипоҳлари ота Гургсар ва Мозандарондаги исёнчиларни бостириш учун жўнайди, Нимрўз (Сийистон) ҳокимиятини Золга топширади ва таъкидлайди: “кўпроқ ўқиб, ўрган”. Зол шундай қилади: атрофига ҳарбий бошлиқлар, донишмандларни йиғади. Натижада, дунёвий ишлар ва илмда камолот касб этади. Кунлардан бир кун Зол Нимрўзнинг чор атрофини кўриш учун йўлга чиқади. Айланиб юриб гузари Кобулга тушади. Кобулни Заҳҳок наслидан бўлмиш Меҳроб шоҳ бошқарарди. У эронликларга божу хирож тўлар эди. Зол бир дарё соҳилига саропарда ўрнаттиради. Меҳроб уни пешвоз олиб хизмат қилиш учун ҳузурига келади. Зол уни яхши кутиб олиб, эъзозлайди. Меҳроб кетгандан сўнг зодагонлардан бири Золга:

– Унинг саройида куёшдан ҳам гўзал, аргувонгулдан ҳам зебо бир киз бор, – деб малика Рудобани таърифлайдилар ва Золнинг қалбига гулгула тушади... У қизнинг қалби ҳам Зол ишқидан бекарор эди. Икки қарама-қарши гавҳардан – бири эронлик, иккинчиси Заҳҳок уруғидан. Булар ўртасидаги пинҳоний ишқ уларни яширин учрашишга мажбур қилади. Улар аҳду паймон қиладилар. Рудобанинг онаси Синдўхт бу можародан хабар топади. Ота-оналар бу никоҳга жиддий қарши чиқадилар. Юлдузшунослар, донишмандларнинг маслаҳатлари ҳамда Золни имтиҳон қилгач, улар Меҳробнинг қизи билан Сомнинг ўғлидан шундай жаҳонпахлавон туғилади, у Эрон шаҳаншоҳлари-ю, паҳлавонларининг камарбастаси бўлади, дейишади. Шундай қилиб, улар бу икки ёшнинг никоҳидан яхшилик нишонини берадилар. Улардан Рустам туғилиб, асотирий ва афсонавий қаҳрамонга айланишини ҳам башорат қиладилар.

Мана бир хафтаким йўқдир Фаридун,
Туну кун мотамда, барча дили хун
Саккизинчи куни Манучехр шох
Келиб кийди бошга каёний кулоҳ.
Жодугарлар йўлин тўсган бу султон
Икки бор олтмиш йил тергади жаҳон.
Не пахлавонга бой бу рўйи замин.
Бари бирдек унга дсмиш офарин.
Кияркан бошига шохона тож, зар,
Дунёни қуршади қувончли хабар.
Қасамёд айлади мардоналикка,
Адолат, имонга фарзоналикка.
Деди: «Тахт узрамен, бошим осмонда.
Дўстга меҳр, ёвга ғазаб бор манда.
Замин банди-ю, чарх чин ёрим менинг,
Тождорлар боши шикорим менинг,
Яздов нури бошда, дилда имоним,
Порлок бахтим менинг, сўлмиш ёмоним.
Қаро кеча ёвни топкири ўзим,
Эгарда ўт булиб, чопкири ўзим.
Қўлимда ўйнайди қилич ва ярок,
Бошимда хилпирар Ковиён байрок.
Дубулғам яркирар, тигим хўп кескир,
Жангда жонимдан ҳеч бўлмам хавотир.
Жанг қунида олов, базмда булут,
Ё денгиздек жўшиб, ёғдираман кут.
Дастимдан ёмоннинг учар кулохи,
Қонидан ер бўлар қирмизи шохи.
Фил тишидан тахтим узра сочиб нур,
Тожимни улуғлар гурзим бахузур.
Шунча хунар билан мен оддий банда,
Дилда яратувчи номи арзанда.
Бошимиз саждада, кўзда ёш билан,
Барча иш негизин кўргум худодан.
Тожу тахт ундану, ўшандан сипоҳ,
Зафар ундан келур, ўшандан паноҳ.
Фаридун йўлдан бораё тортмай бош.

Боболар кекса-ку, гар мен эсам ёш.
Ким етти иқлимга йўлдан адашди,
Диндан бош товлади, акли чувашди,
Ким ранжитар қашшоқ, озурда дилин,
Ким эсдан чиқарар фукаро-элин,
Бойлик кудратидан ким топиб гурур,
Меҳнатқашни писанд қилмас такаббур,
Наздимда, барчаси кофирдир, кофир,
Аҳримандан баттар, фосику фожир.
Кимда-ким Яздондан, нймондан жудо,
Нафратимга дучор булар, аввало.
Кейин қиличимга узатиб қўлим,
Умрин қискартаман, кессаман йўлин».
Номдор кишиларнинг бари бирдайин,
Манучеҳр шохга демиш: «Офарин,
Ўшал кутли бобонг, эй бахтиёр шох,
Тахту тож сиридан этмишдур огоҳ.
Абад сенга бўлсин бунинг борлиги,
Муъбадлар кутлови, яздон ёрлиги.
Сенинг фармонингда дили жонимиз,
Сенга бахшидадир ҳар бир онимиз».
Жаҳон паҳлавон Сом туриб ўрнидан,
«Эй адолатпаноҳ, – дер ҳурмат билан, –
Кўзларим кўзингда, дилда итоат,
Сендан адолату биздан шижоат.
Аждодингдан тортиб Эрон шохисен,
Баходирлар шери, пушт-паноҳисен.
Яздон паноҳидан тан-тожинг омон,
Бахтинг уйғоқ бўлсин, юрагинг шодмон.
Қадим замонимдан ёдигорим сан,
Сен менинг таянчим, мададкорим сан.
Разм куни шердек чиқариб чувур,
Базм кун сочасен офтоб каби нур.
Замин, осмон бўлсин пок хоки пойинг,
Музаффар тахт узра абадий жойинг.
Ҳинд қиличинг ерни поклади бир-бир,
Энди ором йўлин танласанг арзир.

Энди бизнинг навбат, бизники разм,
Сенинг жойинг тахт-у, насибанг базм.
Менинг аждодларим бари баҳодир,
Тахту тож таянчи бўлмоққа қодир.
Гершаспдан бошлаб Найрамга қадар
Сипоҳ тутардилар, гурзию ханжар.
Ижозат эт, жаҳон кезайин андак,
Ёв қони-ла ерни безайин андак.
Менга ботир номин берган аждодинг,
Дилимни овлади ақлингу додинг».
Подшо ҳам илтифот кўрсатиб ортик,
Сомга тўкиб солди шоҳона тортиқ.
Тахт ёнидан жилгач Соми баҳодир,
Бошқа паҳлавонлар ўтдилар бир-бир.
Сўнг оромгоҳ йўлин тутди подишо,
Қонун, тартиб йўлга тушганди дунё.

Золнинг туғилши

Қадим замонларни этиб намоён,
Сўзлаб берай энди ажиб бир дoston.
Сомга қандай ўйин кўрсатди фалак,
Сўзлаб берай, қулоқ сол, ўғлим, андак.
Фарзандсизликдан кўп азоб чекиб Сом,
Дард чекиб, дилида истарди ором.
Шабистонида бор эрди нигори,
Ёноғи гулбаргу мушкинмўй ёри.
Фарзанд орзу қилар эрди шул ойдан,
Юрак арзандаси, хуршид чиройдан.
Аёлнинг ҳам Сомдан юки бор эди,
Бу юкдан жонига кўп озор эди.
Чақалок туғилди охир онадан,
Қуёшдек нур сочар ётган хонадан.
Хуснда, чиройда олам ичра тоқ,
Аммо бир айби бор, сочлари оппоқ.
Бундай оқ соч бола келгач оламга,
Ҳафта ўтди, ҳеч ким айтолмас Сомга.

Аёллар гуж-гуж Сом шабистонида,
Гўдакка боқишар, ҳадик жонида.
«Жуфти ҳалолингдан туғилмиш, деб, чол»
Сомга айтмоққа йўқ кимсада мажол.
Доялар ичида битта канизак
Бор эрди, хайикмас, ботир, шерюрак.
Бу муждани Сомга етказди ўша,
Лаб очиб офарин деб кўша-кўша.
Сўнг деди: «Сом бахти очилиб кулсин,
Ҳасадчилар дили ёрилиб ўлсин.
Яздон истагингни айлади бажо,
Орзуйинг ушалди, дил топсин даво.
Пушти камарингдан, аё ҳожатманд,
Туғилди ой юзли покиза фарзанд.
Пахлавондек бола ботир ва шердил,
Ҳалитдан у арслон нигоҳли ўғил,
Тана нукра мисол, юзи бир жаннат.
Бирорта хунуклик топилмас, фақат.
Фақат ок соч билан туғилмиш бола,
Не дердик, тангрига бу иш хавола.
Худо бергани шу, шукр кил, шукр,
Олмасин дилдан жой ҳеч ёмон фикр!»
Тахтидан оҳиста тушиб ботир Сом,
Ёр ёнига кириб борди шул хангом.
Кекса ўғлин кўрди, сочлари оппок,
На кўз кўрган иш бу, на туйган кулок.
Танга бутун мўйи оппок мисли кор,
Чиройи барк урар мисоли баҳор.
Фарзандини кўргач чолдек мўйсафид,
Жаҳондан бир йўла узилди умид.
Мардум таънасидан тап тортиб колди,
Авзойи ўзгарди, хаёлга толди.
Кулочин осмонга ёзиб Сом фақир,
Яратганга нидо киларди ҳақир.
«Эй тўғри-эгрдан баланд худойим,
Яхшилик туғилар раъйингдан дойим.
Агар килган бўлсам мен оғир гуноҳ,

Девларга эргашган бўлсам гар, э воҳ,
Карамли Тангридан кутардим карам,
Қилмайин ошкор кечирар эгам.
Бу шармандалиқдан сиқилиб жоним,
Уятдан танамда қайнайди қоним.
Бу бола мисоли кичик Аҳриман,
Кўзлари қора-ю, сочлари суман.
Ботирлар бул томон йўл олиб агар,
Баднишон болани кўриб қолсалар,
Не дерман, десалар: «Бу қандай бола,
Парими, йўлбарсми, нечун бу ола?»
Бу бола деб мендан ошқору ниҳон
Кулажак киборлар, амиру султон.
Бу исноддан ташлаб кетай Эронни,
Юртимдан бегона кезай жаҳонни!»
Шундай деб юз бурди кўзида ғазаб,
Бахтидан норози, дилида азоб.
Кулларга буюрди тинчитинг дея,
Бу юртдан узоққа иргитинг дея.
Бир тоғ бўлар эди, Элбурз деган тоғ,
Кўёшга яқин-у, ердан кўп узоқ.
У ерда Симурғнинг уяси ҳам бор,
Унда бирор киши топилмас зинҳор.
Шу тоғ этагида ташланди гўдак,
Кўп замон айланди бу чархи фалак.
Ётар паҳлавонзот бегуноҳ гўдак,
Унга оқ ҳам бирдек, қора ҳам бирдек.
Бемехр отаси ташлаб қилди хор,
Аммо азиз этди пок парвардигор.
Боласига оқ сут бериб мода шер,
Орқа-ўнгин ялаб унга бир сўз дер:
«Сут эмас дил қоним сенга берсам ҳам,
Сени мендан қарздор билмасдим ҳечам.
Сен менинг ҳаётим, дилимга якранг,
Юрагим узилар мендан узилсанг».
Норасида бола эса, бегуноҳ.
Бир замон панжасин эмар тамшаниб,

Бир дам йиғи бошлар, дод солар қониб.
Симурғ боласига қидириб емиш,
Баланддан қиларди ерни азмойиш.
Кўрди бир чақалок гирён ётади,
Ер юзи мисоли уммон ётади.
Бешиқ тупроқдан-у, дояси тупроқ,
Тана йўрғакдан, лаб эмчакдан узок.
Остида кўз ёшдан ер қоп-қора лой,
Устида қун тик, йўқ қарич соя жой.
Она бўлганида хатто барс, паланг,
Офтобдан сояга оларди, аттанг.
Меҳр солди Симурғ дилига худо,
Боласи очлигин унутиб хатто,
Осмондан ташлаб тез ўзини, қаранг,
Болани иссиқдан олди, уриб чанг.
Элбурыз тоғ учига чикди кўтариб,
Ини томон борди булутни ёриб,
Чиркираб болалар кутарди хўрак,
Уларнинг олдига жойланди гўдак...
Қарам қилган эди шафқатли Халлоқ,
Тақдирнинг ёзмиши бошқа эди, бок...
Симурғ болаларга ташлади назар.
Чақалок кўзидан хунли ёш оқар.
Ажабким, болалар дилида шафқат,
Тегишмасди, гўдак ётар хуш сурат.
Унга нозик овқат овлаб келарди,
Сут ўрнига ҳайвон қонин эмарди.
Шундай ўтаверди кўп узок замон,
Гўдак қолиб кетди у ерда ниҳон.
Гўдак ўсмир бўлди, йигитча бўлди,
Аста овозаси жаҳонга тўлди.
Қарвон ўтиб кўрмиш, қомат сарвдек тик,
Кўкраги тоғдекмиш, бели қамишдек.
Бу ҳақда миш-мишлар узокка етди,
Нишони жаҳонга ёйилиб кетди.
Охири Сомга ҳам етди бу хабар,
Ташландик боласи бўлмиш моҳпайқар.

Сомнинг ўз ўглини тушига кўргани

Тунлардан бир туни ухларди доғдил,
Замон ишларидан ошуфта, хижил.
Ҳиндустон томондан, каранг, не туши,
От чопиб келармиш бир эркак киши.
Сарафроз пахлавон отлик тўсатдан
Сом ёнига келиб тушибди отдан.
Саломга эгилиб, қилибди сажда,
Ажойиб ўғлидан берибди мужда.
Уйғониб йиғибди муъбадларни у,
Ўғлидан сўзлабди, кўзларида сув.
Тушда кўрганларин қилибди изҳор,
Карвон хабарин ҳам этибди такрор.
«Бу ажиб ишларга сиз нима дейсиз?
Ақл-шурингиз мисоли денгиз.
Тирик қолганмикан у гўдак ҳамон,
Совукдан, иссиқдан нечук сақлаб жон.
Кекса-ёш, ҳар кимки мажлисда ҳозир,
Лаб очиб ботирга сўзлади бир-бир.
«Ҳар ким ношукурлик қилди Оллога,
Яхшилик ишни ҳам йўяр балога.
Тупрокдами, тошда, шер ёки паланг,
Сув ичра баликми, дарёда наҳанг,
Барчаси боласин этар парвариш,
Раббимга шукр этар, этар ситойиш.
Яхшилик одатга етказдинг шикаст,
Боласин ташларми сендан бошқа кас.
Ок сочидан бўлдинг дилтанг, беқарор.
Поку равшан тана ундан этмас ор.
«Тирикми, борми»... деб ўлтиргунча, тур.
Ўғлинг тирик, билу кидирмоққа юр.
Кимга Ҳак паноҳи кўрсатар жамол,
Иссиқдан, совукдан старми завол.
Худога ёлвориб, қилиб илтижо,
Яхшиликка ўзни айла раҳнамо».
Эртаси кун вақтлик туриб пахлавон,

Равона бўлди тез Элбурз томон.
Қоронғу тун чўкди, этди вақти хоб,
Дилда минг андиша этарди шитоб.
Яна туш кўради, яна Ҳинд тоғи,
Бир ғулом кўринди қўлда байроғи.
Ғулом чехрасидан ёригудек тун,
Ортидан келарди қатта бир қўшун.
Сўл канотда келар нуроний муъбад,
Ўнгда яна кекса донолик беҳад.
Сом ёнига келди шулардан бири,
Совук сўз бошлади, кўпчир таҳкири.
Деди: «Эй бебок мард, эй нопок киши,
Ҳақдан юз ўгирмоқ дилинг ғиш-ғиши.
Болангга доялик қилса қуш тамом,
Пахлавон номини айладинг ҳаром.
Оқ сочлик эмасми одамга жамол,
Ўзингда ҳам, мана, оппок соч-соқол.
Оки ҳам кораси – Худо ҳадяси,
Адолатдан эмас ҳеч таъна саси.
Танангда ҳар қуни янги ранг бисёр,
Шуни деб Худодан безормисан, зор.
Ўғлинг гар наздингда хор бўлибди, хор,
Уни азиз тутмиш пок парвардигор.
Доя йўк ўғлингга ундан меҳрибон,
Сенинг дилингда йўк меҳрдан нишон!»
Бундай тушни кўргач, бўлиб беором,
Домга тушган шердек ингранарди Сом.
Ҳадиксирар эди тағин у пок зот,
Бад ишга бермасми ёмон мукофот.
Сапчиб туриб, этди муъбадларин жам,
Отларга миндирди сарбозларин ҳам.
От қўйиб йўналди баланд тоғ томон,
Ташландиқ боласин кидириб ҳамон.
Бир тоғким, учида порлар сурайё,
Ҳар чўққиси юлдуз узмоқчи гўё.
Бир уя кўринар чўққида баланд,
Унга ҳатто Кайвон беролмайди панд.

Чўпкори сандалдан, шиздан пухта иш,
Ҳам ул чивиғидан чийраб тўкилмиш.
Ҳайрон бокиб колди коя томон Сом,
Улкан уя хушин олганди тамом.
Кўкни тираб турар осмоний сарой,
Одамсиз тикланган, на ғишт бор, на лой.
Бир йигит кўринар келбат худди Сом,
Уя атрофида киларди хиром.
Жахонофаринга дея офарин,
Ботир Сом саждада ўпарди замин.
Шундай ажиб кушни яратган учун,
Уясин юлдузга каратган учун,
Билди Яздон ўзи адолатпаноҳ,
Ҳар иш жиловдори – кудратли илоҳ.
Дарранда-парранда ғужғон бу жойда.
Қидира бошлади, чиқар йўл кайда?
Аммо тополмайин бирор йўл, сўқмоқ,
Илтижо бошлаб Сом деди: «Ё раззок,
Ҳар жойда ҳозир нозир додгар,
Истасанг қуёшу ой нури ўчар.
Сенга сано айтиб, саждада бошим,
Ваҳимада дилим, кўзимда ёшим,
Менинг пок пуштимдан бўлса бу писар,
Аҳриман тухмидан бўлмаса агар,
Яна бир мартаба банданг қўлин тут,
Гуноҳимни афв эт, қилмишим унут!
Тангрига етишгач бу сир-синоат,
Илтижоси шунда бўлди ижобат.
Симурғ тоғ устидан кўз ташлаб дархол,
Сом гуруҳин кўриб тушунди не хол:
Симурғни кўрмоққа келмаган булар,
Буларни чорлаган жигарбанд, жигар.
Сом ўғлига Симурғ деди: «Навкирон,
Бунда ўсдинг кўрмай сен сруғ жаҳон.
Сени парваришлаб доянг бўлдим мен,
Суянчиқ, таянчинг, поянг бўлдим мен.
Сенга мен ном бериб Достон Занд,

Зеро отанг ташлаб килди достон банд.
Сенинг билан доим колсин ушбу ном,
Шу номда атасин сени ботир Сом.
Отанг Сом жахонга машхур пахлавон,
Улуғлар ичра у сарафроз инсон.
Фарзандин кидириб келмиш бу токка,
Бахту обрў бокмиш энди сен ёкка.
Энди сени баланд кўтарсам раво,
Олдига беозор кўймоқ муддао».
Симурғдан бу сўзни эшитгани дам,
Йигит кўзларин ёш, дилин босди ғам.
Одамлардан овлок ўсса-да хомуш,
Одамлар тилига ўргатганди куш.
Симурғ овози-ла сўзларди чечан,
Ақлу хуш жойида ва ширинсухан.
Забон бахш этганди билим ҳам Яздон,
Забардаст тана-ю, шерюрак эҳсон.
Бу сўзни эшитиб чин она қушдан,
Достон дер «тегмишман жонга энди ман,
Уянг бу жаҳонда энг ёруғ даргоҳ,
Иккала канотинг менга тож кулоҳ.
Мен сендан миннатдор, қарзим – ширин жон,
Оғир кунда қилдинг мушқулим осон».
Симурғ жавобида деди: «Сен агар
Шоҳона турмушга ташласанг назар,
Бу уя кўринар эрди тангу тор.
Янги ҳаёт чорлар сени, энди бор.
Дўстлигимдан сени қузатадирман,
Подшолик томонга узатадурман.
Бу жудолик менга жуда ҳам оғир.
Аммо сени унда бахт қутар охир.
Ўзинг билан олиб кетсанг паримдан,
Узоқ тушмагайсан ҳеч назаримдан.
Бошингга келмасин қандай оғир иш.
Ё яхши, ёмондан қўнса бир ташвиш,
Паримдан бирини ташла оловга,
Шунда қирон қелур ҳар қандай ғовга.

Пардан бирин ўтга ташлагин дарров,
Йўлинг ёритади шунда бир партов,
Қанотим остида парвариш қилдим,
Болаларимга тенг болам деб билдим.
Булутдек устингда бўлурман пайдо,
Олиб кетурман ё чекинур бало.
Доянг муҳаббатин унутма бир он,
Меҳринг дилга пайванд, ўртар бу хижрон».
Дилга таскин бериб, чангалга олди,
Булутлар аро ул кўринмай қолди.
Шўнғиб чикди, тушди падар ёнига,
Паға-паға сочлар тушар сонига
Танаси фил мисол, чеҳраси баҳор,
Ота кўриш билан йиғлаворди зор.
Бошин эгиб Симурғ қошига чўкди,
Ташаккур, офарин сўзларин тўкди:
«Эй қушлар подшоҳи, сенга додгар
Ато этмиш шунча қудрату ҳунар.
Жабрдийдаларни олиб қанотга,
Меҳр кўрсатасан ҳар бир пок зотга.
Ёмон ниятлилар ҳолин этиб танг,
Арзир абад шундай зўр бўлиб қолсанг».
Симурғ парвоз этиб, тоққа йўл олди,
Сому барча уни кузатиб қолди.
Сўнг ўғлига боқди бошидан-оёқ,
Тахту тожга лойиқ кўринди шу чок.
Чеҳраси куёшдек, тана шердек зўр,
Дили паҳлавону қўл қиличга жўр.
Кўзлар каро қатрон, киприги оппок
Лаблари лаъл мисол, лолагун ёнок.
Ок сочлар ташланиб турмаса кўзга,
Толиб бўлмас эди бирор айб ўзга.
Сом дили жаннатдек барқ уриб кетди,
Дилда не хуш сўз бор ўғлига этди.
Деди: «Юмшоқликни пеша қил, ўғлим,
Ўтмишни ёд этмай исит дил, ўғлим.
Мен ҳам бир бечора, Худо бандаси,

Сени кайта топдим, дил арзандаси.
Сенга меҳру дилим, гувоҳим Халлок,
Қаҳру ғазаб ссндан булғуси йирок.
Ҳар неки истасанг, мен бундан буён
Истагинг бажарай – яхшими, смон.
Пахлавонларга хос бир қабо билан,
Гавдасини ўраб, туширди тоғдан.
Тушгач, кийинтирди шохона либос,
От ҳам келтиришди ботирларга хос.
Унга Золи Зар деб от қўйиб олди,
Симурғ қўйган Достон номи ҳам колди.
Сом ёнига бирдан йиғилди аскар,
Бари шоду хуррам, бари жилвагар.
Олдда филлар борар, тоғ баробар чанг,
Ноғора сасидан қулоқлар гаранг.
Ноғора, довулга жўр бўлди карнай,
Олтин кўнғироқлар, хиндуча сурнай.
Суворий кийкириб тушади йўлга,
Шодлигу хуррамлик тўлади чўлга.
Шаҳарга шод наъра тортиб келдилар.
Яна бир пахлавон ортиб келдилар

Золнинг Рудоба хузурига келгани

Кўринмай колган чок нуроний хуршид,
Хужраси ёпилиб, йўқолгач калид,
Золи зар ёнига келди канизак,
Деди: «Бари тайёр, йўлга туш тезрак».
Сипоҳдор йўл олди Рудоба томон,
Севгиси жўш урган бир ошиксимон.
Томга чиқиб кутар қора кўз нигор,
Сарви кад устида тўлин ой дийдор.
Узоқдан кораси кўринган ҳангом,
Достон томон чўзиб қўлини гулфом,
Икки лаълин очиб, дилин этиб шод,
Деди «Хуш келибсан, эй пахлавонзот.
Яратгувчи меҳри абадий сенга,

Замину сипехр абадий сенга.
Канизагим бўлсин хуррам, бахтиёр,
Бошдан-оёк хуснинг айтганича бор.
Шоҳона чодирдан юриб пиёда
Келибсанми хориб-толиб афтода».
Сараскар узоқдан туюб овозин,
Томга бокиб кўрди у сарвинозин.
Том бўлибдир унинг хуснидан равшан,
Гулдек ёноғидан ҳаммаёк гулшан.
Достон унга дейди: «Эй моҳрў гулфом,
Осмондан офарин, мендан ассалом!
Неча тун уйкусиз юлдузга бокиб,
Худога ёлвордим, жонга ўт ёкиб,
Истагим жаҳонни яратган Худо,
Дийдоринг айласин менга ҳувайдо.
Букун дилим обод этди овозинг,
Бу ширин гуфторинг, латофат, нозинг.
Висолга чора қил бахтли кечада,
Турмайлик сен томда, мен тор кўчада».
Достондан бу сўзни тинглаб паризод,
Икки зулфин пастга ташлади кушод,
Гўё сарв учидан осилмиш каманд,
Нак мушку анбардан эшиб қилмиш банд.
Илондек тўлғаниб халка-бахалка,
Юзин сийпаб турар аркондек салка.
Кунгурадан зулфи тушгани ҳамон
Зол ўйлаган эди: «Бу сара аркон»,
Рудоба овози келди бахт кушод:
«Эй паҳлавонбачча, эй баҳодирзод,
Тезроқ кел, шерпанжанг билан тез ёпиш,
Зулфимни сен учун қилдим парвариш».
Бу сўздан хайратга тушиб Достон,
Ҳамон қараб турар ой юзли томон.
Сўнг мушкин сочларни ул ўпа кетди,
Келин қулоғига овози етди,
Тўйиб ўпиб деди: «Эмас адолат,
Куним қаро бўлсин, бу қандай ҳолат.

Ўз жонимга ўзим қасд айласам, қасд,
Ўз хаста дилимга урса найза даст».
Навқаридан олиб қирк қулоч аркон,
Сарой деворига отар пахлавон.
Кунгурага тушди аркон ҳалқаси,
Зол томга югурди, жон ёр садқаси.
Том устида пайдо бўлиш билан Зол,
Таъзим бажо этиб, келди ойжамол.
Қўл тутиб кетишди Рудоба, Достон,
Ишқидан, бахтидан, висолдан мастон.
Зинадан ичкари тушишди осон,
Рудоба қўлини қўймайди Достон.
Зарнигор хонага кириб келдилар,
Хушдийдор хонага кириб келдилар.
Ҳамма ёк жаннатдек сочар эди нур,
Хизмат кутиб, қатор турар неча хур.
Зол эса ёридан узмайди назар,
Бу не зебу ҳусн-у, бу не зулфу фар.
Бу не зирак, не тавк, дурри зарнигор,
Не зебо кийимлар, не боғу баҳор.
Икки юзи худди лолайи чаман,
Соч учи қўнғирок, шикан, бар шикан.
Шаҳаншоҳ шукухи билан Золи зар,
Ой ёнида нурга чўмиб ўлтирар.
Белбоқда яраклар Исфаҳон, ханжар,
Бошидаги тожи ёқуту гавҳар.
Рудоба жонига зиё-ўт ёқар,
Кўзларин узолмас, ўғринчи боқар.
Зўр билак, кенг елка, ёлига қарар,
Тоғни талкон қилур Золига қарар.
Рухсори нуридан жонида олов,
Қарагани сари конида олов.
Ўпич, кучок бўлди севги ундови,
Лек оҳу бўлмади коплоннинг ови.
Маҳлико санамга деяр сарлашкар:
«Эй сарви мушкбу, гулюз, сийминбар,
Манучсхр топса бу ишдан хабар,

Бизга ҳамфикрлик қилмас бу сафар.
 Эшитар бўлса гар Найрам ўғли Сом,
 Таънаседан бўлур шодлигим харом.
 Аммо бил, тикилган бу йўлга жон-тан,
 Қайтмасман либосим бўлса-да кафан.
 Худо ҳаққи, қасам ичайин, жоним,
 Маҳкамдан маҳкамрок аҳду – паймоним.
 Яздон ҳузурида эгиб бошимни,
 Покиза ният-ла тўкиб ёшимни,
 Илтижо қилайки, Сом юрагидан
 Жаҳолатни қувсин, шаҳаншоҳ билан
 Яратгувчи солгай уларни йўлга,
 Ошқора берармиз биз кўлни кўлга».
 Рудоба дер эди: «Сенингдек мен ҳам,
 Худо номин айтиб, ичаман қасам.
 Сендан ўзга бўлмас, йўк менинг шоҳим,
 Сўзларимга тангрим ўзи гувоҳим.
 Фақат бир паҳлавон – Зол зарни дерман,
 Шул номдор ботирни, қайсарни дерман».
 Севги эҳтироси ошар пешма-пеш.
 Ақл узоклашар, орзу келар пеш.
 Шу зайлда етиб келди субҳидам.
 Эшитилди довул овозаси ҳам.
 Хайр-хўшлашмоққа очилди кучок,
 Бири ўриш бўлди, бириси аркок.
 Ҳар иккисининг ҳам киприклари хўл,
 Иккиси қусшга узатишиб кўл,
 Илтижо килишар: «Олам ёритқич,
 Бугунча чикмай тур, бунча шошилинич!»
 Пастга арконини ташлаб бемалол,
 Келган йўли билан пастга тушди Зол.

Золнинг Сомга нома ёзгани

Ҳузурига мунший чорлаб сипоҳдор.
 Дилида борини айлади изҳор.
 Ёзилсин деди у Сомга бир нома,

Ташаккурномадан бошлансин хома.
Аввало жой берди наъту санога,
Шукроналар деди кодир Худога.
«Ундан шодлик-у ғам, равшан дил кўзи,
Бахром, Нохид кунни яратган Ўзи.
Борлигу йўкликнинг эгаси Худо,
Барчамиз бандамиз, Холиқ ул танҳо.
Найрам ўгли Сомга ёғсин раҳмати,
Гурзи султони у. килич ҳазрати.
Ёвга қарши жангда кўтариб бўрон,
Кузгунларга оват бергувчи чўпон.
Шамол кўзғатувчи жимлик сукутдан,
Қизил қон тўқувчи қора булутдан.
Бахшида этгувчи тахту тож, камар,
Ё шоҳларни тахтдан узгувчи аждар.
Мардликка мардлигу санъатга санъат
Кўшар у сарафроз, одил валломат.
Нариман ўгли Сом жангга кирган чок
Яратмаган ўзга ундайни Халлок.
Бошқалар катори мен ҳам бир қулман,
Муҳаббатни дилда тутган ўғилман.
Ёдимда, онадан туғилган чоғим,
Фалак ситамидан куйди димоғим.
Отам ноз-неъматда, чаманда, боғда,
Симурғ мени бокди тошлокда, тоғда.
Рози эдим ҳар не келтирса шикор,
Қуш полапонлари билан бир қатор.
Жазира, гармсел куйдирар пўстим,
Гоҳ қум бўронидан кўр бўлиб ўсдим.
Мени паҳлавон Сом ўгли аташиб,
Сомга тахт, менга қуш уяси насиб.
Бу ишларнинг бари Кайвон Зухалдан,
Бари Яздон иши, тақдир азалдан.
Жаҳондор ҳукмидан чиқолмас киши,
Бўлса ҳам булутга учмоқ хоҳиши.
Кўлингга пўлат ўк гар офарин дер,
Наърангдан пўст ташлаб қочар, бўлса шер.

Тишларинг мисоли сандон бўлса ҳам,
Пок Яздон олдида бўлур бошинг ҳам.
Букун шундай дардга бўлдим гирифтор.
Анжуманда килиб бўлмайти ошкор.
Ота, бўлсангиз ҳам нарра аждахо,
Кичиклар розини эшитмок раво.
Муҳаббат оташи бирён айламиш.
Меҳроб кизи мени бирён айламиш.
Қаро тун юлдузлар суҳбатдошимдир,
Кўксимдаги дарё, сув кўзёшимдур.
Дилимда дард чандон сийнамда алам,
Кўрганлар йиғлашар мен билан боҳам.
Дилим қанча ситам кўрган бўлса, бас –
Сенинг фармонингсиз урмасман нафас.
Нима дер бул куни донгдор аждахо,
Ўғлининг дардига этар не даво.
Сипоҳдор этарми кохин сўзин ёд,
Деганди сўз дуррин этаркан озод.
Ваъдасин бузмагай, сипоҳдор падар,
Розилигинг менга лозим накадар.
Мен Меҳроб кизини олай никоҳга,
Одат – одоб билан кирай даргоҳга,
Отам ёдидадур ул бахтиёр кун,
Мени қайтиб берди жаҳонофарин.
Кўпчилик олдида айтган сўзинг бор:
«Тоғдан омон олиб келолсам, зинҳор,
Менинг орзум бўлар орзуси унинг,
Энди дилда факат севгиси унинг».
Чакмокдан тез чопар куш қанот билан,
Дер хатни жўнатиб бир жуфт от билан:
«От бири хориса, бошқасига мин,
Тўхтамай этиб бор мисоли чакин.
Тўхтамай ўтавер бекат, раводдан,
Отамга етгунча тушмагил отдан».
Чопар шамолсимон елди шу заҳот,
Пўлат бўлиб кетди остидаги от.
Гургасарон ёнига келганда якин,

Сом бобони кўриб бўшатди тизгин.
Тоғлар орасида юрар шер умров,
Тозиларни кўйиб килар эди ов.
Узоқдан чопарни кўргани хангом,
Чиниккан хешларга караб леда Сом:
«Узоқдан келади Кобул чопари.
Остида слади Зобул чипори.
Бўлса керак Достон чопари. албат,
Унга саволимиз кўп бўлур ғоят.
Достондан Эрондан ва Шахрисёрдан:
Эшитиш истаймиз дўсту ағёрдан».
Ўзини чанг босган, оти афтода,
Чопар Сом олдида бўлди пиёда.
Ер ўпиб айлади таъзимни бажо,
Яратганга ўкиб турди хамд-сано.
Чопар саломига алиқ олар Сом,
Чопар хам Достондан етказар пайғом.
Сипохдор номанинг бандин счирди,
Тоғдан пастга тушиб кўздан ксчирди.
Достон сўзларини ўкиб бирма-бир,
Жойидан жилолмай колди баҳодир.
Золдан бундай ишни кутмасди хамон.
Сийратин ўзгача киларди гумон.
Дедиким: «Ҳар нима бўларкан пайдо,
Хилъатидан бўлур бари хувайдо.
Онаси йиртқич куш бўлгандан кейин.
Орзуси шу бўлса, бунга не дейин?!»
Оромин йўқотиб, дилда андиша,
Овдан уйга қайтар у шоша-пиша.
Ўйларди: «Розилик бермасам агар,
Ўйлаб иш тут десам, буни қўй бадар.
Худодан тортиб то оддий бир банда.
Олдида бўлурман онтхўр, шарманда.
Агар мен ол десам, орзуийингга ет.
Дилинг хоҳишини, майли, бажо эт.
Буни куш ўстирган, унис девзод,
Не бўлур булардан таркамиш авлод?!»

Юраги сикилар, боши котган Сом
Уйкуга кетди-ю топмади ором.
Бандасига ҳар иш гар бўлса душвор,
Юраги хаста-ю, танида озор.
Осон ечилади ҳар қандай тугун
Агар ечилмоғин қўлласа гардун.

Синдўхтнинг Рудоба ишидан хабар топгани

Сипоҳдор ҳамда ул чехраси гулшан,
Хабарчилари бор, бир ширин сухан,
Аёлдан пайғомин этар пахлавон,
Пахлавонига ҳам ул сарви равон.
Шу аёлни чорлар Достон сипоҳдор,
Олган хабарини сўзлар шахсувор.
Дейди: «Рудобанинг хузурига бор,
Дегилки,эй покдил, мушкин кокилдор.
Сухан калаваси чувалиб кетди,
Калити топилди, ечар вақт етди.
Чопарим қайтариб юборибди Сом,
Чопар олиб келди бахтиёр пайғом.
Кўп ўйлаб, кўп сўйлаб, қилиб маслаҳат,
Биз томон бўлибди ул ҳам оқибат».
Нома жавобини бериб аёлга,
Олиб бор, дебди ул қадди ниҳолга.
Рудоба ёнига мисоли бўрон,
Хабарни етказди хушхол, шодмон.
Суюнчи сийму зар бериб гулчирой.
Тополмасди уни ўтказгани жой.
Яна инъом этди сарпо бош-оёк,
Севинчдан чарақлаб кетди ҳамма ёк.
Яна харир дурра, аркоғу ўриш,
Асло кўринмасди қандай нозик иш.
Қадалган ёкуту тош, борлиғи зар,
Зарни босиб кетгай устидан гавҳар.
Бир жуфт узук берди, қиммати баланд,
Гавҳардан кўзлари муштарий монанд.

Булар Золга эди, яна кўп пайғом,
Отасига раҳмат, ташаккур, салом.
Хужрадан чиқди, йўл олди айвонга,
Синдухт кўзи тушиб колди жувонга,
Дук билан деди: «Сен қайдан? Қани, айт?»
Рост гапир, ёлғону эгриликдан қайт.
Вақти-вақти билан олдимдан юриб,
Қарамай кетасан хужрага кириб.
Равшан дилим сендан бўлди бадғумон,
Қани, айт-чи, кимсан? Таноб ё камон?»
Кўркувдан юзлари бўлди оппок қор.
Ер ўпиб дер эди, «Ё парвардигор!»
Синдўхтга деярким, «Мен бир хаста дил,
Нонин базўр топиб сяр бир йўксил.
Юраман уйма-уй ризк териб андак,
Бири либос олур, бошқаси безак.
Хужрасига ул-бул сўраб Рудоба,
Келтир деган эди гавҳар, духоба.
Олиб келган эдим бир тож зар нигор.
Яна бир халқаки, гавҳардор, шоҳқор».
«Барин ўнгимга ёй, қани ўша сеп,
Шундай қилиб, ғазаб ўтимга сув сеп!»
«Буларни Рудоба олиб колганди,
Яна келтир дея йўлга солганди».
«Пулини кўрсатгин, баҳосин билай,
Дилимдан шак-шубҳа гардини ювай».
«Пулини эртага, деди моҳтобон,
Ҳозир ёнимда йўк, килма имтиҳон».
Эгри сўз кўринди Синдўхтга аёл,
Аёлга ёпишди мисоли дажжол.
Борди-келди сўзга тугаб сабру дош,
Енгини, қўйнини тинтиб, килди фош.
Қимматбаҳо либос, газмолин кўрди,
Рудоба бошида рўмолин кўрди.
Қаҳру ғазаб билан чангаллаб сочин,
Ерга урди уни, ёзиб кулочин.
Борган сари ғазаб алами ортиб.

Сургаб борар эди сочидан тортиб.
Аёл оёк-кўлин боғлади ушлаб,
Оёк-ла тепарди, урарди муштлаб.
Ғамгин қайтиб келди сўнг хонасига,
Ғамдан ажин кўнди пешонасига.
Хонаси эшигин беркитиб маҳкам,
Андишага толди дилда дарду ғам.
Қизини чақирди, у етиб келди,
Бу эса аламдан юзини юлди.
Кўш нарғиз сувидан икки гул рухсор,
Ювиларди то гул бўлгунча тобдор.
Қизига деди: «Эй ой юзли гўзал,
Нечун чоҳни кўрдинг саройдан афзал?
Қолдими бирор-бир неъматни жаҳон,
Сенга тутмаганим ошқору ниҳон?
Нечун энди менга бўлдинг ситамкор,
Ҳамма сирни айла наздимда изҳор.
Бу аёл баландми, пастидан келур,
Хузурунгда нима қасдидан келур?
Нима гап? Ким ҳақда бўлур кийлу қол,
Кимга аталган бу узук ва рўмол?
Араблар мулкидан, ўйлаб кўр хушёр,
Не фойда, не зиён қолмишдур бисёр?
Номи булғанганга ақлу хуш ёрми,
Мендан ўзга сендек киз туккан борми?»
Рудоба тикилар ўз товонига,
Ордан тик боқолмас онажонига.
Икки нарғизидан икки арик хун,
Қизил гул япроғи, ёноклар гулгун.
Охир онасига дер : «Эй окила,
Жон-дилим овлади улкан ишқ ила.
Туғмасанг оламга кошқийди мени.
Зобул сипоҳдори Кобулда қолди.
Ишқидан бағримни ўт ўраб олди.
Мен учун қоронғу бўлди бу жаҳон,
Кўзим ёши оқар ошқору ниҳон,
Рухсорисиз менинг ҳаётим абас,

Бир мўйига унинг жаҳон арзимас.
Бил, у мени кўрди келиб Кобулга,
Аҳду паймон қилдик, қўл бериб қўлга.
Кўришмоқдан нари ўтгани йўқ иш,
Аммо ишқнинг иши ўтдек куйдириш.
Улуғ Сомга Достон юборди чопар,
Чопардан ўғлига берибди хабар.
Қаршилик қилибди ранжиб бир муддат,
Қариялар билан қилиб маслаҳат.
Чопарга совғалар қилибди инъом,
Эшитдим, охири нима демиш Сом.
Сочин юлиб, ерга урганинг аёл,
Қўлидаги лаш-луш, узук ва рўмол,
Рўмолга қадалган гавҳару олмос,
Суюнчиси эди қўлдаги либос».
Синдўхт қотиб қолди бу ҳангомадан,
Икков бу лойиқ жуфт нақ бир жомадан.
Эс йигиб, дер: «Кичик эмас бу савдо,
Достондек олий зот оламда танҳо.
Сом баҳодир ўғли жаҳон паҳлавон,
Ҳам зоти, ҳам номи, ройи дарахшон.
Фазилати кўп-у, аммо айби бир,
Бир бўлса биракай, улкан бир қусур.
Шаҳаншоҳ бу ишдан бўлиб даргазаб,
Кобул чангин қоқар, билса яхшилаб.
Бизнинг тухмимиздан бироқ қиз-ўғил,
Эгарга чиқишин истамайдир ул».
Аёлни бўшатиб афв сўрайди,
Энди бутун бошқа кўз-ла қарайди.
Дер: «Шундай бўл доим, тилга берма эрк,
Ақл кўзинг очиқ бўлсин, оғзинг берк.
Нима эшитдинг, эй оқила аёл,
Шу ерга, тупроққа кўмиб кета қол».
Қизин кўрди заҳил севгидан дардманд,
Қулогига кирмас насиҳату панд.
Йиғлай-йиғлай келди қошонасига,
Ухлолмас, не ёзмиш пешонасига?...

Мехробнинг Рудоба ишидан хабар топгани

Достон чодиридан Мехроб келди шод,
Унинг номини Зол бод-бод этмиш ёд.
Кўрди, Синдухт етар уйқуси харом,
Юзлари сўлғину дилда йўк ором.
Сўради: «Гапир тез, не бўлди, нечун,
Гул барги ёноклар заъфарон, сўлғун?»
Деди: «Бир ташвиш бор, ўтдек ёнар ич,
Мен ўйлаб, ўйимга столмайман ҳеч.
Бу ганжу ободлик, бу бойлик, зотлар,
Ораста килинган арабий отлар.
Бу обод кошона, бу бўстонлар,
Дил орзусин топган ҳамдам аъёнлар,
Сенга садоқатли бу каниз, навкар,
Бу боғлар, бу уйлар, хизматкор, чокар.
Бу билим, бу кадду қоматларимиз,
Бу рою, бу бахту, омадларимиз,
Бу ростлик, бу зиё бари бу замон,
Тополмай қолурми фалакдан омон?
Баридан ёв дили обод бўлурми?
Бутун меҳнатимиз барбод бўлурми?
Бир тор сандук бўлур бизнинг баҳримиз,
Экканимиз мева бўлур заҳримиз.
Дарахтни ўстирдик, чекиб дарду ранж,
Бошига тож кўйдик, сарф айладик ганж.
Улғайиб етганда боши куёшга,
Тупрок бўлур тушиб кулфат шу бошга.
Шундай умр сўнги, шул анжомимиз,
Билмадим, кайда бор дил оромимиз?!»
Синдўхтга Мехроб дер: «Сўзларинг янги,
Аммо янги сўзинг кўхна жаранги.
Дунё беш кунликдир, билади башар,
Бири шод яшайди, бири хор яшар.
Бири янги келар, кетади биров,
Кани, ким қолибди чархга бўлмади ов?
Дилингни доғлама, азалий бу иш,

Ақлданми тақдир билан уришиш?!»
Синдухт унга дейди: «Эскидур қисса,
Аммо ундан чиқар янгича хисса;
Нечук тута олмай мен сендан ниҳон
Бошимизга келган балони бул он.
Фарзанддан баҳс этиб, ул некбахт коҳин.
Сўзлаб берган экан дарахт қиссасин.
Сўзим қисса билан бошладим мен ҳам,
Токи тингласа деб шоҳим хотиржам».
Бошин пастга эгди, сарв қадди ҳам,
Қизил гул баргига наргис берди нам.
Деди: «Сўзларимни тингла, зуфунун.
Истагимиз билан айламас гардун.
Билки, Рудобага ўшал Золи Сом.
Кўйган экан биздан бекитикча дом.
Қиз юрагин йўлдан урибди тоза,
Бир чора топайлик, бўлмай овоза.
Насихатим фойда бермади зинҳор,
Дили вайрона-ю, заъфарон рухсор».
Эшитиб ўрнидан даст турди Меҳроб,
Қўллари ханжарга этдилар шитоб.
Танаси ларзону юзлари кўм-кўк.
Дилу жигари хун, лабларида дўк:
Ҳозир кўрсатайин қизнинг кунини,
Дарё қилай тўкиб манфур хунини!»
Сапчиб турди, буни эшитиб она.
Белидан кучоклаб мулойимона,
Деди: «Гоҳи пирдан, гоҳи муриддан,
Мен ҳам фикрим айтай, кулок сол лутфан.
Кейин нима қилсанг, ўзинг биласан,
Қалбинг не буюрса, шуни қиласан».
Аммо Меҳроб уни суриб ташлади,
Маст филдек бўкириб, дилин ғашлади:
«Нечун сўндирмадим унинг куёшин,
Қиз туғилган замон кесмадим бошин?
Ўлдирсам бўларди аждод одати,
Мана оқибати, шул каромати.

Ким ота измидан кетаркан нари,
Ундан узоқ ота пушти камари.
Чангалини чархлаб бошлар экан жанг,
Бир масал сўзлабди чангалда паланг,
Жангга шошиламан, шудир табиат,-
Отам отасидан орттирган одат.
Ўғил бўлса, бўлсин ота нишони,
Ўхшамаса кўкка етар фиғони.
Бу хавфу хатар ҳам, ору помус ҳам,
Кўймайсан саркашни ўлдирай десам.
Шу баҳона билан Манучеҳр шоҳ
Ва Сом босиб келса не бўлур, э воҳ!
Куёш кадар чиқар Кобул тутуни,
Шаҳару даласин қолмас бутуни».
Синдўхт лаб очиб дер: «Улуғ паҳлавон,
Тушунтирмоқ буни сенга ношоён.
Дилингдан ваҳима, шубҳани ўчир,
Сомнинг хабари бор булардан бир-бир.
Қулогига етиб боргач бу сухан.
Сом жўнаб кетибди Гургасорондан».
Меҳроб дебди шунда: «Аё, махлико,
Сўзламагил менга ёлгон мутлако.
Ақлга сигарми бундай ажиб ҳол,
Тупрокка ўзини топширса шамол.
Бу ишдан бўлмасдим бунча дардманд,
Бало бўлмасми деб қўрмаман ҳарчанд.
Албат, Золни куёв десанг дегудай,
Катта-кичик ичра йўк ўзга ундай.
Қандаҳордан тортиб Аҳвозга кадар,
Ким Сомдек қудадан юзини бурар?»
Синдўхт унга яна дер: «Эй сарафроз,
Мен сенга ростини айтай, очиб роз,
Сенга келган бало – менга ҳам бало,
Аламинг – аламим, давоинг – даво!
Сўзларинг ҳақиқат, жону жаҳоним,
Шул эди менинг ҳам шубҳа, гумоним.
Рухим эзиб ғамнок қилган ҳам шул ғап,

Дилимдан шодликни шилган ҳам шу гап.
Аmmo бу иш оддий иш булмаса ҳам,
Экмакка арзимас дилда бунча гам.
Фаридун бўлганди ямонликдан шод,
Жаҳонгир Достон ҳам шуни этар ёд.
Зеро обу оташ билан боду хок
Қаро ер юзини этар тобнок».
Сом номасин берар, «Буни ўқиб кўр,
Бир йўла босилар дилингадаги шўр.
Гар бегона сенга ёри жон бўлур,
Ғанимнинг юзлари заъфарон бўлур».
Синдўхт сўзларини тингларди Меҳроб,
Бошида минг хаёл, юрар бағри об.
Сўнг Синдўхтга номдор қилади фармон:
«Рудобани келтир ёнимга шул он».
Синдўхт кўркиб кетди: «Бу шерюрак мард.
Қилмасми қизини тагин гард-гард».
Унга деди: «Аввал сўз бер, паҳлавон,
Қўлингдан чиқажак у эсон-омон.
Кобулистон ундан қолмайди ҳоли,
Ёвузлик бўлмайди бу гулнинг фоли».
Ваъда берди, бир оз исиди сийна,
Дилидан қувилди адоват-қийна.
Сўз берди: қизинга қилмас ёмонлик,
Рудоба топажак тинчлик-омонлик.
Деярди: «Қараб тур, шаҳаншоҳ тагин
Билгач, тор келмасин бизга бу замин».
Синдўхт бу сўзларни эшитган чоги,
Наст эгилди ерга тегиб ёноги.
Қиз томон югурди, куларди кўзи,
Туидек соч тагида нур сочар юзи.
Мужда келтирдик: «Қутирган паланг,
Охуга ташланмас, бошлапмайди жанг.
Энди зеб-зийнатинг ечиб тез, дадил,
Отанг олдига бор, оёққа йиқил».
Рудоба дер: «Зебу зийнат нимаси?
Мугамбирлик нима, гурбаг нимаси?»

Дилимни забт этган Зол номдор бўлса,
Нечун бекитайин бу ошкор бўлса».
Зару ёкут ичра мисоли шафақ
Ота ҳузурига Рудоба илҳақ.
Уни кўриб ота қотиб колди чин,
Жаҳон офаринга ўкиди таҳсин.
Беҳиштдек ясанган, гулкор пурвикор,
Ёркин қуёш эди, яшнаган баҳор.
Унга дер: «Эс-ҳуши бошдан учган киз,
Таги тозалардан бундай иш эсиз...
Қачон Аҳриманга жуфт бўлур пари,
Завол топар узук, тожу тахт бари.
Қахтон даштидаги моргир агар
Муғ бўламан деса ажали етар».
Рудоба тингларкан зору мубтало
Ўзини йўқотар, юзи қаҳрабо.
Равшан кўзни босди киприк мисли шаб,
Сўз эмас, нафасга мажолсиздир лаб.
Ота дили хуну ўзи кўп тажанг,
Дарғазаб бўларди мисоли паланг.
Хонасига қайтди дили вайрон киз,
Заъфар юзга кўздан оқизиб қон киз.
Худодан кутишар паноҳ мардона,
Дили вайрон қизу пешвоси – она.

Манучеҳрининг Зол ва Рудоба севгисидан хабар топгани

Улуғ шоҳга етиб келди сарбасар
Меҳробу Золу Сом ишидан хабар.
Бўлмоқчи эмишлар бир-бирга пайванд,
Оқсоч Зол, Рудоба – аждаҳо фарзанд.
Муъбадлар йиғилиб суҳбат қурдилар,
Баҳс қизиб, анвойи сўзлар сурдилар.
Шоҳ хирандмандларга дер: «бу қандай иш,
Айём бошимизга солурми ташвиш?
Эрондан деуу жин, қоплону паланг

Изин куритгандим, дадил этиб жанг.
Фаридун куритди Заххок илдизин,
Колгани бир Мехроб пеш килур кизин.
Золи зар севгиси туфайли, хайхот,
Қовжираган илдиз яшнаса, нахот!
Агар Мехроб кизи ва Сом ўғлидан,
Айём ўткир бир тиг чикарса киндан.
Бизнинг жавҳар бир еқ, ул томон бир еқ,
Захарга қўшилиб олади тарек.
Она томонига тортса навнихол,
Бошида айланур турли бадхаёл.
Кўлига киритмок бўлиб тожу ганж,
Эроннинг бошига солур дарду ранж.
Бу сўзларга ўйлаб кўринг, не жавоб?
Маслаҳат берингиз, бу ҳолатга боп».
Муъбадлар барчаси деди: «Офарин!».
Шоҳни улуғлашиб дердилар: «Покдин»
Дедилар: «Сен биздан доносан, доно,
Ақлда, кудратда ягона, якто.
Не килсанг ҳам, ақлинг буюрганин кил,
Ҳатто аждаҳони овлайди ақл».
Фузало сўзини тинглаб подишо,
Иш оқибатига излайди даво.
«Нузар келсин!» дея айлади фармон,
Нузар билан келди олий зот, аъён.
Ўғлига шоҳ деди: «Сом ёнига бор,
Сўрагил, не бўлди ундан кор-зор.
Дегил, бул томондан кайтаркан ҳамон,
Ҳузуримга кириб ўтсин паҳлавон».
Ота ҳузуридан чикибок Нузар,
Паҳлавон Сом томон от бошин кўяр.
Нузар келишидан хабар топган Сом,
Истикболга чиқар кўрсатиб иқром.
У билан борарди бор баҳодирлар.
Филларда довуллар данг-дунг, кулок кар.
Сом билан учрашди Нузари номдор,
Улуғлар, аъёнлар, неча омилкор.

Салом-алик қилди ҳар икки тараф,
Бир-бирин шарафлар кўшин чекиб саф.
Наузар дийдоридан Сом бўлди хурсанд,
Отаси сўзларин етказди фарзанд.
Сом деди: «Фармони ҳаётим ўти,
Шаҳаншоҳ дийдори дил-жоним кути».
Сом базм куради, меҳмонлар шодком,
Аскарлар ичади шуҳрат топар Сом.
Дастурхон ёзилди, кўтарилди жом,
Аввал Манучеҳр номин олар Сом.
Сўнг Нузару Сомдан сўзладилар шод,
Ҳар кишвардан бир-бир айладилар ёд.
Базмда узун тун бўлганди охир,
Ярақлаган офтоб очганида сир.
Баланд кўтарилди табла овози,
Элчилар тезлиги – бургут парвози.
Манучеҳр подшо боргоҳи томон.
Кўшинлар кўзгалди, шу бўлди фармон.
Хабар топганида Манучеҳр шоҳ
Кутишга шайланди, безатди боргоҳ.
Сори ҳам, Омул ҳам жунбишга келди,
Гўё катта дарё хуришга келди.
Отлиқлар чиқишди мисоли булут,
Қўлларида найза, эгнида совут.
Тоғдан-тоққа қадар лашкарга тўлди,
Қалқон жилосидан чўл денгиз бўлди.
Ногора, сурнаю карнай говғолар,
Филларга ортилган қанча савғолар.
Сомни шараф билан кутиб олди шоҳ,
Хилма-хил байроқлар, юз минглаб сипоҳ.

Золнинг Манучеҳр ҳузурига элчиликка боргани

Хаттотни ўтқазиб бошлади нома,
Номага битилди қанча хангома.
Аввал мадҳ этилди қудратли жаббор:

«Ҳар ишнинг бошида, охирида бор.
Яхши-ёмон ундан, бор-йўқлик шаксиз,
Бизлар бандалармиз, у – якка-ёлғиз.
Борлиқда нимани истар эрса у,
Чархи фалакнинг ҳам айланиши шу.
Қуёш, ой, юлдузлар эгаси оллоҳ,
Ундан мадад топсин Манучеҳр шоҳ.
Разм куни заҳри қотил, бедаво,
Базм куни тўлин ойдек сержило.
Гурзингдан кукундир ғанимлар шаҳри,
Сендан шодлик эрур ҳар кимнинг баҳри.
Фаридун туғини олиб қилсанг жанг,
Қаҳрингдан қочади қутирган паланг.
Тешилуру найзангдан осмонўпар тоғ,
Самандинг наълидан бўлади тупрок.
Адлу амниятинг – ёмонлар шўри,
Бир сувлоқдан ичар қўй билан бўри.
Бажармоққа ҳозир не этсанг хоҳиш,
Қулингман, ёшим ҳам икки бор олтмиш.
Кундан-кун ортмоқда бошим кофури,
Шуни тож этмоқда ой-қуёш нури.
Сени деб бел боғлаб кўп жангга кирдим,
Қанча нопокларни аёвсиз кирдим.
Мендек чавандозни кўрганми дунё?
Гурзи, қиличбозни кўрганми дунё?
Гурзимга қўл урсам, ул Мозандарон
Баҳодирлар дили сув бўлди осон.
Барчадан ботирроқ бўлмасам, ишон,
Мендан бўлмас эди дунёда нишон.
Аждаҳо чикқанди, ватани Кашаф,
Оламни тап-тақир қилар мисли каф.
Шаҳардан-шаҳарга етар танаси,
Тоғдан-тоққа қадар эди сийнаси.
Қалтирар ваҳмдан жаҳонда ҳар жон,
Кеча-кундуз бедор туришар посбон.
Ҳавода қолмади бирор парранда,
Чўлдан йитиб кетди бутун дарранда.

Нафасида куяр қарға қаноти,
Захридан қовжирар замин жонзоти.
Сувдан наҳанг олар, солса гар човут,
Домига тортилар тез учар бургут.
Мардум қочиб кетди, қолмади қорво,
Унга қолган эди бу ёруғ дунё.
Кўрдимки, бу дардга малҳам йўқ эди,
У билан беллашар одам йўқ эди.
Мадад берди эгам, ул яздини пок,
Дилдан ваҳм кетди. қўзғолдим бебок.
Белимни боғладим, тилимда оти,
Филдек от тагимда ёзик қаноти.
Эгарда, хўкиз бош гурзимдир гарон,
Гарданимда қалқон, қўлимда қамон.
Юрдим, дуч қелолмас ҳатто наҳанг ҳам,
Мен тезжанг бақодир, ул эса тез дам.
Мени кўрган инсон деяр: «Алвидо,
Аждаҳога қилмиш бу зўрлик даъво!»
Бориб кўрдим, ётар Элбурздек баланд,
Соч-мўйи осилган каманду-каманд.
Чўнг тили оғзидан тушиб бсмалол,
Ерни қоплаб ётар мисли қоратол.
Икки кўзи – икки қон тўла ҳовуз,
Кўрибок қазаби қўзғалди ёвуз.
Гумоним шу бўлди, тингла, шаҳриёр.
Кўйнимга уфурди оташ у ғаддор.
Уммон бўлиб кетди кўзимга дунё,
Қоп-қора тутундан жаҳон зимзиё.
Бонгидан ларзага келди бу замин,
Захридан ер юзи нақ дарёйи Чин.
Мен доғи бонг урдим бамисоли шер,
Шундай иш қилади ҳар мардона эр.
Бир ўк олдим олмос, дастаси ҳаданг,
Жўнатдим қамоним тортиб хўп таранг.
Шу бир ўқни қилдим зафаримга ром,
Оғзин тика олсам, шунда иш тамом.
Оғзин тикиб қўйди бул тири паррон.

Тилин ҳам тортолмай қолганди илон.
Зудлик-ла иккинчи тир билан тилин
Ерга михлаб қўйдим, тўлғанар беун.
Учинчисин отдим, тешилди жигар,
Қаро хун оқизиб, қутуриб қалқар.
Ҳамла қилиб ерни менга тор қилди,
Шунда ҳўкиз бошли гурзим кор қилди.
Пок у парвардигор мадади билан,
Фил танли отимни қўзғаб жойидан,
Тоғни қулатгандай бошига осмон,
Гурзим-ла бошига туширдим чунон.
Бош ёрилиб тушди гўё жандапил,
Заҳари кўпириб оқар мисли Нил.
Зарбимдан қайта бош кўтармас аждар,
Мияси тоғ бўлиб, уюлиб ётар.
Кашаф дарё суви зардобга тўлди.
Замин тинчлик топди, ором жой бўлди.
Тоққа қочган барча эркагу аёл
Қайтиб келиб мени шарафлар дарҳол.
Жангимни кузатиб турарди дунё,
Аждар эди бошга келган зўр бало.
Шундан мени «Соми якзарб» аташар,
Оёғимга тўқди халойик гавҳар.
Покиза танамга қилсам наззора,
Пўлат совут бўлиб кетибди пора.
Заҳардан тўкилмиш отим зирҳи ҳам,
Ундан мен ҳам тортдим неча вақт ситам.
У ерда неча йил ўсмас бир гиёҳ,
Ҳатто хору хаснинг қисмати сиёҳ.
Агар сўз бошласам девлар жангидан,
Номани бошламоқ керак янгидан.
Шундай жанглар қилдим, минг-минглаб боши
Юмаланди гўё сойларнинг тоши.
Доим шу, бўлсам мен агар жанг бошлар,
Юмаларди оёқ остига бошлар.
Қай тарафга бурсам отим жиловин,
Шер жой бўшатарди, колдириб овин.

Неча йилким эгар – тахти равоним,
Замин ўзи минган отим – ҳайвоним.
Мозандаронни ҳам Гургасоронни
Сенга бўйсундирдим, соялиб суронни.
Неча йил этмадим юрту уйим ёд,
Яшадим, кўрсам деб фақат сени шод.
Букун билакларим у билак эмас,
Гурзим зарбаси ҳам унингдек эмас.
Заифлаша борар белим қуввати,
Гарданим эгилди, кетиб қудрати.
Қўлимдан тушарга ҳозирдир камон,
Йиқиб, оёқ-қўлим боғлади замон.
Энди Золи Зарга берамен навбат,
Камарбандим билан чўқморим, шояд
Олиб ганимларнинг умрин кам қилур,
Санъати дилингни шод-хуррам қилур.
Дилда бир истаги бор экан ниҳон,
Сендан мадад истар, эй шоҳи жаҳон.
Бир орзуки, Яздон эзгулик билар,
Унинг раъйи фақат яхшилик билар.
Раъйинг билмай туриб, бу иш юришмас,
Бандангмиз, катталиқ бизга келишмас.
Яна Золга берган аҳду паймоним,
Эшитгандир балки шоҳи жаҳоним:
Ўғлим тоғдан тушиб, қўлга кирган дам,
Халойиқ ичра мен ичгандим қасам:
Раъйинг қайтармайман ҳеч бундан буён!
Менга рози дилин сўзлади чандон.
Ҳузуримга келди бари хуну хок,
Ишқдан суяк-бўғин бари чоку чок:
Мени дорга ос, тонг қолсин Омул дер,
Фақат омон қолсин сендан Кобул дер.
Ўсмиш у қуш ини, тоғда-тошлоқда,
Уй жою оила, халқдан узоқда.
Кўриниб қолибди Кобулистонда
Ой юзли сарвиноз ул гулистонда.
Ажабланиб бўлмас, бўлса девона.

Сендан истар кинмас, карам шоҳона.
Шу жойга етмишдир мухаббат захми,
Ким кўрса, келади юракдан раҳми.
Шунча алам кўрди бегуноҳ гўдак,
Унга қасам ичдим, эшитганингдак.
Йўллайман ўғлимни букуи сен ёкка,
Тахтинг оёғига йиқилган чоқда,
Улуглардек кўрсат караму шафкат,
Ақл ўргатмоқлик сенга не ҳожат,
Дунёда ёлғиз шул ўғлим бор холос,
Ғамдошим, сирдошим, қўйгучим ихлос.
Жаҳондор шоҳга ва акобирга Сом
Олкиш йўллаб қолур, хулласи калом».
Нома тамом бўлди, мақсади аён,
Олибоқ ўрнидан қалқиди Достон.
Эгарга минаркан Сом дилрабоси,
Ҳар ёқни босади карнай садоси.
Йўлга тушар бирга печа баҳодир,
Саройга от қўйиб бормоққа кодир.
Зобулистон қолди, қолди гулистон,
Яқзарба Сом қолди, йўл олди Достон.

Сомнинг Синдўхтга таскин бергани

Йўл анжоми тайёр, совгалар порлоқ,
Синдўхт отга минди мисоли чакмоқ.
Бошида яраклар румий бир кулоҳ,
Остида от ўйнар, қамашар нигоҳ.
Сом қасрига етди қўйиб отини,
Овозин чиқармай, айтмай зотини.
Қоровулни чорлаб деди ногаҳон:
«Бориб айт, билсин у жаҳон паҳлавон.
Кобулдан келибдур чопар дея айт,
Зобул паҳлавондан жавоб олиб қайт.
Билсин ул жаҳонгир лашкарбоши Сом,
Меҳроб гурддан олиб келмишман пайғом».
Бу хабарни Сомга етказди дарбон,

«Олиб келинг!» деди унга паҳлавон.
Синдўхт отдан тушиб, кирди саройга,
Етиб борди Сомга яқинроқ жойга.
Ер ўйиб, шарафлаб ўқир офарин,
Тилида шаҳаншоҳ ва гурди замин.
Тухфалар, канизлар, отлар билан фил,
Қатор келар эди, чузилиб уч мил.
Бир-бир топширарди кушанда шерга,
Ҳайратда кўзлари тинган ул эрга.
Сом ўйланиб қолди, бошин солиб паст,
Боши гувилларди, ҳайратидан маст.
«Шундай мағрур юртдан келибдур чопар,
Шоҳ хотини – элчи, не бўлур хабар?...»
Агар совғаларни мен этсам қабул,
Шаҳаншоҳ бўлмасми бу ишдан маълум.
Қайтариб юборсам, ғазабидан Зол
Қанотин ёзмасми Симуриги мисол.
Муқаррар у менадан тагин ўпкалар,
Не дерман, халойиқ мени сўкса гар.
Бошини кўтариб дер: «Тухфа борин,
Канизу гулому, оту филларин,
Қабул қилиб олсин Достон маъмури.
Айтинг юборибди Кобулнинг хури».
Паричехра Синдўхт сўзларди шодком,
Унга қулоқ осиб ўлтирарди Сом.
Кўрди, қабул бўлди салому савго,
Яхшилик келади, бигади ғовго.
Унинг билан бирга эрди уч санам,
Сарви қад, суман соч, тамтам ва ўктам,
Ҳар бирин қўлида биттадан коса,
Тўлдирилган лаълу дур, гавҳар роса.
Сипоҳдор наздида қулоч очдилар.
Дурру жавохирдан сочқи сочдилар.
Сўнг уйдан кўзгалди аёну арбоб,
Уйда қолди фақат бир неча аҳбоб.
Шунда Синдўхт деди: «Жаҳон паҳлавон,
Раёнинг билан кекса бўлур навкирон.

Билиминг дилларни этади гулшан,
Жаҳолатни кувиб, этасан равшан,
Мухринг-ла боғланур смонлик қули
Қилмишинг – эзгулик, яздоннинг йўли,
Адашган бўлса гар гуноҳкор Мехроб,
Пушаймонда, икки дийдаси пуроб.
Не килди кобуллик бегуноҳ бошлар,
Нечун окизмоқчи бўлдинг кон ёшлар?
Бутун шахар сенинг учун яшайди,
Сенинг хоки пойинг, ғаминг ошайди.
Оёғинг упмокка хозирдир шахар,
Номинг улуғлайди сени мўътабар.
Эс-хушу, куч-кувват бергандан қўрқкил,
Осмонга юлдузлар тергандан қўрқкил.
Унга ҳам бундай иш маъкул келмайди,
Мазлум конин тўкиш мақбул бўлмайди».
Соми ял унга дер: «Эй кўнгли абгор,
Яширмай баён эт, дилингда не бор?
Сен Мехроб завжаси, сўзла, бу не хол?
Қизингни қасрда кўриб колди Зол?
Қизингни хусни-ю жамоли калай?
Қошу кўз, комати, камоли калай?
Акли идроки-ю, одобин гапир,
Унинг фазилатин боб-бобин гапир».
Деди унга Синдўхт: «Аё хайрихоҳ,
Гурду пахлавонга сен пушту паноҳ.
Аввал сендан чиқсин сахт касам сўзи,
Ундан титраб кетсин осмон, ер юзи.
Аҳд айлагил, менга берурсан омон,
Омон колур, менга азиз ҳар инсон.
Менга бор сарою, мулку мол, орзу.
Қариндошу ватан, бойлигу обрў.
Сўзлаб берай менга онт ичганинг чоғ
Шаънимни асрарман тушурмайин доғ.
Не бойликка эга Кобулистоним,
Тутай, кабул этсин Зобулистонинг».
Шунда қўлин қўлга олиб гурди Сом,

Аҳду паймон қилди, бошлади пайгом.
Синдўхт тинглаб унинг қасам сўзини,
Ишонди, эркинрок тутди ўзини.
Ер ўпиб, шарафлаб турар ўрнидан
Ва ростгўйлик билан бошлайди сухан:
«Билурсанки, Заҳҳок авлодидурман,
Меҳроб гурднинг сарви озодидурман.
Қизимдир Рудоба, ой юзли дилдор,
Хуснига Зол айлар жонини нисор.
Сўзларим шоҳиди ул Яздони пок,
Шомдан то тун бағри бўлгунича чок,
Золу сени қутлаб деймиз офарин,
Манучеҳрга ҳам тўкиб дил кўрин.
Буқун келдим, билай мақсадинг санинг,
Билайин, ким сенинг дўсту душманинг.
Бизлар гуноҳқору паст бўлсак агар,
Ё давлатингизга келтирсак хатар,
Мана мен, истасанг, мендан ол қасос,
Банди қилсанг – боғлат, оссанг – дорга ос.
Аммо бегуноҳ халқ бошига бало
Солиб, айламагил кунин қоп-қаро»-
Сом бундай сўзларни эшитиб дарҳол,
Ўйларди, мунча ҳам қордон бу аёл.
Ёноклари баҳор, ҳам сарви равон,
Юришлари товус, ҳам мўрча миён.
Унга деди: «Чиндур бу аҳду паймон,
Қилча ўзгармайди токи танда жон.
Кобулинг билан сен ва ким сенга дўст,
Барча қолур омон, шоду тандуруст.
Яна шунга хурсанд эрурманки, Зол
Ўзига топибдур ажойиб аёл.
Гарчи аждодингиз Заҳҳокка боғлик,
Сизлар Кобулистон тахтига лойик.
Тақдир шундай, дилни тапг қилмоқ нечун?
Яздон раъйига зид жанг қилмоқ нечун?
Ул яратмиш, бизлар банда, вассалом,
Ҳайрат ила яшаб бўлурмиз тамом.

Биров фароғатда, биров жафода,
Биров халоватда, биров афтода.
Бировга бойлигу рохат чизилган,
Бировнинг йўкликдан дили эзилган.
Охир бари топар срда саранжом,
Ҳар нарса шу хокдан чикиб топди ном.
Бу кундан шу ишга камар боғладим,
Орзунга отказмок йўлин чоғладим.
Бир нома юбордим, йиғлаб зору зор,
Юбордим, олгандир шонли шахриёр.
Манучеҳр томон Достон сурди от,
Хатни олиб учди, чикариб канот.
Отга минган ҳамон шамолдек слди,
От наълин жилоси осмондан келди.
Бу хатга Манучеҳр бергай не жавоб...
Ёмонлик ўрнига келар хўп савоб.
Куш боласин дили вайрон бўлибди,
Кўз ёшдан ер боткок чандон бўлибди.
Келинга ҳам шундай ишк гар етишса,
Ажабмас, пустидан чикиб кетишса.
Ул девбачча юзин менга росмана.
Кўрсатгину сўнгра сўра кўрмана.
Эхтимол, дийдори дилписанд бўлур,
Ширин сўзи менга судманд бўлур.
Унга Синдўхт дейди: «Агар паҳлавон
Этса бу бандани шод равшан равон.
Шаҳримизга килса кадам ранжида,
Бошимиз осмонда, равшандур дийда.
Кобулга кирардинг мисли шахриёр.
Пойингга килардик жонимиз нисор».
Синдўхт кўрдик, Сом лабида ханда,
Кинаю адоват дилида канда.
Табассум билан дер эди унга Сом:
«Дилингдан ғамни сур, шод бўлгил мудом.
Тез барча истагинг жо-бажо бўлур».
Буни тинглаб Синдўхт айтди ташаккур.
Бу суҳбатдан Синдўхт чикди шодком,

Хуррамликдан икки ёнок ёкутфом.
Меҳробга юборди шамолдек чопар,
Бориб барча ишдан еткурди хабар.
Дедиким: «Дилингдан ғам кўкатин ўр,
Меҳмонларни кутмоқ ҳозирлигин кўр.
Бу нома кетидан менинг ўзим ҳам,
Борурман қололмай бунда узок дам».
Эртаси мавжланиб офтоб чашмаси,
Уйқудан гурганда жондор ҳаммаси,
Салобатли Синдўхт борарди шодмон
У тождор паҳлавон чодири томон.
Боргоҳга кирганда шоҳнинг нигоҳи
Унга тушиб деди: «Бонулар моҳи».
Кириб Сомга қилди саждаю намоз,
У билан суҳбати чўзилди дароз.
Сўнг сўрар ижозат қайтмоқлик учун,
Шодликни Меҳробга айтмоқлик учун.
Яхши кутиб олмоқ учун меҳмонни,
Меҳробга етказмоқ учун паймонни,
Соми Ял унга дер: «Ижозат бу кун,
Бориб Меҳробга айт бор гапни бутун».
Ясатдилар унга ярашиқ хилъат,
Совғага йиғдилар кўп нозу неъмат.
Ҳам Меҳроб учун ҳам Рудобага,
Синдўхтдек оқила, жасур онага.
Кобул ичра Сомга нимаики бор,
Саройда, далада ҳар не унга ёр.
Соғин сигирларми, минарга отми,
Уст-бош – кийимларми, гилам, наmatми,
Боридан Синдўхтга айлади савфо,
Қўл бериб дер: «Қилгум аҳдимга вафо!
Кобулингга қайт-у, яша шодмон,
Энди кўркма, ҳеч ким қилмас бадгумон».
Яна ранг кирганда пажмурда гулга,
Юлдузи чарақлаб тушди у йўлга.

Золнинг Сом номаси билан Манучеҳр ҳузурига келгани

Бахтиёр Манучеҳр ёнига сафар
Қилган Золдан энди эшитгил хабар.
Етиб келганидан Сомнинг ўғли Зол,
Хабар етиш билан шоҳга, у дарҳол
Юртда бор акобир, сардору арбоб,
Достонни кутмоққа айлади шитоб.
Ёш баҳодир етиб келгач боргоҳга,
Отдан тез тушиди-ю, юзланди шоҳга.
Пойига чўк тушиб ўпарди замин,
Ширин сўзлар билан ўқир офарин.
Шу зайлда ўтди бир неча муддат,
Одамохун подшо кўрсатди шафқат.
Деди: «Аргиб қўйинг юзлари чангин,
Мушку гулоб сепинг, келтиринг рангин».
Яқинроқ чорлади, келди Золи зар,
Шоҳ унинг ҳолидан сўради хабар:
«Нима гап, бу қийин йўлдан, паҳлавон,
Келибсан риёзат чекиб биз томон?»
Деди: «Риёзатмас дил фаҳри эрур,
Улуғ шоҳ дийдори карам ва ҳузур».
Сом номасин олиб султони жаҳон
Ўқиб, бўлди шул он хушнуду хандон.
Охиргача ўқиб мактубни тамом,
Деди: «Кўп ранжитди бизни, вале Сом
Бу мактуби билан дилни шод этди,
Яна кўнглимизни ул обод этди.
Агарчи менга бу иш мақбул эмас,
Лекин Сом деганча бўлса-бўлсин, бас.
Муродинг шул эркан, муродинг берай,
Майли, хоҳишингни бажо келтирай.
Бир муддат бу ерда ҳузуримга юр,
Ишинг анжомини буида кутиб тур».
Базм бошладилар дастурхони зар
Ўлтирди подшо ёнига Зол-зар.

Базмда ултирар аёну арбоб,
Хурсандчилик килар сардору ахбоб.
Бир уйда тугаса базму анжуман,
Бошка жойда давом этди қайтадан.
Ичилди шаробу тамом бўлди базм,
Зол отига миниб сайр қилди азм.
Суриб от, кезарди чўлу тоғу тош,
Ўзича пичирлар, хаёлотда бош.
Камар боғлаб келди ул шоҳ олдига,
Суянгани пушти паноҳ олдига.
Шоҳи жаҳон унга деяр офарин,
Унга эшиттирмай мактайди тагин.
Фармон этди: «Келсин олиму доно,
Муъбадлар бўлишсин тахт олдида жо.
Мажлис курсин бари ситорашунос.
Бу ишни фалакка қилишсин қиёс».
Улар меҳнат чекиб, кўриб кўп малол,
Юлдузларга бокиб, очишарди фол.
Уч кун кўкка бокиб, бўлдилар саранг.
Ҳиндавий зиж билан айладилар жанг.
Лаб очиб, сўзлашар, тинглар шаҳриёр:
«Айланувчи чархнинг ҳисоби тайёр.
Бизга равшан бўлди бу ишлар ҳамон,
Юришар кетар иш бир оби равон.
Бу Сом ўғли бирла ул Рудобадан
Ўғил туғилажак некному филтан.
У кўп йил яшайди, хўп олижаноб,
Ботирлик кўрсатар, мардлик беҳисоб.
Кўрсатар жасурлик янги ва янги,
Базмда, размда бўлмагай тенги.
Қаён отин суриб, борса босиб тер,
Эзилиб жигари, ёви тишлар ер.
Ҳадик солса бургут, қоқолмас қанот.
Катта-кичик душман тополмас нажот.
Қадди-қомати тоғ эр бўлади, эр.
Командидан раҳо тополмайди шер.
Қулонларни тутиб бирён қилади,

Шамшири осмонни гирён килади.
Эрон шоҳ навкари, салоҳи бўлур,
Сипоҳларин пушти паноҳи бўлур».
Алломалар сўзи бўлганда охир,
Шоҳ деди: «Бу гапни сир тутингиз, сир!

Муъбадларнинг Золни Синовдан ўтказгани

Золни чақиртириб келди шаҳриёр,
Сухбатга йиғилди аёну кибор.
Йиғин аҳли олим, ҳушёр ва зийрак,
Муъбадлар Зол билан сўзлашар бирдак.
Йиғиндан муроди – Зол-зарни синаш.
Чистонлар ечтириб, ақлин белгилаш.
Муъбадлардан бири бошлади савол,
Диққат билан тинглар зеҳни ўткир Зол.
«Мен бир жойда кўрдим ўн икки ниҳол,
Бари яшнаб турар, бари баркамол.
Ҳар бирин ўттизта шоҳи бор текис,
Кўпу оз бўлмайди доимо ўттиз».
Иккинчи муъбад ҳам бошлади сухан:
«Дунёда иккита тез от бор экан.
Бири қоралиқда қатрон мисоли,
Бири биллур каби порлоқ жамоли.
Шитоб билан чолиб юрар тинмайин,
Аммо учратолмас улар бир-бирин».
Учинчи доно дер: «Кўрар шаҳриёр,
Тўхтамай чопади ўттизта савор.
Бири кам кўриниб қолар бир замон,
Ва лекин санасанг ўттизта ҳамон».
Тўртинчи ҳаким дер: «Шан кўкаламзор,
Гиёҳи анвойи, шўҳ сувлари бор.
Кўз очиб юмгунча, ҳеч вақт ўтмаёқ,
Биров пайдо бўлур кўлида ўроқ.
Хўл-қурук аралаш солади ўроқ,
Доду фарёдингга ҳеч солмас кулоқ».
«Баланд икки сарв, – дер бешинчи сафдош.

Сувдаги қамишдек тик кўтармиш бош.
Уларнинг учига уя солмиш қуш,
Иши бирисидан – бирига кўниш.
Қай биридан учса, сўлийди ниҳол,
Қай бирига кўнса, яшнайти жамол.
Яшнаган улардан бири доимо
Бири қуриб борар ва мотамсаро».
Олтинчиси деди: «Баланд тоғ аро
Битта шаҳристон бор, ўта мусаффо.
Ақлли кишилар у жойдан қочиб,
Чўлда яшашади, янги ер очиб.
Бинолар қурдилар, бўй чўзар ойга,
Бўлиниб яшашар камбағал, бойга.
Ул шаҳристон билан йўқ бўлар иши.
Ҳаттоки, ундан сўз очмас бир киши.
Қагтик бир зилзила кўпар ногаҳон,
Неки ер юзида айлағай ниҳон,
Шаҳристонга муҳтож бўлинар, бироқ,
Пушаймон бошланар узундан-узоқ.
Буларнинг барчаси бўйла жумбоқдир,
Очиб ташла, бордир уларда не сир.
Агар бу сирларни ошқора қилсанг,
Ажабмас тупроқни мушқсора қилсанг.
Сирларни очолсанг, оқил сўзлаб чин,
Ажабмас, тупроқни айласанг олгин».

Золнинг муъбадларга жавоб бергани

Ўйга толиб қолди Достон бир муддат,
Сўнг кўкрагин керди, тикланди қомат.
Муъбадлар саволни ёд этиб шу тоб,
Лаб очиб, бошлади аларга жавоб:
Ўн икки дарахтдан сўзлайин аввал,
Ҳар бирининг ўттиз шохи мукамал.
Ҳар йилнинг ўн икки янги моҳи бор,
Ҳар бири гуёки янги шаҳриёр.
Ўттиз кунда битмоқ аларнинг иши,

Шу зайил айланар замин гардиши,
Энди ўшал икки отни айтайин,
Югурмок шиддати мисоли чакин,
Бир-бири кетидан югурар равон,
Бири биллурдек ок, биттаси катрон.
Буларнинг бири тун, бири эрса кун,
Чарх бизга кўрсатар ажойиб ўйин.
Етолмас бирига бири ҳеч замон,
Кочар ов итидан кочгандек қулон.
Ва яна денг: отлик бор ўттиз нафар,
Шаҳриёрни қуршаб, бари чарх урар.
Бири кам кўриниб қолар гоҳи-гоҳ
Вале ўттиз чиқар ташласанг нигоҳ.
Янги ой ҳисобин шундай қил гумон,
Яратувчи шундай айламиш фармон.
Бир нуқсонга эга асли янги моҳ,
Бир кеча кам келур ҳисобида гоҳ.
Икки сарвдан дей, тил суғуриб киндан,
Устига икки қуш ясаган индан.
Қора буржидан то тарозу жаҳон
Қоронғулик ичра бўладур ниҳон.
Эгаридан тушиб, баликка етар,
Жаҳондан нур-зиё батамом битар.
Икки сарв кулидур, бу чархи баланд,
Қилур бизни шодон ва ё мустааманд.
Унда учар қушни сен хуршид, билгил,
Ўшандан тириклик ва умид, билгил.
Яна сен гапирган ўшал шаҳристон,
Абадий бўстондир, абадий макон.
Чўл-биёбон эса беш кунлик дунё,
Гоҳ нозу роҳату, гоҳ дарду бало.
Ҳар кунинг саноклик бунда беаёв,
Ўзи ато қилур, ўзи қилур ов.
Зилзила бошланар бу ерда ногоҳ,
Жаҳондан қўпажак оғир оҳу воҳ.
Бор ранжу умиддан дил узиб осон,
Кетмоққа мажбурмиз шаҳристон томон,

Ранжимиз мевасин тотар ўзга кас
Вале бунда ул ҳам абадий колмас.
Шундай бошланмишдир заминда хаёт.
Такрордан эскимас бундай тартибот.
Жаҳонда колдирсак агар яхши ном,
Биздан сўнг фақат шул этадир давом.
Қилмишимиз бўлса ёмонлик. озор.
Ўлим ҳаммасини айлагай ошкор.
Осмон бўйи уйлар барпо этамиз,
Охир беш қарич бўз олиб кетамиз.
Охир устимизга тортилар тупрок,
Кўркинч ўраб олар, қоронғу хар ёк.
У кимсаким қўлда кўтармиш ўрок,
Қурук-хўл додига ҳеч солмас кулок.
Баробар ўради, ўради абжир,
Оҳ-фиғон бефойда, этмагай таъсир.
Ўрокчи замондир, биз эса гиё(ҳ)
Ҳоҳ бўлсин набира, хоҳ бўлсин бобо.
Унинг учун бирдир-ёшми ё қари,
Унинг учун овдир, овланур бари.
Тартибу асоси шундай бу жаҳон,
Онадан туғилмас ўлмайдиган жон.
Бу эшиқдан кирар, бошқадан чиқар,
Замона нафасинг ҳисоблаб турар.

Золнинг Сом ҳузурига келгани

Елиб борар эди Зол айлаб шитоб,
Учар қуш мисоли ё кема ҳисоб.
Золнинг келишидан ким топса хабар,
Шодлик билан уни кутгани чопар.
Ҳар ёкни тутади жарчи овози:
«Етиб келди Достон, иқлим шоввози.
Хушнуд кутиб олди Соми ял шодон,
Кучоғидан кўймай турди бир замон.
Ота кучоғидан бўшаш билан Зол,
Бор гапни сўзлади, ер ўпиб дарҳол.

Тахт узра ўтирди алп пахлавон Сом,
 Ёнида Золи Зар хуррам ва шодком.
 Сом сўзлай бошлади Золга Синдўхтдан,
 Сўзларди шод кулгу ва мазах билан –
 Дер эди: «Кобулдан келтирди пайғом,
 Элчи номи Синдўхт, тоза гуландом.
 Онт ичириб, мендан истар омонлик.
 Онт ичдимки, ҳаргиз кўрмас ёмонлик.
 Мендан ниманики истаса, мен ҳам
 Бажармокка ичдим юракдан қасам.
 Бирламчи гап шулким, Кобулнинг мохин
 Жуфтликка олажак Зобулнинг шохи.
 Иккинчи, Кобулга меҳмон бўлурмиз,
 Дилдаги дардига дармон бўлурмиз.
 Чопари келгандир эрталабданок,
 Барча нарса ҳозир, кутар гулёнок.
 Иккови бир-бирин килиб эҳтиром,
 Ҳол-ахвол сўрашди, беришиб салом.
 Азиз меҳмонларга ўкиб офарин,
 Сому Зол олдида ўпарди замин.
 Яна ўз отига минди Меҳроб шох,
 Гўё – тоғ чўккида турар янги мох.
 Қўлида заррин тож, безаги гавҳар,
 Оҳиста Золи Зар бошига қўяр.
 Кобулга етишди бари хандон-шод,
 Ўтганларни кулгу билан этиб ёд.
 Чалинди карнайлар, ногора созлар.
 Самога чирмашиб хуррам овозлар.
 Гуё девору том, бари созанда,
 Яшармиш оламмас, ажаб чаманда.
 Отлар думу ёли мушку заъфарон,
 Кўкка сапчишади йўлбарседек чаккон.
 Синдўхт ташкарига чиқар сербезак,
 Атрофин ўраган уч юз канизак.
 Ҳар бирин қўлида битта жоми зар,
 Жоми тўла мушку жавоҳир, гавҳар.
 Барчаси офарин ўкишар Сомга,

Жавохир сочинар олий мақомга.
Лутфу эҳсон бўлди шу қадар баланд,
Зару жавохирдан барча баҳраманд.
Синдўхтга деярди Сом ҳазил этиб:
«Қачонгача юргунг қизинг беркитиб?»
Унга Синдўхт деди: «Қани кўрмана?
Агар бўлса хоҳиш, кани, кўр! Мана!»
Сом дейди: «Жон билан тутай бойлик-мол.
Нимаки истасанг, барчасини ол.
Ҳазина, тожу тахт, олтину гавҳар,
Вилоят, музофот, кишлокми, шаҳар».
Қадам қўйганлари – касри шоҳона,
Қулф урган кўкламдек ясанган хона.
Сом нигоҳ ташлади, ажиб маҳлиқо,
Ҳайратидан қотиб қолди мутлақо.
Тил келмас мақтовга, сўз бошламоққа,
Журъат этмас ҳатто кўз ташламоққа.
Аҳд-паймон устида – Сому Меҳроб шоҳ,
Бажо этди одат бўйича никоҳ.
Йигит-қизни тахтга ўтказдилар шод,
Ақик, зумрад сочиб этдилар обод.
Қиз бошида тожи қизил зарнигор,
Куёвники эса, соф гавҳарнигор.
Сўнг олиб келдилар дафтар тўла хат,
Унда кизнинг сепи этилмиш рўйхат.
Сўнгсиз, қайнаб чиқар мисоли булок,
Эшитмаган бундай бойликни қулок.
Буни тинглар экан, сардору сипоҳ
Ҳайратидан дерди: «Ё Оллоҳ!»
Сўнг ўлтириб ишрат қилишди роса,
Бутун ҳафта қўлдан тушмади коса.
Шаҳар айшу ишрат билан маст эди,
Сарой шуҳратидан фалак паст эди.
На Зол ва на ўша кўзлари жоду
Ҳафта бўйи бир зум кўролди уйку.
Бўшаб қолди шундан кейин базмгоҳ
Ва лекин яшнади тағин боргоҳ.

Кишвар улуғлари йиғилиб сафга,
Яна базм давом этди уч ҳафта.
Ой боши Нариман ўгли ботир Сом
Сейистон томонга айлади хиром,
Отасидан кейин қолиб яна Зол,
Айш килди етти кун, на хушдир висол.
Сўнг кажава боғлаб туя устида,
Тахтиравон курди сафар қасдида.
Дилдор Рудобасин унга миндирди,
Қардоши Синдўхтни бирга кўндирди.
Меҳроб бошлиқ барча шодону хандон,
Йўлга кадам қўйди Сейистон томон.
Нимрўзга етишди барчаси голиб,
Диллар шод, адоват-андух йўқолиб.
Сом бир базм курди, қадахлар гулгун,
Базм ичра ўтди уч беқиёс кун.
Синдўхт, Рудобани колдириб шодон,
Лашкар билан қайтди Кобулга султон.
Шунда Сом шоҳликни топширди Золга,
Лашкарин тўплади фархунда фолга.
Улуғ Сом Золини этиб бунда шоҳ,
Ўзи тортди янги юришга сипоҳ.
У мудҳиш Гурксору, ул улуғ Бохтар
Томон туг кўтариб, бошлади сафар.
Дедиким: «У ерлар менга берилган,
Аммо бўйсунмаган, улар керилган.
Манучеҳр хатлаб ер ихтиёрин,
Ёрлик бериб қўйган равиш-рафторин.
Нокаслар қилмоғи мумкин қўзғолон,
Девлар маконидур ул Мозандарон.
Зол букун ўрнимга ўзинг подишоҳ,
Муборак кишвару тахту тож-кулоҳ».
Зол тахтда қолди-ю, жўнаб кетди Сом,
Висол, айшу базм этарди давом.
Рудоба ўлтирар, ёнда Золизар,
Бошига қўйдилар ажиб тожи зар.

Рустами достоннинг онадан туғилиши

Шоду хуррамликда вақт ўтарди соз,
Бошқоронғи бўлиб қолди сарвиноз.
Хусни баҳорига тушгудек ҳазон,
Дилин алам босди, ранж этди макон.
Фавкулодда оғир эрмиди юки,
Қон йиғлар, машаққат чекар ҳар туки.
Кундан-кунга оғир аҳволи чунон,
Юзлар арғувони энди заъфарон
Онаси кўриб дер: «Айт-чи, жон қизим,
Нима бўлди, нечун сўлди гул юзинг?
Рудоба беради онага жавоб:
«Онажон, сўрама, ҳолим кўп хароб.
Уйқусиз сўлғинман, танам пажмурда,
Тирик кўринсам-да, мурдаман, мурда!
Хаёлимда умрим тугаб қолгудек,
Юким оқибатда жоним олгудек!»
Азобда, уйқусиз ўтиб туну кун,
Ниҳоят, ой-куни етишди яқин.
Қориндаги тошми ё катта харсанг,
Ё куйилган яхлит темирдан яланг.
Қийнала-қийнала ҳушидан кетди,
Сарой оҳу войи фалакка етди.
Синдўхт қиз бошида фиғон бошлади,
Юз тирнаб, мушк муйин юлиб ташлади.
Достонга етишди қайғу овози,
Қовжираб қолмоқда ул сарвинози.
Рудоба ёнига келди Золи зар,
Кўзда ёш, дили ғаш, хун тўла жигар.
Мотам ичра қолди яшнаган харам,
Соч юлиб, додлашар, дилда дард-алам.
Бир нарсани эсга туширди Достон,
Бу фикрдан бўлди мушкули осон.
Ул Симуруғ патини айламишди ёд.
Синдўхтга ҳам айтди, ич-ичидан шод.
Олов олдиришди, келтириб манқал,

Симурғ патин ўтга туташтирди Зол.
Қоронғилик бўлди зум ўтмай ҳаво.
Симурғ учиб келди, у – фармонраво.
Булутки, томчиси дур-маржон эрур,
Маржон эмас, балки шавқи жон эрур.
Тавозеъ билан Зол айлади салом,
Анга кўрсатиб кўп иззату икром.
Симурғ унга дейди: «Бу алам недур.
Шер баччасин кўзи ичра нам недур?
Бу кумуш танали моҳиликодан
Бир ўғил туғилгай шерюрак, филтан.
Шер унинг ўпажак хоки пойини,
Чиқарар булутнинг оҳу войини.
Чангални титратар йиртқич арслон
Панжа тишлаб қолар бу бўкирган он.
Елкасини кериб келса паҳлавон,
Кўтарса зарбага гурзи ё гаврон,
Жойидан туролмас ботирлар ларзон,
Ўзин эплаёлмас юрак-бағри кон.
Ақлда мисоли Соми санг бўлур,
Қаҳрда мисоли шери жанг бўлур.
Қомати сарв бўлур, аммо кучи фил.
Найза отса, учиб борар икки мил.
Эл қатори келмас дунёга аммо,
Унга мадад бергай раҳмдил Худо.
Топиб келтиринглар олмосдек пичок.
Билимдон кимсани топингиз шу чок.
Санамни май билан аввал маст қилинг.
Дилидаги алам шаштин паст қилинг.
Табиб ул тиг билан афсун айласин.
Сандукдаги шерни берун айласин.
Она қорни тадбир ила чок ўлур,
Оғриғин ўзи ҳам туймай пок ўлур.
Бир муддат бўялгай қонига тани,
Қориндан олурлар у шербаччани.
Сўнг кесилган жойни тикиб солар чок,
Дилингдан қувилсин қўрқув, ваҳму бок.

Бир гиёҳ этаман, мушк ҳамда оқ сут
Билан кўшиб, туйиб сояда қурут.
Эзиб, суртиб турсанг яра жойига,
Кўрарсан, жуда тез келур жойига.
Сўнг менинг патимдан сурт ўша жойга,
Соямдан сиҳатлик етар ул ойга.
Ғам ема, камдан-кам сендек бахтиёр,
Сўнг шоҳ Манучеҳр ҳузурига бор.
Чунки у бермишдир сенга тожу тахт,
Кундан-кун қулф уриб, гуллаган дарахт.
Асло ғам солмасин дилинга бу қор,
Дарахтнинг шохлари бўлур мевадор».
Шундай дебон узди елкасидан пат,
Қанот қоқиб учди, сочиб шарофат.
Ул патни олди-ю, бориб Золи Сом,
Бажо қилди Симурғ амрин батамом.
Барча кузатарди даволаш ишин.
Кўзлари пурхуну кўнгиллар ҳазин.
Синдўхт кўзларидан тўкар қаро қон:
«Нечук чиқар, дея, биқиндан инсон?»
Етиб келди шул он бир доно ҳаким,
Рудобага май-ла берди у тиним.
Махлиқо биқинин ёрди оғритмай,
Чақалокни олди аста, рапжитмай.
Бола туғилганди безарар, осон,
Таажжубда қолди бутун хонадон.
Ажойиб ўғилки, шер сиёқли шер,
Кўрганлар: «кўёшдан равшаи чехра» дер.
Таажжуб қиларди мардум канизак,
Ҳеч ким кўрмаганди филтали гўдак.
Она ухлар тун-кун шаробдан сархуш,
Юраги сезилмай ётарди беҳуш.
Ярасини тикиб, даво қилдилар.
Симурғ айтганларин бажо қилдилар.
Уйқудан кўз очиб у сарви суман,
Лаб очиб Синдўхга бошлади сухан.
Соқчилар сочишди гавҳару тилло,

Шукрона ўқишди, сақла, раббано,
Онага бердилар у шербаччани,
Бола эмас, балки само гулшани.
Бир кунда бўлибдур бир яшар бола,
Гўё бир гулдаста, савсану лола.
Кулди-ю, кўринди тишлар садафи,
Чехрада намоён шохлик шарафи.
Бирустам – кутилдим – бирустам дсяр,
Шу боис ўғил исми Рустам деяр.
Бир кўрчок тикишар, атласдан тоза,
Шербачча бўйидан олиб андоза.
Ичи савсан жуни, манглайда ноҳид,
Нур сочиб туради ёноғи хуршид.
Билакда аждахо зўри мухайё
Кўлда шер панжаси тополмас даво.
Кўлтуғига олган найзаю ялов,
Бир кўлида гурзи, бирида жилов.
Остида саман от гўё ўйноқлар.
Кетидан саф чекиб кетмоқда лашкар.
Ишлар тугаллангач, суратга кўра
Аждодлардан қолган одатга кўра,
Тева миниб йўлга тушди бир чопар,
Халойикқа сочиб жавоҳиру зар.
Рустамнинг гурзидор сувратин шул он
Олиб кетишдилар Сом бобо томон.
Улуғ бир байрамга тўлди гулистон,
Кобул срларидан то Зобулистон.
Ҳар даштда хонанда най, чангу рубоб,
Тўкин нозу неъмат, шаробу кабоб.
Кириб келди Мехроб Кобулга хўп шод,
Дарвешларга динор, пул сочар зиёд.
Зобулнинг четидан-четига қадар
Созанда, хонанда ҳам ўйинчилар.
Қатгаю кичикни йўқдир фарк қилиш,
Бари бир ўлтирар арқоғу ўриш.
Сўнг Рустам тимсоли бўлган қўғирчоқ,
Сом бобога олиб келинди қувноқ.

Бу тимсолни кўриб кекса ботир Сом,
Нихоятда булди хурраму шодком.
Ирғиб туриб, ундан узмайин кўзин,
Дер эди: «Бу бола нақ менинг ўзим.
Келса ҳам гар бунинг ярим белидан,
Булутлар кутулмас унинг кўлидан».
Хабарчини чорлаб келтирди шул дам,
Бўйини кўмгунча сочдилар дирхам.
Даргоҳни безашди мисоли хўроз.
Чалинди ноғора, ҳар томонда соз.
Сагсоридан тортиб то Мозандарон,
Буюрди безансин, хурраму шодон.
Шаробу хонанда, созандалар жам,
Барчаси сочдилар жавохир, дирхам.
Базму туй бир ҳафта этади давом,
Сўнгра бош хаттотни чакиртирар Сом.
Бахтиёр Золига сзар жавоб хат,
Мактубни безатар мисоли жаннат.
Аввало Тангрига деяро офарин,
Айламиш шод-хуррам бандаси дилин.
Сўнг пахлавон Золга деяро шон-шараф,
Ул ўзи бир тараф, лашкар бир тараф.
Сўнгра чакалокка стади навбат,
Нуру файз шоҳона, пахлавон келбат.
Буюрди: «Сақлангиз фидо айлаб жон,
Бир шикаст кўрмасин гўдак ногаҳон.
Туну кун Худога сиғинган эдим.
Ўғилга ўғил сен ато кил, дедим.
Кўрай дедим Золнинг фарзандини мен.
Ўзим сингари мард дилбандини мен.
Букун белимиз рост, бағримиз бутун,
Килсин Худо унинг умрини узун!»
Чопар уча кетди мисоли бўрон,
Золга етиб келди равшандил, шодмон.
Сомнинг шодлигидан сўзлади бир-бир,
Нечук туй-томошо килди баходир.
Хатин берди ота хирадмандининг.

Бир-бир айтиб берди унинг пандини.
 Бу яхши сўзларни эшитгани чоқ,
 Терисига сиғмай, Зол димоғи чоғ.
 Шодлигига шодлик қўшилиб кетди,
 Шодлигидан боши осмонга етди.
 Талай ою кунлар ўтиб галма-гал,
 Неча сирлар ошкор, неча жумбоқ ҳал.
 Рустамга сут берди ўн доя бирдан,
 Гўдакнинг мояси жанговар шердан.
 Охир етди сутдан ажралмиш вақти,
 Шербаччасин энди нон-гўшгла боқди.
 Бир йўла бўшатар элликта товоқ,
 Одамлар ҳайратдан дея: «Ё Халлоқ!»
 Саккиздан тўққизга қўйганда қадам
 Бир сарви озода бўлганди Рустам.
 Ё нур сочиб турган ситора бўлди,
 Жаҳон аҳли унга наззора бўлди.
 Набира бобосига фарзанд эди.
 Қоматда, билимда Сом монанд эди.

Рустамнинг етти саргузашти достони қисқача баёни

Отасининг ўрнига тахтга ўтирган Ковус шоҳ бутун жаҳонни ўз тасарруфида, деб билади. Кунлардан бир кун улуглар ва яқинлари зарринкор гулшанда ўтирган пайтда бир дев гўзал бир қиз қиёфасида кириб келади ва унинг ҳузурида Мозандарон ҳақида бир кўшиқ куйлайди. Подшо девлар жангига бориб, бу юртни қўлга киритишни истаб қолади. Зол ва бошқаларнинг насиҳатларига қулоқ солмай, лашкари билан Мозандаронга келган Ковусни Деви Сафидшоҳ қўлга олади ва шоҳ кўр бўлиб қолади. Рустам Ковус ҳибсда ётган жойгача бориб, уларни озод қилгунча етти манзилни босиб ўтади. У ҳар бир манзилда бир тўсиқ-қаршиликка ўчрайди. Охир-оқибатда мурод-мақсадига етади ва Мозандарон Эрон ҳудудига қўшиб олинади. Деви Сафид эса, Рустам томонидан ўлдирилади.

РУСТАМНИНГ ЕТТИ САРГУЗАШТИ

Биринчи саргузашт

Рахшнинг шер ила жанг қилгани

Пахлавон отасин бу оламга нур,
Нимрузда қолдириб Рустам кўзгалур.
Тунни кундуз билиб, от чопар эди,
Ҳар кун икки кунлик йўл босар эди.
Шундай йўл босар Рахш, тўхтамас пича,
Ёруғ кундузлару қоронғи кеча.
Очликдан меъдаси қилганда нолон,
Бир даштга етишди, атрофда қулон.
Рахшин тезлаб, шундай бир камчи солди,
Чопишда қулонлар етолмай қолди.
Камон, Рахш туёғи ва Рустам сувор,
Ваҳшийлар кутила олмасди зинҳор.
Шоҳона арконин отиб узоққа,
Дадил бир қулонни солди тузоққа.
Олов чиқариб ўз найзаси билан,
Шоҳу шабба йиғиб, ёндирди гулхан.
Қулонни бепўсту бежон айлади,
Сўнг гулханга тутиб, бирён айлади.
Егач, ҳар томонга отди устихон,
Шул эди қозону ҳамда дастурхон.
Рахш бошидан олди юганин покка,
Сўнг кўйиб юборди яқин ўтлоққа.
Ўзига тўкайда ётоқ жой қилди,
Фалокат эшигин ёмонлик билди.
Шер гўшаси эрди ушбу камишзор,
Ҳатто фил бир камиш узмоғи душвор.
Бир палладан кейин бир дарранда шер
Борарди ўз ини томонга абжир.
Кўрди, камиш аро ётар бир филтан,
Атрофида бир от, ошуфта саман.
«Аввал ўзим урай, десди, дулдулга,
Сўнг суворий ўзи тушади қўлга».

Яшиндек ўзини ўрди Рахш томон,
Рахш ҳам ўтдек ёниб кетди шул замон.
Иккала оёгин даст кўтариб от
Шер бошига солди шер каби, ҳайҳот.
Гарданига солди ўткир тишини,
Бир ўзи бажарди шернинг ишини.
Ерга уриб, уриб юз пора қилди,
Даррандани шундай бечора қилди.
Уйқудан уйғониб Рустами тезчанг,
Кўрдик, ваҳшийга жаҳон бўлмиш танг.
Деди: «Эй Рахш, ақлинг экан бунча хом,
Ким айтди шер билан жанг қил бу айём?!
Агар шер қўлида сен бўлсанг абжақ,
Бу йўлбарс териси, дубилга садақ,
Гурзи, арқон, қилич, найзаю камон,
Мозандарон томон элтардим қай сон?»
Шу сўзларни айтиб номдор баҳодир,
Анча вақт ухлади, бамайлихотир.
Тог ортидан бошини кўтарганда кун,
Рустам хуш уйқудан уйғонди гулгун.
Рахш танин сийпалаб, эгарини урди,
Худони ёд этиб, ўрнидан турди.

Иккинчи саргузашт

Рустамнинг булоқ сувига етишгани

Зарурат йўлидир олдида пайдо,
Кўр-кўрона борар беиғур, беэиё.
Биёбон, кўринмас жонивор зоти,
Қуш учса, куяди пару қаноти.
Жазирама, қуяр чўлу биёбон,
Устидан ўтгандек оловли бўрон.
Рахш ва отлик тили бундай ташвишдан
Осилиб тушгану чиққанди ишдан,
Отдан тушиб, қўлда найзаси билан,
Гандираклар борар, сув деб Таҳамтан.
Ер юзидан истаб, топмай йўлини,

Осмонга кўз тикиб, очди кўлини.
Деди: «Парвардигор, эй одил худо.
Бошимга келтирдинг нечоғлик бало.
Гар бўлмасанг шунча қийноқдан рози,
Тоқатим тоқ бўлди энди, эй қози.
Лек йўлдан толмайман, то, парвардигор.
Шоҳ Ковусни озод этмасанг, зинҳор.
Дев чангалидаги эронларни ҳам
Қутқариб бермасанг, эй Холик эгам!
Сен юзинг ўгирган гуноҳкор улар,
Сенга банда, мутеъ, бемадор улар».
Шу сўзларни айтиб филтан йиқилди,
Ташналик алпга ҳам ўз ишин қилди.
Оловдек тупрокқа йиқилди Рустам,
Ёрилиб кетганди лаби, тили ҳам.
Ўша пайт думбадор чиройли бир қўй
Кўрсатиб ўтарди Таҳамтанга бўй.
Ёввойи қўй йўлин кўриб Таҳамтан,
Сувлоғи қайда, деб ўйлади бирдан.
Яздон инояти – атойи худо,
Худди шу маҳалда бўлди ҳувайдо.
Қиличи дастасин ушлади маҳкам.
Жаҳондор зўрила тикланди шаҳдам.
Бир кўлида қилич, бирида жилов,
Қўй йўлига ўнглаб тушволди дарров.
Йўлда пайдо бўлди бир зилол чашма,
Мағрур қўй ҳам шунга югурди ташна.
Таҳамтан кўзини тикиб осмонга,
Деди: «Эй адолат сочган жаҳонга,
Бу ерда кўринмас ҳеч қўйлар изи,
Менга ҳеш эмас бу ёввойи кўзи.
Танг аҳволга тушиб қолсанг бегуноҳ,
Фақат пок Яздондан излагил паноҳ.
Ким юзин ўгирса одил Худодан,
Ақли жойидамас, буни олсин тан».
Алқорни ҳам чандон айлади дуо,
Деди: «Чарх бошингга солмасин бало.

Йўлингда ўт кўм-кўк бўлсин, илойим.
Бўри юзи сендан терс бўлсин доим.
Ким сенга ўқталса ўқ ила камон,
Камони синсину дили бўлсин қон.
Сен туфайли тирик қолди Таҳамтан,
Бўлмаса хаёли бўларди кафан.
Аждаҳо кўкси жой бўлмаса агар,
Бўри чангалига мубтало бўлар.
Либос пора-пора, сурғалиб бежон,
Ёв топарди шунда Рустамдан нишон».
Забони бўшади чу шукронадан,
Эгарни бўшатди Рахш дурдонадан.
Покиза сув билан танин ювди пок,
Баҳор куёшидек бўлди у тобнок.
Танасин қондириб, овни пойлади,
Камонини тортиб, ўкин жойлади.
Йиқитди қутирган филдек бир қулон,
Бошин кесди, пўстин сидирди чакқон.
Вақт ўтказмай ёқди куёшдек гулхан,
Ўтда кабоб қилди, чиқариб сувдан.
Ҳозирлаб гўшларин ея бошлади,
Ҳатто иликларин қоқиб ташлади.
Пок булоқдан яна қониб ичди сув,
Сероб бўлгач, босди кўзини уйку .
Жанговор Рахшига деди Таҳамтан:
«Дўстлашма, урушма ҳеч кимса билан,
Агар ёв кўринса, мен томон югур,
Шеру девлар билан кўтарма дупур».
Сўнг хотиржам кетди уйкуга бадар.
Рахш айланиб, ўтлаб юрди то саҳар.

Учинчи саргузашт

Рустамнинг аждаҳо билан жанг қилгани

Фил ҳам осмон топмас чун бир аждаҳо
Дашт томондан ярим тун бўлди пайдо.
Шу жойларда ором олар эди у,

Хатто дев келолмас эди рўбарў.
Келиб кўрди, ухлар бир бегона зот,
Ёнида турибди ҳаяжонли от.
«Нима бўлди?» дея фикрга толди:
«Қандай журъат билан бунга келолди?»
Журъат этмас эди келмоққа ҳеч эр,
Хоҳ филу, хоҳ деғу, хоҳи нарра шер.
Бу ерга ҳар кимки келибдур ҳамон,
Қонхўр аждаҳодан тополмас омон.
Аввало Рахш томон юзини бурди,
Рахш ҳам тожгир томон ўзини урди.
Депсинди, ер ёрди у руйин туёк,
Кишнади, овози момақалдирок.
Таҳамтан уйқудан кўзини очди,
Билимдон бошда жанг, хаёли қочди.
Биёбон гирдига ташлади назар,
Кўринмай қолганди девсифат аждар.
Қаттиқ қичқирди у Рахшга: «Бекор!
Бекор айладинг деб уйқудан бедор».
Қайтадан уйқуга ботди Таҳамтан,
Аждаҳо кўринди қоронғу чўлдан.
Рустам ёстиғига Рахш келиб тепди,
Тупроқни тепкилаб, юзига сепди.
Уйқудан дубора уйғонди аранг,
Ғазабдан юзлари олди гулгун ранг.
Чўлни бошдан-оёқ айлади назар,
Қаро тунда бир шай кўрмади дигар.
Меҳрибон Рахш эса, устида бедор,
Деди: «Тун қаросин йўқотмоқ душвор.
Уйқумни неча бор айладинг хароб,
Мени уйғотмоққа этурсан шитоб.
Гар яна кўтарсанг, шундай қиёмат.
Ўткир шамшир бўйнинг узар оқибат.
Мозандарон йўлини тутгум пиёда,
Майли гурзи огир, ўзим афтода.
Сенга делим, агар жангга келса шер,
Сен туфайли унга солурман шамшир.

Демовдим-ку хар дам менга эт шитоб
Шундай юрки, уйкум бўлмасин хароб».
Учинчи бор уйку кўз ўнгин тўсди.
Кўкракда ёпкичи – йўлбарснинг пўсти.
Наъра тортиб келди аждар басма-бас,
Оташ уфурарди олганда нафас.
Алпни уйғотмоққа этмай жасорат,
Ўтлоқда югурар Раҳиш беҳаловат.
Бундай хаяжондан дил тилим-тилим,
Аждардан, Рустамдан кўркув лиммо-лим.
Яна хавотирда Рустамхонидан,
Рустам томон слиб кетди жонидан.
Хуружга келди-ю, тепиб сочди хок,
Такосидан замин бўлди чок-чок.
Рустам уйқусидан уйғониб, бехос,
Яна отга ғазаб кўзгалди паққос.
Хатто отга раззок раҳмин кўзгатди,
Бу сафар аждарни унга кўрсатди.
Қаро тунда уни пайкаб пахлавон,
Ўткир тиғин қиндан чикарди чакқон.
Баҳор булутидек наъра тортган чок,
Замин жанг майдони, ўт бўлди тупрок.
Аждахога деди: «Айтиб қол номинг,
Бундан сўнг жаҳонни кўролмас коминг.
Яхшимас, ажралса менинг дастимдан
Ширин жонидан гар бундай қаро тан».
Хурушга келиб нарра аждар чунон,
Деди: «Кимса мендан топмади омон.
Бу дашт бошдан-оёқ менинг жойимдир,
Баланд осмони ҳам соф хавойимдир.
Бунда йўл йўк бургут паст учишига,
Бу чўл кирмас хатто юлдуз тушига».
Сўнг пахлавонга дер: «Номингни билай,
Тукқанинг тепангда не деб йиғлагай».
Жавоб бериб деди: «Отимдир Рустам,
Аждодларим Достон, Сом ҳамда Найрам.
Бир ўзим татийман бутун лашкарға,

Жаҳонни тенг этгум рӯзи маҳшарга.
Кўрурсан нечук мен килурмен набард,
Жирканч бошинг букун этай гард-гард».
Манфур аждар унга ташланди ёмон
Ва лекин оқибат топмади омон.
Филтанга ёпишди шундай аждаҳо,
Рустам мажакланган кўринар гўё.
Аждаҳо шиддатин кўриб қолди Рахш,
Остида қолганди баҳодир тожбахш.
Қулугин чимирди Рахш, бу не ажаб,
Аждар пўстин шилди тепиб ва тишлаб.
Терисини шундай шилди, хатто шер,
Баҳодирлар унга минг тасанно дер.
Шамшир-ла бошини танидан жудо
Айлади Таҳамтан, қон оқди дарё.
Гавдаси тагида кўринмас тупроқ,
Фақат хун отилиб турган бир булоқ.
Рустам нигоҳ ташлар ул аждаҳога,
Тиг дандон, тан жирканч ичи қарога.
Танаси остида қолмиш биёбон,
Тупроқни бўямиш иссиқ кизил қон.
Таҳамтан ҳайратда қотиб қолди лол,
Худо номин тилга олди у дарҳол.
Сувга тушиб юз-қўл ювди, аввало,
Яздон кўмагисиз татимас дунё,
Сўнг Худога деди: «Эй одил эгам,
Сен бердинг менга куч, билим, шуҳрат ҳам.
Олдимга не келса – шеру деву фил,
Қақраган биёбон ё дарёйи Нил,
Ёвларим биттами ё кўпми охир,
Қаҳрим қўзиб кетса, менга бари бир».

Тўртинчи саргузашт

Рустамнинг жодугарни ўлдиргани

Тамомлаб шукрона ибодатини,
Келтириб эгарлоқ Раҳши отини,

Отга миниб, йўлга бўлди равона,
Жоду диёрига кирди мардона.
Узоқ йўлга жадал кўйди от бошин,
То уфқда кўрди осмон қуёшин.
Дарахт, гиёҳ кўрди ва оби равон,
Мардоналар юрти дегудек макон.
Қирғовул кўзидек бир чашма-кўлоб,
Кўрди киргогида заррин жом шароб.
Қовурилган кийик гўшти ила нон,
Атрофда пишлоғу ёнида туздон.
Рустам кўриб шундай мувофиқ жойни,
Минг шукр билан ёд олди Худойни.
Отдан сакраб тушди, эгарни олди,
Нону гўштга қараб лол бўлиб қолди.
Овқат вақти эди, Рустам келган чоқ,
Дев беркинган эди уни кўрибок.
Чашма агрофига чўқди тап тортмай,
Кўлга олди ёқут коса тўла май.
Май ёнида кўрди бир ажаб танбур,
Гўё биёбонда базм уйи машхур.
Таҳамтан кўлига олиб торини,
Куйга солиб деди дилда борини:
«Ёмонлар вабоси Рустамдир. Рустам,
Шод-хуррамлик кунлар унда жуда кам.
Жанглар майдонидир унинг майдони,
Биёбону тоғлар унинг бўстони.
Рақиби деву нарра аждаҳо,
Дев, биёбондан бўшамас асло.
Маю жому гул ва кўкаламзор
Бахш этмагандир менга рўзигор.
Ҳамиша наҳанг бирла қилдим жанг,
Ёки палангга солдим дадил чанг...»
Ашулани тинглаб жодугар кампир,
Рустам овози, тор куйин бир-бир,
Юзини безатди мисоли баҳор,
Бўлмаса ҳамки унча гулрухсор.
Таҳамтан Худога сано бошлади,

Унга офарину дуо бошлади.
Упа-элик бурксиб, сўраб ижозат,
Рустамнинг ёнига келди касофат.
«Мозандарон чўли ичра дастурхон,
Топмадим май, чолғу, ёш сокий» дебон.
Рангу буй тегиди ифлос жодугар,
Ахриманлигидан Рустам бсхабар.
Кулига бир коса май олиб кушод,
Айлади ул одил кози номин ёд.
Қулоғига Яздон номики етди,
Шу онда чсхраси ўзгариб кетди.
Дилида шукрона, гумони кайда,
Тилида мадхона, дармони кайда.
Худонинг номидан ранги қув ўчди,
Рустамнинг нигохи тез унга кўчди,
Таҳамтан ногаҳон ташлади каманд,
Жодугар бошини этиб олди банд.
Деди: «Кимсан ўзинг, хозир бср жавоб,
Ҳақиқий башаранг кўрсат, иш хароб...»
Камандда кўринди жирканч бир хотин,
Тургани хийла-ю, найрангу, ажин.
Ханжар-ла белидан қок икки бўлди,
Жодугарнинг дили кўркувга тўлди.

Бешинчи саргузашт

Рустамнинг Авлодни асир олгани

Ҳаётда йўл излар кишилардек у,
Йўл томон бсхадик яна бурди рў.
От сакратиб етди охир бир жойга,
Билмас жаҳон нури йўқолмиш кайга.
Зангилар юзидек хар ён қоп-қора,
На ой кўринади, на бир ситора.
Гўёки офтоб ҳам тушмиш арконга,
Юлдузлар йўқолмиш қай бир томонга.
Рахш жиловин қўйиб, олға югурди,
Зимзиё! На тепа, на ариқ кўрди.

Қаро тунга келди ёруғлик бадал,
Яшил экинзорлар мисоли бахмал.
Жаҳон кексалиқдан бўлди навқирон,
Ҳар томон кўкалам, ариқлар равон.
Устида либоси бўлиб кетди сув,
Кўзларини босди чарчоқдан уйку.
Йўлбарс терисини ечиб солди шер,
Босиб кетмиш ҳатто дубулгасини тер.
Ҳар иккисин ёйди офтобга шу тоб,
Ўзи дам олмоққа, уйқуда шитоб.
Рахшидан олинган югану эгар,
Боши оққанича ўт чимдиб юрар.
Шамоллагач, кийди йўлбарс лўстинин,
Йўлбарсдек гиёҳдан этди ёстуғин.
Бош остида қалқон, олдида килич,
Қилич дастасидан олмас қўлин ҳеч.
Кўкат узра отни кўриб посибон,
Дўк уриб сўкарди, алвону алвон.
Югуриб келди Рахш ва Рустам сари,
Аёкқа чўп урди, қолди асари.
Уйқудан уйғонган замони филтан
Боғбон унга деди: «Аё Аҳриман,
Нечун экинзорга отингни қўйдинг,
Меҳнатин қилмайин ҳосилга тўйдинг?»
Оқил мард ғазабга келса ҳам тўзди,
Кўриқчининг икки қулогин чўзди.
Яхши-ёмонликдан бир сўз демаёк,
Қулоқларин узиб айлади чинок.
Посбон қулоқларин олиб қўлига,
Ҳайратда дод солиб, тушди йўлига.
У жой паҳлавонин деярди Авлод,
Шуҳрати таралган, навқирон, шаддод.
Посбон борди Авлод олдига шул чок,
Қўлида узилган иккала қулоқ.
Унга деди: «Девдек одам келмиш бир,
Совути теридан, калпоғи темир.
Аҳриманнинг ўзи у бошдан-оёқ.

Ё совутли аждар қилибди ётоқ.
Бордим, экинзордан ҳайдай деб отин.
Йўлга бўлди у тоғдайн тўскин.
Турди, қулоқларим узди бенидо,
Яна уйқусига кетди аждаҳо».
Авлод сайилгоҳи эди бу ўтзор,
Баҳодирлар бунда қиларди шикор.
Ҳайратда эшитди қўриқчи сўзин
Ҳам ўтлоқда кўрди наррашер изин.
Ботирлар билан от жиловин бурди,
Таҳамтан нишони томонга юрди.
Билмоқ бўлди, келмиш қандай зўравор,
Ёмонлиқ, ғазабга нима сабаб бор?
Жилов тортиб, кескир қиличин олди.
Момақалди роқдек бир шовқин солди.
Яқинлашиб келгач бу икки сарбоз,
Лаб очиб, сўради бир-биридан роз.
«Номинг недур? – аввал сўради Авлод –
Паноҳингни айт, ким сени этар ёд?
Бу ерга келибсан, валломат, нечук?
Девлар маконига бу журъат нечук?
Посбон қулоқларин юлмоғинг недур?
Отинг экинзорга қўймоғинг недур?
Дар-дунёинг қилсам қаро, не бўлур?
Бўркинг қолса тупроқ аро, не бўлур?»
«Номим булут. – деди жавобан Рустам, –
Гар булутда бўлса шер чангали ҳам,
Бошлиқлар бошини эгадур ерга,
Ўк, найза ёғдирар жанговар эрга.
Қулоғингга номим етиб борса гар,
Қонинг тўнғиб, муздек нафасинг ўчар.
Ҳар бир анжуманда филтанли шахбоз
Камон, камандидан тарқалмиш овоз.
Энди сени туккан онанг бечора,
Кафан бичиб, сочин юлса, не чора?
Қошимга келибсан қўшин-ла бу чок,
Осмон гумбазига сочибсан ёнгоқ».

Шундай деб суғурди қиличин киндан,
Бало наҳангини чиқарди индан.
Арқони, сиргмоғи эгар қошида,
Кўзларидан олов, ғазаб бошида.
Кўй сурувига шер ўзини урди.
Атрофда ким бўлса, барини кирди.
Қаттол қиличини силтаган ҳамон,
Кўш-қўш бош узарди гулкайчисимон.
Бошликлар кўзидан тўкиб ёшларин,
Оёқ ости қилди мағрур бошларин.
Баҳодир дастидан кўшин тору мор.
Бари қочди ҳар ён, дилида губор.
Отликлар чангидан ҳаво тим қора,
Тумтаракай бўлди, тўлди тоғ, дара.
Қутирган фил – Рустам сура яна от,
Кўлида арқони, остда тулпор зот.
Рахш Авлодга етиб борганда яқин,
Жиғадор бошига тушди қаро кун.
Узун арқонини отганда Рустам,
Авлод мағрур боши ерга бўлди хам.
Отдан сакраб тушиб, боғлади қўлин,
Ўзи миниб, унга кўрсатди йўлин...
Дедики: «Кўргузсанг сен менга ростлик,
Сўзингда бўлмаса ҳеч каму кўстлик,
Менга берсанг Оқ дев жойидан нишон,
Қайда тутмиш Ғанди, Пулод, Бед макон,
Ковус қайда банди бўлганин охир,
(Бу балолар шундан бўлганди зоҳир)
Кўрсатиб, ростликни қилсанг ихтиёр,
Сўзингда тўғрилиқ бўлса сенга ёр.
Мозандарон шоҳин гурзи, тожини,
Тортиб олажакман бойлик божини,
Садоқатли бўлсанг, адолатга ёр,
Насибанг бўлур тахт ва тожу диёр.
Агар сўзларингда бўларкан риё,
Кўзларингдан оқар кип-кизил дарё».
Авлод унга деди: «Жаҳолатдан қоч,

Хушинг йигиб олиб, кўзинг катта оч.
Ғазабдан кўр бўлиб тўкма қонимни,
Истасанг, берурман сенга жонимни.
Этай сенга қайда Ковус шоҳ асир,
Кўрсатай бу ўлка йўлин бирма-бир.
Дилим айласанг шод, ул Оқ дев уйин,
Кўрсатай Пўлод, Бед ва Санжа кўйин.
Ковус маконига етмоқлик гумон,
Юз фарсанга чидам бермаса раҳмон.
Ул жойдан Девгача яна юз фарсанг,
Етарсан кўн қийин йўлни ўтолсанг.
Икки тоғ ораси – ваҳимали жой,
Кўкидан ўтолмас ҳаттоки хумой.
Икки қоя аро танг қоларли жар,
Тагига қарасанг, бошдан хуш учар.
Жанговар девлардан ўн икки минги
Тоғу дараларда пойлоқчи тунги.
Пўлод, Ганди улар сипоҳдоридур,
Беду Санжа эрса нигоҳдоридур.
Барча нарра девга Оқ дев қўмондон,
Тоғ ундан теракнинг баргидек ларзон.
Кўрсанг азим тоғдек баҳайбат бадан,
Яғринин кенглиги келар ўн расан».
Бу гардан, бу бозу бу отинг билан,
Бу найза, бу гурзи, ғиротинг билан
Неча паҳлавонлар ҳолин этдинг танг,
Аммо яхши бўлмас Оқ дев билан жанг.
Ундан нари тошлоқ, йўлсизлик қиё,
Ёввойи такалар ўтолмас ҳатто.
Ундан ўтсанг келар мавжли бир дарё
Саҳни икки фарсанг, ундан ортик ё.
У ерда шиддаткор соқчи бир дев бор,
Неча нарра девга ўша фармондор.
Уч юз фарсанг юргач, келади бир жой,
У жойларнинг оти Бузгўшт, Нармпой.
Бузгўшдан ўтади Мозандарон йўл,
Бу ҳам жуда огир, машаққати мўл.

Хар ён кезиб юрар суворий аскар,
Минг-мингдур сонига етолсанг агар.
Тиш-тирноғи курол, чўнтакда дирхам,
Бўлмас бирортасин дилида алам.
Ваҳший филлар билан лиммо-лим шаҳар,
Уларнинг сони ҳам бир мингдан ошар.
Ёлғизсан, бўлсанг ҳам гар темирбадан,
Аҳриман эгови айлагай шикан».
Кулди бу сўзлардан Рустам хаҳолаб
Ва Авлодга шундай деди, очиб лаб:
«Агар чиндан бўлсанг сен менга йўлдош,
Аён кўрадурсанки, бу сўкка бош
Ва филтан жаҳонда неларга кодир,
Алпларнинг бошига нелар соладир.
У зафарбахш яздон этса гар кўмак,
Хунару тин ила улашар тилак.
Бир бор кўрса агар дасту зарбимни,
Гурзиму шамширим, моҳир харбимни.
Юраги ёрилиб бадар кочар ёв,
Ажратолмай қайда узанги – жилов.
Қани, Ковус қайда, кутар зориқиб?
Бошлагил, колмасин пойинг толиқиб».
Шундай деб Рахшига миниб олди шод,
Шамолдай тез учиб борарди Авлод.
Тўхтамай каро тун ё ёруғ кундуз,
Етишди бир тоққа номи Испаруз.
Шу ерга Ковус шоҳ тортганди лашкар,
Шунда малъун девлар топганди зафар.
Ярим тундан оғиб, якинлашди тонг,
Чўл жумбишга кирди, эшитилди бонг.
Зўр гулхан ёқилди Мозандаронда,
Шағамлар ёқилди ҳамма томонда.
«Бу қандай жой экан, - деди Таҳамтан, -
Ўт шуъла кўринар ҳамма томондан».
Авлод жавоб бериб, дер: «Мозандарон,
Тун бўйи сергакдир унда посбон.
У срда Аржанг дев то отгунча тонг,

Ўқириб чиқади, урар кучли бонг».
 Ётиб уйку олди урушқоқ Рустам,
 То офтоб ярқираб чикқанда бу ҳам,
 Ўрнидан турди-ю, йўлни чоғлади,
 Авлодни дарахтга маҳкам боғлади.
 Бобоси чўқмори кўлда муҳайё,
 Тушар йўлга, дилда жасорат-зиё.

Олтинчи саргузашт

Рустамнинг Аржанг дев ила жанг қилгани

Бошда дубулгаси, кўлда амуди,
 Йўлбарснинг териси, харбу зарб дуди.
 Аржанг дев томонга буриб юзини,
 Ёв лашкаргоҳида кўриб ўзини,
 Жанговар наърасин тортганда гўё
 Тоғлар ағдарилди, кўпирди дарё.
 Кулогига етгач бундаин сурон,
 Аржанг чодиридан чикди шул замон.
 Рустам отин кўйди мисоли чоқин,
 Бир зумда Аржангга етди у яқин.
 Кулоқ, бош, гарданга солиб у чангал,
 Шердек узиб олди бошини дангал.
 Қаро қонга ботган девнинг бошини
 Иргитди гўдага, йиқиб лошини.
 Даҳшат солди девга Рустам билаги,
 Чўқморини кўриб чикди юраги.
 Қочишарди ўсган ерин этмай ёд,
 Ота этар ўғли устида фарёд.
 Ер, сувни унутиб, қочишар нолон,
 Отаси ўғлига қидирар омон,
 Таҳамтан суғуриб касос шамширин,
 Девдан тозалади шу элат ерин.
 Ботганда жаҳонни ёритган талъат,
 Испаруз тоғига келди валломат.
 Авлоддан арқонни ечиб ташлади,
 Яна ундан савол сўрай бошлади.

Ковус жойин билиб, Рустами номдор,
Югурди вақтини кетказмай бекор.
Олдинда югуриб борарди Авлод,
Унга йўл кўрсатиб дамодам девзод.
Шаҳар эшигидан кирганда тожбахш,
Момақалди роқдек овоз берди Рахш.
Қулоғига етгач бу таниш товуш,
Ишлари анжомин пайқади Ковус.
Эронийларга дер: «Бўлинг хотиржам.
Такдир ёвузлиги топмокда барҳам.
Қулоғимга Рахшдан етди овоза,
Овозадан бўлди руҳ-дилим тоза.
Шундай кишнар эди Қубод замони,
Рустам Турон ила суришган они».
Эрон лашкарида кетди дув-дув гап,
Шоҳ бу асирликка беролмабди тоб.
Қийноқлар олганми ғурур, эс-хушин,
Ё сувга айтарми шохимиз тушин.
Бу оғир аҳволдан қутулмоқ қайда,
Бахт тесқари бўлса, бари бефойда.
Аммо ўқдек етиб келди шул замон,
Ёвни ёндирувчи филтан паҳлавон.
Шоҳ ёнига етиб келганда қайсар,
Севиниб, йиғилди барча сарасқар.
Гударзу Тусу Гев, Баҳром шерюрак,
Густахму Шедушлар олди тўғарак.
Рустам кўп уқириб, шоҳга урди бош,
Ҳол-аҳвол сўради, кўзда жикка ёш.
Ковус шоҳ Рустамни кучоклаб дарҳол,
Йўл машаққатидан айлади савол.
«Жодугарлар ғиж-ғиж қайнар бу даргоҳ,
Рахшингни беркитмоқ зарур, – деди шоҳ, –
Аржангдан бўшади дунё деб хабар,
Ок дев қулоғига етиб борса гар,
Филтан келди деса Ковус ёнига,
Ўт туташар барча девлар жонига.
Жаҳонни тўлдирар девлар асқари,

Бекор кетар қилган ишинг аксари.
Шу ондаёқ йўл ол, дев маконига,
Ўқу найза бирла бориб ёнига,
Худо ёринг ўлса, ол ундан қасос,
Жодугар бошини қаро ерга бос.
Ўтмоқ керак бўлур канча тоғ-дала,
Ҳар ерда учрагай дев гала-гала.
Олдиндан чиқади кўрқинчли бир ғор,
Эшитдимки, унда хавфли ер бисёр.
Посбон девлар жилмас ғорнинг оғзидан,
Ким келса, Қоплондек олар бўғзидан.
Шу ғор ичида Оқ девнинг даргоҳи.
Қора дев лашқарин пуштипаноҳи.
Балки насиб этар сенга бу зафар,
У ўлса сардорсиз қолади аскар.
Сипоҳим кўзи кўр бўлди аламдан,
Менинг кўзим хира бу қайғу-гамдан,
Табиблар дедилар бу мард имкони –
Оқ девнинг юраги, мияси, қони.
Шундай деган эди фарзона табиб:
Оқ девни ўлдириб қонидан тотиб.
Томизсанг уч қатра кўз ичра агар,
Хиралиқдан асло қолмагай асар».
Жангга ҳозирланди филтанли қўтос,
Жойидан жилди у алпларга хос.
Эронийларга дер: «Бўлингиз хушёр.
Оқ дев қасдин бу кун қилгум ихтиёр.
У жанговар филу уста жодугар
Атрофин ўрамиш бесанок лашқар.
Гарданим қўлида эгилса ногоҳ,
Сиз узок қолурсиз тақдири сиёҳ.
Агарда пок яздон бўлса мададкор,
Менга бахт юлдузин айласа у ёр.
Қайта насиб этар бизга еру тахт,
Қайта барг ёзади шоҳона дарахт».

Еттинчи саргузашт

Рустамнинг Ок девни ўлдиргани

Жанговар камарин боғлабон махкам,
Жанг хаёли ила йўл олди Рустам.
Олдида борар йўл кўрсатиб Авлод,
Рахши сиб борар эди мисли бод.
Рахши етиб келган жойи Хафти кух,
Атрофида девлар гуруху гурух.
Тагсиз ғорга етиб келганда Рустам,
Кўрли, дев лашкари атрофида жам.
«Эй Авлод, ҳар неки сўраган бўлсам,
Жавобинг рост чикди, – дер эди Рустам.–
Йўл кўрсатиб, сирни очиб бер, Авлод,
Энди Ок девни ҳам этайлик барбод».
Авлод аста деди: «Қачонки офтоб
Кўтарилса Ок дев кўзин босар хоб.
Сен Ок дев устидан топурсан зафар.
Бир оз сабр килиб, туrolсанг агар.
Шунда ёринг ўлса гар парвардигор,
Шубҳасиз зафар ҳам бўлур сенга ёр».
То кўтарилгунча баланд офтоб.
Рустам ҳам ҳамлага қилмади шитоб.
Дарахтга боғлади Авлодни махкам,
Рахшга ортди камон, камандини ҳам.
Наъра тортди номин айтиб, раъд мисол,
Қиндан суғурилди наҳанги каттол.
Сипоҳга гирдибод шамолдек кирди,
Кескир пўлат ила бошларин кирди.
Ҳеч бири келолмай колди рўбарў,
Дуч келгани ундан тополмай обрў.
Бундан Ок дев сари айлади шитоб.
Мисоли мунаввар оловли офтоб.
Бир чоҳга дуч келди худди жаҳаннам,
Девлар кўринмасди коронғи, пасткам.
Бир дам хайрон турди, қўлида курол,
Бунда на урушмоқ, на қочмоқ маҳол.

Киприкларин ишкаб ювиб кўзини,
Ғор эшигин топди ростлаб ўзини.
Қоронғуда кўрди тоғдек бир тана,
Ғор йўлини тўсиб, ётар росмана.
Тани тундек кора, сутдек оқ сочи,
Жаҳонни тўлдириб, ётар кулочи.
Ғор ичида ухлаб ётарди сокин,
Рустам ўлдирмокка шошмади локин.
Наъра тортди Рустам мисоли паланг,
Дев чўчиб уйғонди ва бошлади жанг.
Рустамга ташланди каро тоғсимон,
Темирдан кудоҳи, темирдан қалқон.
Тегирмон тошидек тош олиб азот,
Булутдек сурилди Рустам сари бот.
Филтаннинг юраги шиғиллаб кетди,
Гўёки ҳаёти сўнгига етди.
Ғазаб ўраб олди гўшна шер дилин,
Қилич солди девга, мўлжаллаб белин.
Таҳамтан зарбидан узилиб тушди,
Бир оёғи яна бўксасин гўшти.
Олишаверди у жароҳат билан,
Қутурган фил, шердек важоҳат билан
Бир оёқда туриб чунон жанг қилар,
Бутун ғорни айлаб у зеру забар.
Таҳамтанни йикмок бўлиб пойидан,
Сиқиб олди маҳкам гардан жойидан.
Ваҳшиёна гўштин узар бир-бирин,
Бўлиб кетди балчик саросар замин.
Таҳамтан дер: «Агар кололсам омон,
Абад кўрмагайдур завол жисму жон».
Ўзича дер эди у деви Сафид:
«Наҳотки, узармен ҳаётдан умид!
Узилган оёғим, пора пўст билан,
Бўшатса эди гар мени филбадан,
Мени катта-кичик, қилса ҳам ҳавас,
Қочардим, тополмас эди бирор кас».
Шу сўзларни Оқ дев зикр этиб секин,

Синик дилга таскин берар шу йўсин.
Қизишдан-қизирди ҳамон олишув,
Қизил кони дарё, тер окар дув-дув.
Тахамтанга мадад Худо қуввати,
Узок вақт олишди, ёниб нафрати
Ва охир бу нафрат, бу қувват бари
Қизитди Тахамтан балоқуш сарин.
Ўзидан аччиғи келиб нарра шер
Девни узди срдан ва тишлатди ср.
Суғурди кинидан пўлат ханжарин,
Ўйиб олди девнинг сиёх жигарин.
Тўлиб кетди ғорнинг ичи лошига,
Ва айланди конли булок бошига.
Келиб счди Авлод кўлин бандини,
Ўраб жойлади Кай шоҳ камандини.
Бериб дев жигарин Авлод кўлига,
Тушиб кетди Ковус шоҳи йўлига.
Шу пайт Авлод деди: «Ки эй нарра шер,
Тиғ бирла жаҳонни забт этолган эр,
Танамда арконинг нишонаси бор,
Борурман сиртмоғинг судраб бемадор.
Мени эзгу ишга чорлаган эдинг,
Дилимни умидга ёрлаган эдинг.
Урушқоқ арслон изидан тоймас,
Сенингдек шоҳсиёк сўзидан тоймас».
«Мозандарон срин, – дер эди Рустам,
Сенга топшираман, бўлғил хотиржам.
Билиб кўйки, шернинг яна қасди бор.
Бу ишнинг хали кўп баланд-пасти бор.
Мозандарон шоҳин тахтидан йикиб,
Қаро гавдасин ҳам чуқурга тикиб,
Ҳазор-ҳазор девлар уйини бузиб,
Қилич бирла зор-зор бошини узиб.
Кейин ссени бунда ҳукмрон этай,
Ўз сўзимни бажо айлабон кетай».
Кейин борди Ковус подишоҳ томон,
Изи бахт ташувчи бу шери жаён.

Алллар тортди қувонч наърасини боз,
Соғ-омон келди, деб Рустами шахбоз.
Уни мактаб бари чопди қошига,
Сухан дурларини сочди бошига.
Баходир деди: «Шоҳи дониш назир,
Жазосин олди ёмонлар, ахир.
Ўйиб олдим ўшал Ок девдан жигар,
Шоҳи энди ундан умидин узар.
Жигарни келтирдим, ҳашаматли шоҳ,
Не фармон бўлур эмди, эй додгоҳ».
Деяр офарин унга Ковус шоҳ:
«Сенингсиз кетиб эрди тожу сипоҳ,
Сенингдек ўғилни этолган ато
Онанинг бошига нур сочсин Худо.
Ҳазор офаринким, отанг Золи зар
Тутар Зобулистон ерин безарар.
Сенингдек баходир топилмас чунон,
Агар гардиш этсанг, саросар жаҳон.
Равон ўзгалардан бу бахтим меним,
Жаён филдан обод шу тахтим меним».
Қачон офариндан халос ўлди Кай,
Деди: «Энди кел, эй баходир атай.
Ўшал девнинг қонин кўзимга кетур,
Бутун анжуманинг кўзлари сўкир.
Агар кўролсак биз дийдоринг яна,
Жаҳондор бўлгайдир ҳамкоринг яна.
Кўзга суртиб девнинг хунин кекса-ёш,
Ярақлар нигоҳи мисоли қуёш.
Тагига қўйилган баланд тахти ож,
Тахт узра нур сочиб ёнар зарли тож.
Мана Кай Ковус боз етди бахтига,
Чиқиб олди Мозандарон тахтига.
Фарибурзу Гударз, Тусу Гев, Баҳром
Ва Гўргину Геву Фарходу Руххом
Бутун ҳафта қурди базм шоҳи Кай,
Бутун ҳафта тору кўшиқ ҳамда май.
Кейин барча минди эгарга чунон,

Жаҳонжуй баҳодир, черик беомон.
Тутиб бари кўлда гурзию гарон.
Булур Мозандарон йўлига равон.
Чу шоҳ буйруғи-ла кўчиб от-улов.
Қурук тўқай ичра тушганди олов.
Аёвсиз қиличлар тилин кондириб,
Шаҳру кишлок кўймай, барин ёндириб.
Ҳамон тигдан ўтди неча жодугар,
Хунидан шариллаб ариклар оқар.
Қоронғу тушиб бу жаҳон бўлди танг,
Алплар дам олди, тиниб қолди жанг.
Черикка деди: «Шоҳ фармониға хос
Золимларға етди бу вақти қасос.
Бари бошқаларға не қилди, кўриб,
Жаҳон арсасига не экди, ўриб.
Қасоскор қиличдан қирилди кўпи,
Қириш тўхтатилсин оломон тўпин.
Керак битта оқил, ботадбир киши,
Шитоб ва секинлик бўлур қилмиши.
Бориб шоҳи Мозандарон ёниға,
Оро кирсин унинг ҳушу жонига.
Бу иш маъқул ўлди Зол ўғлиға ҳам.
Аъёнлар, яқинлар шод бўлди бирам.
Жўнатмок керак ул ёвуз шоҳға хат,
Дилидан жой олсин надомат фақат».

Ковуснинг Мозандарон шоҳига мактуб юборгани

Оқ шоҳига қаро ҳарфлар қалаб.
Насиҳат битилди, умид ҳам талаб.
Битиб берди хатни ақлли дабир,
Этиб чиқди пасту баландни зикр.
“Ул одил Яздонга минг-минг офарин,
Унинг қудрати-ла яралмиш замин.
Хунар ҳам баланд-паст, ақл ҳам само
Яралмиш унинг зотидан мутлако.

Куёш, ойни кўкда юритар худой,
Ато этди бизга ёмон-яхши рой.
Адолатли бўлсанг ва иймони пок,
Дилинг бўлмагай ҳеч маҳал чок-чок.
Агар бадкиликсан, захар бедаво,
Фалақдан бошинга келар минг бало.
Адолатли бўлса жаҳондор агар,
Унинг буйруғин ҳамма бирдак ўтар.
Ёвуз, касофатга Ҳак, Яздони фард
Жазо берди, девлар бўлиб гарду гард.
Фалак ишларидан бўлса хабаринг,
Ақлу хуш бўлажак сенинг раҳбаринг.
Бюрсин ўзингга диёр, тахту тож,
Букун бизга бўйсун ва келтир хирож.
Қилолмайди кимсанг Таҳамтанга дов,
Демак, айтганимча тўларсан тўлов.
Агар Мозандарон тахтин қилсанг уй,
Бизлар айтган йўлга букун қадам кўй.
Йўк десанг, кўшилуру қон кўз ёшингга,
Ок дев куни тушар нодон бошингга!”
Битирганда хаттот тўкиб меҳрини,
Шоҳлар шоҳи босди амир муҳрини.
Шаҳаншоҳ чақирди, етушди ботир,
Ўзи ел каби тез, ҳар ишга кодир,
Исми эди Фарход, табиати соз,
Юрти улуғлари ичинда мумтоз.
“Бу мактубни стказ девбошга дарров,
Насихату пандин ўқисин ул ёв!”
Шаҳаншоҳ сўзларин эшитган замон,
Ўпиб ерни, бўлди йўлига равон.
Етар бир жойга у Нармпой шаҳри,
Пўлатни чайнашар, гар келса қаҳри,
Оёқлар суяксиз ва ё тасма пой,
Шунинг-чун лақаби эди Нармпой.
Мозандарон шоҳин макони шунда,
Уришқок паланг шер ғаррони шунда.
Бир кишини олдин юбориб Фарход

Келиши хабарин этур шоҳга ёд.
Ковус шоҳ олдидан ақлли чопар
Келганин эшитиб шоҳи жодугар,
Мозандарон шери паҳлавонидан,
Кўшинни сафлади, бари алпбадан.
Улардан танлади ўзи бирма-бир:
“Хунар кўрсатинг, деб буюрди амир,
Деди, эмди кетмас ҳеч бегоналик,
Кўрсатингиз бугун бир мардоналик.
Кўрсатингиз энди паланг одатин,
Ўшал ақли бўшнинг букинг қоматин!”
Ковок уйиб, кутиб олинди Фарход,
Мозандарондан ҳам у бўлмади шод.
Бир баҳодир олиб қўлини чунон,
Сикдики, сингудек бўлди устихон.
Фарход бу синовга этолди токат,
Ранги ўзгармади, букилмас қомат.
Шоҳ ёнига олиб боришди дарҳол,
Йўлдан ва Ковусдан айлади савол.
Сўнг номани олиб очганда дабир,
Мушк иси тарқади, шоҳиси ҳарир.
Муъбад хатни ўқиб, эшиттирган чок
Шоҳ юзи ғазабдан бўлганди оппок.
Таҳамтан ишидан бўлиб у оғох,
Кўзидан тўкиб қон, чекди ўтли оҳ.
Дилида дедики, ботар офтоб,
Кеч кириб босар-ку ҳамма кўзни хоб
Вале ҳеч тинчимас Рустамдан жаҳон,
Унинг номи ўчмас ва бўлмас нихон.
Дилида Аржангу Оппок дев ғами,
Пўлади Ғандию Бед дев мотами.
Ковус номасини ўқитди яна,
Кўзда ёш, дилда ғам гўё пўргана,
Уч кунгача тутди элчини меҳмон.
Шунда казо-казо кичигу қалон,
Тўртинчи кун деди: “Энди жўнаб қол,
Ўшал ақли ожиз шоҳинг йўлин ол.

Билиб кўйсин ўша шоҳи беҳаё.
Хира шиша ичра май ҳам беэё.
Агар тожу тахтда менингдек киши
Кечиб, сенга бошин урса не иши?
Биласенми менинг қайда боргоҳим?
Сонсиз саноқсиздир менинг сипоҳим?
Қаён гар урушга бурар юзини,
Қолдирмас на рангу бўю изини.
Ҳозирлик кўравер, ўтирма беғам,
Уруш бошламоққа кўтардик алам.
Шерсифат суворий солса алоло,
Уйқингдан уйғотар бундайин ғавғо.
Фақат уришқоқ фил мингу икки юз
Сенга бир нафари топилмас ҳануз.
Кўтарай Эроннинг хоку ғуборин,
Билолмай қолурсан тепаю ғорин”.
Бу даъвони Фарҳод эшитган ҳамон,
Хат жавобин олиб, чопди шоҳ томон.
Келиб Фарҳод, айтиб берди бирма-бир,
Не кўриб, эшитди – ҳеч қолмади сир.
“Осмон фаҳмлайди ўзининг бу кас,
Аммо иши пастлик, раъйи ундан паст.
Сўзим эшитмади бир дам бериб тоб,
Назарида жаҳон ҳеч нарса ҳисоб “.
Жаҳондор тўплаб бор баҳодирларин,
Етиштирди Фарҳод берган хабарин.
Юзин бурди Ковус томонга филтан:
“Уятдан қутулсин букун анжуман,
Ўзим элчи бўлай, еткурай паём.
Қиличим қинидан чиқарай тамом.
Бир нома битилсин, шаҳаншоҳга хос,
Ҳар сўзи яшиндек ё кескир олмос.
Букун элчиликка жўнайин ўзим,
Ариқдек окизсин хунин ҳар сўзим”.
Жавобида шундай деди Ковус шоҳ:
“Сен ила жилвадор тожу тахт, сипоҳ.
Ҳам элчим ўзинг сен, ҳам урушқоқ шер,

Курашда чиниккан сен – сарафроз эр”.
 Буюрди: “Боринг тез дабир ёнига.
 Қаламин ўгирсин ўк пайконига.
 Десинким: бундайин сўзни, нобакор,
 Гапирмайди хеч ким, агар акли бор.
 Букун буйруғимга итоат этиб,
 Бўйин товламасдан ишорат этиб,
 Бўйин эгмас бўлсанг, кўшин тортаман.
 Черик ила бошга бало ортаман.
 Ўлиб ётар Ок дев тани мисли тоғ,
 Сенинг миянгни хам чўкир энди зог!”

РУСТАМ ВА СУХРОБ ДОСТОНИНИ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

Кунлардан бир кун Рустам Турон чегараларига овга боради. Бир қанча қулонларни ер тишлатади. Ўт ёкиб улардан бирини лиширади. Уни еб тўйгандан сўнг уйкуга кетади. Шу ердан ўтиб кетаётган отликлар яйловда ўтлаб юрган Рахшни ушлаб Самангонга элгадилар. Уйкудан турган Рустам Рахшни тополмай, уни қидириб Самангонга боради. Самангон шохи ва улуғлари Эроннинг буюк жаҳонпахлавони келганини эшитиб, унга пешвоз чиқадилар ва шоҳ бир кеча меҳмон бўлишини илтимос қилади ва Рахшни, албатта, топамиз дейди. Самангон шохининг кизи Тахмина ярим тунда Рустамнинг хобгоҳига боради ва унга ишк изҳор этади. Натижада, икковлари кўшилишади. Тўккиз ойлан кейин Тахмина бир ўғил туғади. У келбатда бобоси Сомга ўхшар эди. Болага Сухроб деб ном қўйишади. Сухроб ўн тўрт ёшга кирганда онасидан ўз ажлодини билиб олади. У Эрон шохини ўлдириб, тахтни Рустамга олиб беришга ва ундан сўнг Турон шохини хам орадан кўтаришга қарор қилади. Ўзи Туронга шоҳ бўлишни кўзлайди. Ана шу ниятларини амалга ошириш учун Сухроб Эронга қарши лашкар тортади. Ўз шум режалари пайдан бўлган Афросиёб хам ўн икки минг лашкар йиғиб Хуммон ва Бармонлар бошчилигида Сухроб ёрдамига

жўнатади ва уларга ота-бола бир-бирини танишларига йўл қўймасликни топширади ва ота ўғил қўлида ўлдирилишини ўйлайди. Шундан сўнг кечаси яширин ҳолда Сухробни ўлдиришни ҳам буюради. Шундай қилиб, Ковус ва Эронни осонликча қўлга киритишни мўлжаллайди.

Сухроб Эрон чегарасидаги қалъага стиб келади. Унга қарши чиққан Хажир ва Гурдофарид олишиб, уларни мағлуб этади. Бундан хабар топган Ковус Рустамга нома юборади. Шох мамлакат аъёнлари билан маслаҳатдан сўнг Рустамдан бошқа ҳеч ким бу ёш баҳодирга бас келолмаслигига тушуниб этади. Рустам истар-истамас кечикиб стиб келади. Нағижада, ота ва ўғил жанг майдонида рўбарў бўладилар. Сухроб Рустамнинг ким эканлигини билишга интилади. Аммо бунинг иложи бўлмайди. Икковлари жангга киришади. Биринчи курашда Сухроб Рустамни даст кўтариб ерга ётқизади ва ханжар билан бошини танидан жудо қилмоқчи бўлади. Шунда Рустам:

– Бизнинг одатда баҳодир йигит хамроҳини биринчи гал йиққанда ўлдирмайдилар, – деб алдаб кутилиб кетади. Иккинчи дафъа курашга киришади. Бу сафар Рустам Сухробни йиқитади ва шошилинч суратда бағрига ханжар санчади...

“Шохнома”даги энг таъсирчан ва ғамгин бўлган бу дostonнинг кўплаб тафсир ва талқинлари мавжуд.

Недур жанги Сухроб ва Рустам – эшит ,
Кўп эшитдинг, энди бунинг ҳам эшит.
Бу шундок дostonким, тўлуқ кўзга ёш
Ва Рустам ишидан дил бўлуқ харош.
Изғирин ғорати бўлса-ю тайин,
Юлса ғўр мевани ҳали пишмайин,
Ситамқор десамми, ёхуд додгар,
Хунарманд десамми ва ё бехунар?
Ўлим – шафқат бўлса, недур ғам-ситам?
Недур доду фарёд, не оху алам?
Бу сирдан жонгинанг то огоҳ эмас,
Парда орти сирин этмагил хавас.

Бул эшик олдида киши борди кўп
Ва лекин очилмай, солар кўзга чўп.
Ўлим яхшироқми, магарким йўлинг,
Дигар жўйда ором тополмас дилинг.
Ажал кишиларни олмаса нари,
Ер узра сиғарми жавону қари.
Банагоҳ авж олса оташ ва тутун,
Ажабмас, чор атроф бўлса кул-кукун.
Куяр кўпса ўрмон ичинда бу хол,
Ундаги тўнгаку яна навнихол.
Ўлим вақти эсса ажалнинг сли,
Қари-ёшни элтар аёвсиз сели.
Бу дунёда ёшлар кувончи нечун,
Кексалик ўлимга сабабмас бутун.
На тулки қоладир ва на нарра шер.
У на кўрқокни дер, на ботирни дер.
Кетар жойинг охир ўшал жой башанг,
Қазо отига мин, дилинг этма танг.
Билиб кўй, ўлим ҳақ, билиб кўй: бу чин,
Агар ҳақ бўлса, дод-надомат нечун?
Қарими, ёшгами стгани маҳал,
Барин битга билгай аёвсиз ажал.
Имон бўлса кўксинг гар арзандаси,
Надомат недур. эй Худо бандаси?
Бу олам такозо килур ишни бил,
Неки лозим эрса, сен ўшани кил.
Қазонинг ишига тушунмок кийин,
Агар кўксинг ичра киролмабди жин.
Бу дунёда шунга этиб қол жадал,
Етказ яхши номинг, элитса ажал.

Рустамнинг овга чиққани

Азалдан етмишдир бизга бу дoston,
Айтиб берган эди кекса бир дехкон:
Бериб эрди муъбад бу ҳақда хабар:
Тахамтан кўзини очиб тонг-сахар.

Кўнглида кўзгалди овга иштиск,
Бел боғлади, ўкка лик тўлди садок.
Филдек отга миниб, камчи уриб тез,
Тушиб Рахши йўлга этарди ситез.
У дарранда шердек кидирмишди ов,
Туронлар ерига бориб колди дов.
Етиб борганида Турон ерига,
Кулонлар келиб дуч Эрон шерига,
Тахамтан юзи гул каби яшнади,
Кувиб Рахшини, ов кила бошлади.
Кўлда камону ўк, найзаю каманд,
Неча-неча овни этиб олди банд.
Йиғиб хору хошок, шоҳу шаббани,
Чакиб чакмоғини, ёкди гулханни,
Кўриб бир дарахтни ўшал филтан,
Юлиб олиб тагу томири билан.
Ани сих этди-ю, тортилди кулон,
Кабоб килди ўтга тутиб бир замон.
Еди устихондан этин ажратиб,
Иликларин ютди бирма-бир чакиб.
Етиб сув лабига, бўлиб хўп сероб,
Қониб ташналиги, тортди уйку-хоб.
Хабарсизди ширин уйкуда тожбахш,
Чаман ичра ўтлаб юрар эрди Рахш.
Бундан ўтиб колди нақ саккиз нафар,
Туркий суворийлар эрди бу сафар.
Кўриб ўтлок узра Рахшнинг изини,
Кўлга олмоқ бўлиб отнинг ўзини,
Даштда қуршаб унга каманд отдилар,
Тутарга этиб азм, от ўйнатдилар.
От улар сиртмоғин кўрибок бу дам,
Қутирган арслондай урар эрди дам.
Тепиб иккисин айлаб бу ерга паст,
Бирин бошин узди тиши бирла даст.
Ўлди от зарбидан зумда уч киши,
Бароридан келмай туркларнинг иши.
Улардан учтасин кучдию ажал,

Рахшни мушкул эди этмоқлик қамал.
Яна ҳар томондан отишди каманд,
То сиртмоғи Рахшни этгунича банд.
Шаҳарга тутиб юз, суришдилар от,
Кутарди ҳар бирин улкан мукофот.
Кўзин очиб Рустам уйқудан шул он,
Билолмасди Рахши кетибдур қаён.
Атрофни айланди туриб паҳлавон,
Топмади отидан бир ному нишон.
Таҳамтан аланглаб саросимавор,
Самонган йўлини этди ихтиёр.
Ўзига дер: «Бул кун пиёда равон,
Уятдан кутулгум қочиб мен қаён?
Кўп оғир юк-гурзи, найзаю қурол,
Пиёда элтмоғим маҳолдир, маҳол.
Биёбон кезарди не, ёро, қилай.
Йўлиқса агар ёв не чора қилай?
Дегайларми, Рахшин бериб кўлидан,
Наҳот, кетди Рустам уйқу йўлидан?
Не чораки, йўқсул керак кетмоғим,
Алам бирла манзил сари етмоғим.
Тақиб белга гурзи, қилич ва камар,
Юрай, то топайин Рахшимдан асар».
Шу ўйлар билан дил-жигар лахта қон,
Самонганга бўлди буқик қад равон.

Рустамнинг Самангон шаҳрига келиши

Яқин етди Рустам Самангон томон,
Хабар топди ундан аъёнлар ва хон.
Келармиш пиёда ўшал тожбахш,
Чамандан қочганмиш тулпар оти – Рахш.
Улуғлар чиқишди кутиб олгали,
Таҳамтан дилига меҳр солгали.
Дерди паҳлавонни кўриб кекса-ёш:
«Бу Рустамми ёхуд балқиган қуёш?»
Яёв чиқиб кутди Таҳамтанни шоҳ,

Кутлади чекиб саф уни кўп сипоҳ.
Самонгон шоҳи дер: «Бу нечук аҳвол,
Ким этмиш сенинг-ла олишмоқ хаёл?
Бу юрт аҳли сенга бари хайрихоҳ,
Йўруғинг кутишгай, кутишгай паноҳ.
Буларнинг барчаси сенга мунтазир,
Мағрур бу тан, бу бош асиринг, асир!»
Бу гапни баҳодир эшитган замон,
Дилидан йўқолди шаку бадгумон.
Деди шоҳга таъзим ила паҳлавон:
«Кўлдан чиқиб кетмиш отим ногаҳон.
Унда на эгар бор, на бордир юган,
Сўлик ҳам қолибдур, тўким ҳам қишан.
Ариқ ва тўкайдан изи аҳсани,
Самангон етаклаб келибдур мани.
Қилиб ошнолик, топилса гар от,
Тегар ҳаммангизга лойик муқофот.
Тополмас эканман агарда Раҳшни,
Кимнингки боши бор, кутмасин бахшни».
Шоҳ унга демиш: «Эй сарафроз киши,
Раъйингиз бўлурми кимсанинг иши?
Бўлиб бизга меҳмон, сен кўрсликни қўй,
Сенинг раъйинг билан янграр созу куй.
Бу кеч дилни майдан зап шод этайлик,
Юракни аламдан кушод этайлик.
Беролмайди шошмоқ ишингга ривож,
Илон чиккай индан топилса илож.
Нечук Рустам оти қолар ёширин,
Номин айтар эди эл бирин-бирин.
Аё эй хунарманд, эй зўр паҳлавон,
Бил, отингни топиб берурмиз омон».
Инонди бу сўзга шу дам Рустам ҳам,
Дилидан ҳам кетиб, бўлди хуррам ҳам.
Қабул этди шоҳнинг даъватин ўғлон
Ва хуррам базмга бўлишди равон.
Сарпой эрди бул кун баҳодирга жой,
Турарди оёқда тамоми сарой.

Шахар ҳам қўшиндан келишди чандон
Қўноққа муносиб бузурги замон.
Улуғлар бир ажиб мажлис қурдилар,
Ёмонларни бундан нари сурдилар.
Хуш айлаб Таҳамган дилин руду соз,
Жаранглар ўйинда Турону Тароз.
Паричехраларки тутса жоми май,
Тароз кизлари ракс этар тўхтамай.
Баходирни охир босиб кайф, уйқу,
Қўзғолди жойидан аста-аста у.
Муҳайё этишди бир жой шинам, боп,
Сепиб тўшакларга мушк ила гулоб.

Сухробнинг туғилгани

Тўққиз ой ўтганда туғди шох кизи,
Бир ўғлонки, тўлин ой эрди юзи.
Киши кўрса дерки, «Рустаммидур бу
Ва ё Сомми, ёки Найраммидур бу?»
Юзи тоза гулдек, кулумсар мудом,
Шу бобдан бўлганми балки Сухроб ном,
Бир ой ўтиб бир ёш улғайди ўғил,
Мисоли Рустаму Сом ё Золи зар.
Уч ёшда майдонни этди у талаб,
Бешида палангга чиқар тик караб,
Ким билан ўн ёшда агар килса жанг,
Бўлди ҳар пахлавон холи ғоят танг.
Онаси ёнига келиб бир куни
Деди: «Менга айтнинг, онажон, шунин:
Нечун бошқалардан ўсимтой бўйим,
Етар осмонга ҳам узатсам қўлим?
Ойи, айт-чи, қай бир гавҳардан ўзим?
Даданг ким деганга не бўлгай сўзим?
Қачонки этарлар отамдан савол,
Жавобин беролмай тилим бўлур лол.
Агар қолар эрса сир мендан ниҳон,
Қолур сендан холи, аниқ, бу жаҳон».

«Кулок сол сўзимга, – деди Таҳмина, –
Кувон, бўтам, дилда колдирмай гина.
Отанг эрур сенинг Рустами дoston,
Аждодинг Сом, Найрам каби пахлавон.
Сен ул Рустам ўғли ва беҳзоди сен,
Наримон, Сомларнинг чин авлоди сен,
Шунинг-чун осмонга стар бошинг, бил,
Алар номи ила арзир, фахр кил.
Бу олам то бино бўлгандин буён,
Отангдек пахлавон кўрганмас жаҳон.
Фалак кўрмаган Сом ва Найрамни ҳеч,
Улардек сен ҳам бил бу оламни ҳеч!»
У шундан сўнг берди ажиб номани,
Юборганди Рустам ўғлига ани.
Хат бирла уч ёкут ва уч халта зар.
Эрондин юборди ўғлига падар.
Эшитганда ўғил тукканин хотин,
Юборган совғалар бирла бу хатин».
Азизим, сен буни саклагин ёдгор,
Юбормишдир сенга Рустами номдор.
Азиз тутсанг арзир тумордек буни,
Кунингга ярагай охир бир куни.
Яна бир сўзим бор, эшит бобма-боб,
Хабар топмасин бундан Афросиёб.
У Рустамга душман, абад ёв эрур.
Турон иши ундан дод, ингров эрур.
Мабодо у сенга бўлсаю ғаним,
Бошингга ғам солса, менинг ўлганим.
Яна гар хабар топса мендан отанг,
Ки, бўлмиш ишингдан ҳариф холи танг,
Сени чорлаб олгай, менинг жон-дилим,
Дилимни хижронинг килур юз тилим».
Деди унга Сухроб: «Бу дунё аро,
Буни сир тутмоқдан недур муддао?
Улуғлар килурлар қадимдин баён,
Отам ишларидин талай дoston.
Муяссар экан бу баҳодир насаб,

Буни беркитишга, она, не сабаб?
Букун мен баходир Турон эрларин,
Йиғиб, лашкар эткум жаён шерларин.
Этай ҳоли тахтдан ўшал Ковусни,
Эрондан пайини киркай у Тусни.
На Гўргини қолгай, на Баҳром, Гударз,
Этай Густаҳаму Гев бошини дарз.
Саройдан қувилгай Кай Ковус шоҳ ҳам,
Отам насибаси тож ҳам – кулоҳ ҳам.
Бундан кейин азми Турон қилайин,
Шоҳга қараб жазми майдон қилайин.
Зўримдан қулагай тахт, Афросиёб,
Тиғим олдида паст бўлур офтоб.
Қилиб мисли шер жанг, йиғиб барчани,
Эронга мен бекач айлагум сани.
Мен ўғил ва отам Рустами номдор.
Бу оламда қолмас бирорта тождор.
Чикар эрса равшан ой бирла қуёш,
Кўринмайди юлдуз, беролмайди дош».

Сухробнинг Ок қалъага етиб келгани

Бу қоронғуни «Ок» деб, айтишар эди,
Эронийлар умид тутишар эди.
Ҳажир номли одам эди қалъабон
Тирандозу оқил, жўмард, паҳлавон.
Ғаждаҳам ул замон ҳали бор эди,
Адолат, важоҳат, пўлат ёр эди.
Қизи бор – кўп гушна, баходир, гўзал,
Нак учар ел эди от минган маҳал.
Етиб келди Сухроб Ок қалъа томон,
Ҳажир бўл қўшиндан хабар топган он,
Ўзин олди елдек учар отга тез,
Чиқиб бўлди Сухроб билан юзма-юз.
Кўриб гурд Сухробни, Ҳажир этди дов,
Ғазаб тиғин чекди унда беаёв.
Шамолдек чиқиб у ўз сафидан бот.

«Ўлим истаган ким?!» дея солди от.
Келибсанми танхо талаш истабон,
Букун тақдиринг сахт, сен бунга ишон.
Насибанг не, исминг, айтгил, не деяй?
Ўлик лошинг узра киминг йиғлагай?!
Ҳажир найза солди хўп кор жойига,
Вале найза тушди унинг пойига.
Қайтариб найзасин дадил, мисли шер,
Ҳажирнинг белига суқиб найза эр
Эгардан юлиб олди мисли шамол,
Уриб ерга солди буюк тоғ мисол.
Нафас ростлаёлмай Ҳажирдек ғаним,
Дилу жон аламда ётиб колди жим.
Тушиб Сухроб отдан, кесай деб бошин,
Кўриб колди ётган Ҳажир кўз ёшин.
Ҳажир зор тўлганиб, ағнаб ўнг томон,
Дейди: «Эй пахлавон, бер менга омон!»
Кўлин тортди тиғдин бу Сухроби ял,
Ўлимдан бўшатди, насихатга гал...
Кўлу бўйнин боғлаб, юборди шул он,
Узоқдаги аскар ва Ҳуммон томон.
«Ок» калъа ахли бари эр-аёл,
Хуришга келиб, дод айлашар бехол.

Рустамнинг Сухроб билан жанг қилгани

Бориб найза солди сўник журъати,
Она сўзин эслаб ортар хайрати.
Тўкнашув майдонин танлаб тору танг,
Қиска найза билан бошладилар жанг.
Найзалардан кўлда қолганда даста,
От жilовин чапга бурди бир пасда.
Энди ишга солиб хинду қиличин,
Ҳар ён сочишарди оловли учкун.
Бир-бирин емириб тиғ темир тўкар.
Гўёки жаҳонда қиёмат кўпар.
Сўнгра кўлга олиб залвори гурзи,

Бир-бирин саводи, бир-бирин эзди.
Гурзилар ушалиб кетди бу зарбдан,
Отлар холдан тойди бемисол ҳарбдан.
Гандираклаб қолди отлар бечора,
Совутлар йиртилди, зирхлар пора.
Аммо совумади гурдлар ғайрати,
Натижа бермади барин шиддати.
Тана терга ғарку дахан тўла хок,
Ташналикдан тиллар бўлиб чоку чок,
Ахир ажралишди икки муқобил,
Дард тўла ота-ю, аламли ўғил.
Ажиб ишларингга дилим лол, жаҳон,
Ўзинг бор этасан ҳам ўзинг ниҳон!
Нечун бу диллардан муҳаббат йирок,
Ақл юз кўргизмас, хақиқат йирок...
Биёбонда ваҳший, дарёда балиқ,
Таний биледи-ку фарзандин аниқ.
Ғақат одам кўзин хирс номли олов,
Кўр қилиб, танитмас ким ўғил, ким ёв.
Кўнглидан ўтказар Рустам: «Ҳеч наҳанг
Кўрмадим бунингдек эта олсин жанг.
Кўкка чирмашганда ок дев ноласи,
Бу кун ҳушим олди инсон боласи.
Ҳали таралмаган бунинг шуҳрати,
Ҳали маълум эмас ҳеч кимга оти.
Ўлим яхши бундан снгилисам агар,
Қараб турар икки тарафдан лашкар».
Ҳар иккисин оти олса-да ором,
Уруш топмагани хали саранжом,
Ҳар иккиси тенгдан тортишди камон,
Кекса жангчи билан гурди навкирон.
Иккисига ҳам ўк дўлдек тўкилди,
На барс тўн тешилди, на зирх сўкилди.
Иккиси ғазаби қайнади, тошди,
Бир-бирин белидан олишга шошди.
Таҳамтан кўлини узатса тоққа,
Тош қўпорар эди, урди белбокка.

Суҳроб пўтасидан кўтарди азот,
На Суҳроб кўзғалди ва на жилди от.
Қилт этмагач Суҳроб паҳлавон бели,
Шалвиради қолди Таҳамтан қўли.
Суҳробнинг белидан қўлини олди,
Дилига яна кўп шубҳалар солди.
Курашдан мирикди икки шери мард,
Танада хасталик, юзларида гард.
Суҳроб оғир гурзи олиб эгардан,
Туширди мўлжалга олиб нақ гардан.
Қаттик зарбдан қалқиб кетганди Рустам,
Ўзин тутди кифти зирқираса ҳам.
Кулиб, «Эй баҳодир! – дер эди Суҳроб, –
Мардона зарбага беролмадинг тоб!
Чол қадди сарвдек тик бўлса ҳам гар,
Ёш қилигин қилса бетамиз, овсар!»
Иккиси бир-бирин этди ҳақорат,
Жаҳон тор келганди буларга ғоят.
Бирдан иккаласи ўгириб юзин,
Ҳариф қўшинига уришди ўзин.
Таҳамтан кўтариб тиғ Турон томон,
Соларди овдаги қоплондек кирон.
Эрон сипоҳига бостирди Суҳроб,
От жиловин қўйди, тортилди рикоб.
Сипоҳга ўзини урганда бу шер,
Несу нобуд бўлди қанча номдор эр.
Бўридек лашқарга кириб келган чок,
Қатта-кичик бари бўлди тумтарок.
Охир Рустам ўйлаб қолди баногоҳ,
Унга дуч келмасин тағин Ковус шоҳ.
Хунари барқамол турки навнихол,
Қўлидан қутилмоқ шоҳга кўп маҳол.
От бошин бурди ўз лашқаргоҳига,
Дил амри шул: яқин тургай шоҳига.
Сипоҳ ўртасида Суҳробни кўрди,
У тўккан конидан замин лой эрди.
Найзасин учидан томар эрди кон,

Гуё ови барор келган бир коплон.
Қаҳри келди Рустам уни кўрибок,
Наъра тортди, титраб кетди дашту тоғ.
Унга деди: «Эй турк, бсақл хунхор,
Булардан ким сен-ла уришгани бор?!
Нечун бор кучингни менга кўрсатмай;
Қон тўкасан қўтон ичра бўридай?
Унга деди Сухроб: «Туроний сипох
Бу жангдан узоқда эди бегуноҳ.
Ҳеч ким истамайин сен билан уруш,
Сендан бошланди-ку устига юриш».
Рустам деди: «Майли, энди бўлди кеч,
Эрта тиг чекканда олам ёритғич,
Бу майдонда бўлгай ҳам минбар, ҳам дор,
Такдиримиз ечар пок парвардигор.
Она сут оғзингда, қўлингда қурол,
Ҳунарингга балли, кўрмагил завол!
Энди кетдик, эрта тонг отган замон
Яздон иродаси бўлур намоён».

Сухробнинг Рустамни йиқитгани

Қанотин ёзганда олам куёши,
Куйига эгилди тун зоғин боши.
Барс тўнин барига илди Таҳамтан,
Аждар эгариди ўлтирар бўйчан.
Сипохдан уч фарсанг нарида майдон,
Орада кўринмас бирор тирик жон.
Жаҳонга стишди ботирлар шоҳи,
Кўлда гурзи, бошда пўлот кулоҳи.
Беҳад орзу дилга бўлмасин йўлдош,
Дил хирсига бало келадуր подош.
Ул томон базм этиб Сухроби гулру
Акик шароб ичиб, тингларди чолғу.
Хуммонга дер эди: «Ажиб шери мард,
Мен билан баробар киладуր набард.
Бўйи меникидан кам эмасдуր, кам,

Кўркув нима билмас, каттол жангда ҳам.
Менингдек кенг елка, менингдек ёлдор,
Колипимиз бирдек, ё Парвардигор!
Бошдан-оёқ мени ўйга солиди,
Синчиклаб қарасам, аклим толади.
Онам айтган эрса не турли нишон,
Дилим туяр бари бунда намоён.
Гумоним шулдирки, балки у Рустам,
Оламда бунингдек жанг қилувчи кам.
Ўз отам билан жанг қилсам, не бўлур?
Юзи каро бўлиб ўлсам не бўлур?!»
Хуммон унга дер: «Жанг қурганда бозор,
Кўп марта Рустамга дуч келганим бор.
Мозандаронда у нечук жанг қилди,
Гурзиси барчанинг холин танг қилди.
Рахшин ҳам бу отга ўхшашлиги бор,
Аммо Рахш ғайрати бунга эмас ёр».
Сахар билан офтоб урганида дам,
Баходирлар турди уйқудан бардам.
Суҳроб жанг либосин кийгани дами,
Бошда уруш ғами, дилда базм нами.
Гуркираб майдонга кириб келди тез,
Кўлдаги гурзиси зарби мислсиз.
Рустамга гап қотар, лабида кулгу,
Гўё ўтказганлар тунни тинч, тотув:
«Кечанг қандай ўтди, кундан не мурод?
Жангга киришарсен, кўнглингда не ёд?
Балки ирғитарсен чўкморинг осон,
Адоват панжаси ер билан яксон.
Бир коса май тутиб, ўлтирсақ боҳам,
Базм этиб унутсақ қаҳру кинни ҳам.
Жаҳондор олдида қилиб аҳд-паймон,
Кечаги суришдан қилиб пушаймон.
Майли гар бошқалар қилса ҳамки разм,
Сен билан ўлтириб биз тузайлик базм.
Дилим меҳри сенга тушмиш бағоят,
Сен-ла олишмоққа кўймас диёнат.

Пахлавонлар бўлса гар сенга аждод.
Қаршимда айлагил барин бир-бир ёд.
Менинг ила бул кун бўлдинг ҳамнабард,
Номингни беркитмок нечун, бўлсанг мард?
Бобонг Сом эмасми, падаринг достон.
Сенмасми Зобуллик Рустам пахлавон?»
Унга Рустам дер: «Эй шуҳрат қувган эр,
Қай баҳодир бундай бскор гапни дер.
Очик беллашмокка келган эрдим мен,
Менга фириб йўлин ахтарурсен сен.
Мен гўдак эмасман, сен ёш бўлсанг гар.
Гушналикка боғлаб келганман камар.
Талош майдонида ғайрат қилайлик.
Тангри хоҳлагани недур, билайлик.
Хўп кезиб кўрганмен кўп пасту баланд.
Лоф сўзлаб, ҳеч кимса беролмади панд».
Сухроб унга деди: «Эй кекса одам,
Сўзимни олмасанг, жойинг ол шул дам.
Ҳаёстингни конли урушда эмас.
Тинчликда тугат деб килгандим хавас.
Сендекларни кабр ютар бир онда.
Рухинг учиб кетар, тананг зиндонда.
Найлай, бу кун жонинг қўлимда чиндан.
Чиқариб юборгум, тақдир шул экан».
Жанговар отлардан тушдилар ерга,
Пўлот совутларда тушдилар ерга.
Отларини тошга боғлаб келдилар,
Адоватдан дилни доғлаб келдилар.
Олиша кетдилар нақ кутурган шер.
Терга кон котдилар, каро қонга тер.
Сахардан тушгача гох бу, гохи у
Зўр келиб, олишди қилиб ҳою ҳу.
Бир замон маст филдек ташланди Сухроб.
Сапчиди, зўрига шер беролмас тоб.
Рустам белбоғидан азот кўтарди,
Зўридан гўёки ер дарз кетарди.
Сухроб наъра тортди, овозида кин.

Рустамни ирғитди айлаб ерпарчин.
Шер зарбидан ерга кулаган кулон,
Мажолсиз ётарди ерда Тахамтан.
Филдек босиб Сухроб ётар устида,
Ханжар олар жонин олмок касдида.
Рустам назар ташлаб сўз очар базўр:
«Сен хали навкирон, хали кўзинг кўр.
Мен сенга очайми, шергир баходир,
Жавонмардлар аро бор қандайин сир?
Бошкача биздаги ойину одат,
Тантиликдан имон топадур зийнат.
Якка олишувда биринчи бора
Ёвни йикса, ерда ётса бесчора,
Биринчи бор ерга урса лошини,
Адоватдан дарров кесмас бошини.
Агар яна бир бор йикса шери маст,
Қаро тупрок ичра яна этса паст,
Майли, бошин қилсин танидан жудо,
Расму одат шуни этар тақозо».
Шундай хийла билан аждар комидан
Омонлик тополди ночор Тахамтан.
Ёшни ишюнтирди пих ёрган кекса,
Бу сўзлар беҳуда эди-ку йўкса.
Ёшлик бу на ажиб мардлик ва поклик,
Ёшликка йўлдошдир софлик бебоклик.
Бўшатиб юбориб, кетди дашт томон,
Ўтлаб юришарди оху ва кулон.
Шикорга берилди, чикди ёдидан
Кўкси кинга тўлик, ер кучган душман.
Кўпгина вақт ўтди Хуммон мисли чанг,
Пайдо бўлиб деди: «Нима бўлди жанг?»
Хуммонга айтаркан жанг тафсилотин,
Бирма-бир сўзлади ракиб нажотин.
Хуммон деди: «Дариғ, эсиз навкирон,
Жонингдан тўйибсан, сабил бўлиб жон!
Эсиз, бу бую баст, эсиз дасту по,
Эсиз бу яғрину бу тиғи бурро.

Йўлбарсга қўйибсан мохирона дом,
Лек бўшатмоқ нечун? Бу иш жуда хом.
Боқ, бундай беҳуда ишингдан тагин
Бошингга келмасин балодан ёгин.
Доно шох сўзлари ёдимда ҳамон:
«Заиф ёвни писанд қилмаслик ёмон».
Шуни деб жим қолди юраги куйиб,
Ғам чекди, балони олдиндан туйиб.
Унга дер беспарво Сухроб паҳлавон:
«Хушвакт бўл, дилингга қолдирма гумон.
Эртага жанг чоғи етган маҳали,
Чилвирим бўйнида кўрарсан ҳали».
Лашкаргоҳи тамон елиб борарди,
Ғанимга ғазабдан дили ёнарди.
Ракибин кўлидан қутулгани дам
Пўлот тоғдек оғир кўзғалди Рустам.
Тўппа-тўғри юрди оқар сув тамон,
Қайтиб келган эди чикиб кетган жон.
Сув ичди, сўнг ювиб юз-кўз, кошини,
Тангри саждасига қўйди бошини.
«Ёв устидан зафар тилар, кўзда ёш,
Билмас не «мукофот» берар ой, куёш.
Кўйнидан куёши кетишин билмас,
Бошидаги тожи йитишин билмас.
Эшитгандим, унга ёшлиқдан худо
Қувват берган экан, Тенги йўқ асло.
Агар тошга оёқ кўяр бўлса ҳам,
Залвордан оёғи ботарди маҳкам.
Юришга қийналиб, жондан тўярди,
Ҳар қандай орзуни четга кўярди.
Худога ёлворди, кидириб даво,
Факат бир орзуни қилди илтижо:
Кучин бир кисмини қайтариб олсин,
Бу ҳам бошқалардек осон юролсин.
Шунда илтижоси бўлиб ижобат,
Анча камайганди ундаги қудрат.
Мана энди бошга тушиб мушкул иш,

Сухроб ваҳмасидан дили ришу риш.
 Ёлвориб дер эди: «Қудратли илох!
 Бу бандангга ўзинг бўл пушти паноҳ.
 Буқун истагим шул, пок парвардигор,
 Илк кучим қайтмаса ахволим душвор».
 Яна илтимоси Тангрига мақбул,
 Йигитлик кучига тўлди оёк-қўл.
 Арикбошдан келди жаҳонга гўғри,
 Ранг сарик, хаёлчан, ёнарди бағри.
 Маст филдек Сухроб ҳам келди қўйиб от,
 Бир қўлда камону бирида пўлот.
 Шердек наъра тортиб келар паҳлавон.
 Отидан ларзада замину осмон.
 Рустам уни кўриб, тикилиб қолди,
 Сухробдан ажабда хаёлга толди.
 Яна қоматидан олиб андоза,
 Ҳайратда, паришон ғам чекар тоза...
 Сухроб эса уни кўрган замони
 Шўх кулар, кулф уриб ёшлик жавлони.
 Кўрди ўзгаргандек Рустам ўзаги,
 Шуқуҳи, келбати, савлат, билаги.
 Деди: «Шерпанжамдан базўр қутилдинг,
 Бу не журъат, келиб қайта тутилдинг?
 Айт-чи, келдинг яна не хаёл билан,
 Ха, айтмоқчи, рост сўз чикмайди сендан».

Сухробнинг Рустам қўлида ҳалок бўлиши

Яна отларини боғлашиб маҳкам,
 Толе синамоқка қўйдилар кадам.
 Қачонки қаҳр этса гар тақдири шум,
 Қаршисида хатто харсанг бўлур мум.
 Яна бел ушлашиб бошладилар жанг,
 Бел боғлаб, бир-бирин ҳолин этиб танг.
 Сипоҳдор Сухробнинг қудратли қўлин
 Фалак боғлаб қўйган кўринар йўлин.
 Қаҳрли чўзилди Рустам чангали.

Гарданидан олди қонга қонгали.
Ёш қаддини эгди Рустам бехалал.
Қуни битгач тақдир тополмас бадал.
Олиб ерга урди нарра шерсийк
Аммо билар Сухроб, жим ётмас узок.
Қиндан тез чиқариб мисоли аждар.
Ота урди ўғил кўксига ханжар!
Қимки тиғ кўтарса биров жонига,
Замон ташна бўлур унинг қонига.
Сухроб бир тўлғаниб тортди сарин ох,
Унга энди бирдек савобу гунох.
Пичирлар: «Не бўлса ўзимдан кўрдим,
Фалокат қалитин қўлингга бердим.
Сенда ҳеч гунох йўк, бу қинғир фалак,
Ўлимимга сени айламиш дастак.
Ўйнаб юришади барча тенгдошим,
Тупрокка кўмилур навкирон бошим.
Отам нишонасин айтганда онам,
Бу муҳаббат солди бошимга алам.
Падарим дийдори жонимга армон,
Шу армон деб тандан кетар ширин жон.
Минг афсус, захматим бермади ҳосил,
Отам дийдорига бўлмадим восил.
Энди сен дарёда балик бўлсанг ҳам,
Қаро тундек гар ноаник бўлсанг ҳам,
Ё осмонга чиқиб, бўлсанг-да юлдуз,
Покиза бул ердан умидингни уз.
Отам билса – тупрок менинг ёстуғим,
Хуним истаб келар, кўтарар туғим.
Шунча номдорлардан бирорта одам,
Бориб айтса, хабар топар-ку Рустам.
Деяр-ку «номингни тилида такрор,
Такрор айтиб ҳалок бўлди у сарқор».
Гангиб қолди буни эшитиб Рустам,
Қоп-қоронғу бўлди кўзин ўнги ҳам.
Қўл-оёқ бўшашиб тоби ҳам қочди,
Ҳушдан кетиб ётди, сўнг кўзин очди.

Қайта хушга келгач, айлади савол,
Нола билан деди: «Қани, айта қол,
Борми Таҳамтандан сенда бир нишон?
Номи ўчсин унинг бу кундан буён!
Мен – Рустам, ер ютсин мени шул замон,
Мотамимни тутсин Сом ўғли – Достон!»
Наъра тортиб, кони қайнаб, чекар ох,
Сочларини юлиб айлар оху вох.
Рустамни бу ҳолда кўрибок Сухроб,
Яна хушдан кетди юрак-бағри об.
Сўнг охиста деди: «Сен бўлсанг Рустам,
Бадхулқингдан ўлдим, дилимда алам.
Неча кўшин айлаб бўлдим раҳнамо,
Меҳр уйғонмади дилингда асло.
Энди еч танамда совут боғичин,
Синчиклаб қараб, топ калава учин.
Уруш ноғараси чалинган замон,
Онам етиб келди юрак-бағри кон.
Билагимга боғлаб кўйди бир гавҳар,
Дедиким: «Мана бу отангдан асар.
Сенинг билан кетар руҳи равоним,
Керак бўлар, уни асра, ўғлоним.
Букун тақдир экан қолди бу бскор,
Ўғил ўз отасин оёғида хор!»
Ечиб тошни кўрди Рустам бсчора,
Ўз кийимларин ҳам айлади пора.
Дод солар: «О, ўғлим, жону жаҳоним,
Дастимдан ўлдингми, гурд пахлавоним!»
Юзларин юмдалар, тупрок ичра бош,
Сочин юлиб, кўздан тўкар конли ёш.
Сухроб дер: «Йиғлама бундай, жон отам,
Фарёдинг дилимни ўртар яна ҳам.
Энди ғамдан ўзни ўлдирмок нечун,
Тақдир шундай экан, бўлма жигархун».
Кўкни тарк этса-да хуршиди тобон,
Таҳамтан майдондан кайтмасди ҳамон.
Йигирма айғоқчи келди шу замон,

Билайлик, майдонда не хабар дебон.
Икки от турарди, усти чанг, тупрок,
Рустам кўринмасди хеч ерда бироқ.
На эгар устида, на майдон аро,
Кўринмасди филтан, бу не можаро?!
Ўлган ҳисоб этиб тўкиб кўз ёши,
Келган сарбозларнинг айланди боши.
Югуриб Ковусга бердилар хабар:
«Тахтинг бўшаб қолди Рустамдан дигар!»
Лашкарнинг фиғони чиқди фалакка,
Алами ўт солиб лак-лак юракка.
Довулла чалинсин! – деди шох Ковус, –
Кўшинлар саф тортсин, етиб келсин Тус.
Айёрлар юборинг жанг майдонига,
Туронийлар ўнгу сўл томонига.
Бориб билсин Сухроб не билан машғул,
Ҳолимиз бўлмасин йиғламок нукул.
Рустамдек жангчидан айрилсак агар,
Сухробга юзма-юз энди ким чиқар?
Бу аждарга карши турмаган яхши,
Бу жанггоҳга якин юрмаган яхши».
Қулоққа бу шов-шув етишгач, Сухроб
Филтанга пичирлаб киладур хитоб:
«Энди менинг куним битгандан-битди,
Туронликлар иши чаппага кетди.
Бор меҳрингни тўплаб шундай қилки, шох
Туронийлар сори сурмасин сипоҳ.
Мен уруш кидирдим, улар кетимдан
Мени деб чиқишди она юртимдан.
Мен кўп ваъда қилдим севинчу шодлик,
Ҳар бири истади кўнгил ободлик.
Биз қайдан билардик паҳлавон Рустам
Бўла туриб олар жоним ўз отам!
Йўлда бежавотир етиб олишсин,
Яхшироқ назар қил, рози қолишсин.
Қалъада Эроннинг бир боғирн бор,
Камандимга тушган эди зору зор.

Ундан сўрагандим сенинг нишонинг,
Кўз ўнгимда доим номи рахшонинг.
Адаштирди мени унинг ёлғони,
Ер юзидан ўчсин ному нишони.
Ёлғон сўзлаб солди бошга можаро,
Умидим пуч бўлди, сруғ кун каро.
Ким экан биларсан ўшал эрони(й).
Лек менинг-чун азоб чекмасин жони.
Онам айтган нишон кўзим ўнгида
Турса ҳам ишонмай, мана сўнгида
Фалокат бошимда, шум экан ёзик,
Отам дастидан мен ажалга озик.
Чакиндек келдим у кетдим мисли бод,
У дунёда юзинг кўролсам, дил шод».
Аламдан нафаси бўғилди Рустам,
Дилида дуд-олов, кўзларида нам.
Рахши эгарига қўнди мисли гард,
Дили хун, лабида учар охи сард.
Дод солиб лашкарга келди Тахамтан,
Қилмишидан дардга тўлди Тахамтан.
Эронликлар уни кўриш биланок,
Саждада тупрокка сурдилар янок.
Шукрона айтдилар Тангрига минг бор,
Жангдан тирик қайтмиш Рустами номдор.
Кейин кўрдиларким, бош-кўзида хок,
Кийимлари пора, сийна чоку чок.
Сўрай бошладилар: «Ким хушинг олмиш?
Ким сени бундайин аҳволга солмиш?»
Сўзлаб берди қилган ғариб ишини.
Ўзи олганин ўз ўғли хушини.
Бутун қўшин шунда хурушга келди.
Рустам хушдан кетди ва хушга келди.

* * *

Сўнг соҳибдилларга гапирди Рустам:
«Дилим пора бул кун, эзилди таним,
Турон жангин энди қилмангиз ҳавас.

Мен букун кўрсатган ёвузлигим бас».
Завора филтанга келади яқин,
Яқоסי йиртилган, юзлари сўлгин.
Укасин бу ҳолда кўриб баҳодир,
Суҳроб сўзин айтиб берди бирма-бир:
«Пушаймонда қолдим ишимдан бул кун,
Мукофоти оғир бўлди, бағрим хун.
Ўғлимни ўлдирдим қариган чоғим,
Илдизин қуритдим, шу юрак доғим.
Тигимдан ўз ўғлим таслим этди жон,
То қиёмат унга йиглагай осмон!»
Ҳуммонга юборди пайгом чопқиндан,
«Адоват қиличин чекмасмиз қиндан!
Турон лашкарига сен қолдинг сардор,
Хушёр бўл, посбон бўл, туну кун бедор.
Сен-ла жанг ниятим йўқдир, вассалом,
Ортиқчаси ортиқ, гапим ҳам тамом.
Ҳақиқатни ундан бекитиб ёмон
Жонимга ўт солдинг, бағрим тўла қон!»
Сўнг биродарларига дер: «Эй паҳлавон,
Буни тез олиб бор, эй оқил инсон.
Дарё лабигача бирга қил шитоб,
Улардан ҳеч кимга айлама итоб».
Завора от чошиб кетди шул замон,
Рустам сўзин ундан эшигган Ҳуммон.
Унга жавоб берди: «Турк паҳлавони
Суҳробимиз бўлди фириб қурбони.
Дилида ёмонлик сақлаган Ҳажир,
Атайлаб айтмади, ёпиқ қолди сир.
У отасин сўрар, бу товларди бош,
Қалбига жоҳиллик, ёмонлик йўлдош.
Ўшанда етишди бизга шум ўлим,
Бошини кесишга ҳозир ўнг кўлим»
Завора Таҳамтан ёнига келиб,
Бир-бир айтар, келмиш ҳар неки билиб.
Дили тўла гараз Ҳажирнинг ишин,
Замон орғитирганин Суҳроб ташвишин.

Рустам қаҳри қайнаб мисоли оғу,
Кўз ўнгида ёруғ жаҳон қоронғу.
Ҳажир тепасига келди дилда кин,
Ёқасидан олди, қилди ерпарчин.
Чиқарди ёнидан обгун ханжар,
Бир силтаса, бошсиз қолур иғвогар.
Катталар орага тушиб шул замон,
Ўлим чангалидан олдилар омон.
Яна ул айланиб чўл бўронига,
Етушди ярадор ўғли ёнига.
Аъёнлар ҳам келди у билан боҳам,
Хирадманд Тус, Гударз, ботир Густаҳам.
Сардорлар бергали Рустамга таскин
Кетма-кет ечдилар тиллар боғичин.
Бу дардингга даво берувчи Яздон,
Мушқулингни ўзи айлагай осон.
Рустам қўлга олди Исфаҳон пўлот,
Ўз бошин кесмоқчи бўлганди у бот.
Сардору сарбозлар қилиб илтижо,
Туришар кўзда ёш, юраклар бежо.
Гударз унга дейди: «Энди бўлмас суд,
Жаҳонга ўт кўйиб, чиқарсанг-да дуд.
Ўзингга урсанг-да юз тиғу ханжар,
Кўз қоранг бўлурми ундан баҳравар.
Сен қанча уринма, ҳеч фойда бермас,
Агар паймонаси тўлган бўлса, бас.
Жаҳондан букун ул йигит йўқолур,
Қани, айт, ким бунда абадий қолур.
Барчамизни охир ўлим қилур ов,
Жойимиз хоҳ сарой, хоҳ оддий ўтов.
Куни битгач барча ҳаётдан кетар,
Сўнг не бўлур, ҳеч ким тополмас хабар.
Ҳеч кимни қолдирмас бу ўлим ғами,
Ҳар кимнинг бошида бор ўз мотами.
Йўлимиз узоқдир ё бундоқ кўтоҳ
Борар жойимиз бир, барчамиз ҳамроҳ».

Рустамнинг Ковусдан нушдори сурагани

Гударзга юз буриб, дейди шул замон:
“Эй аскарлар фахри, Гударз пахлавон,
Ковус шохга етказ менинг пайғомим,
Бошимга тушган бу каро айёмим.
Ўз ўғлимга ханжар урдим афтода,
Узоқ колмагайман мен ҳам дунёда.
Менинг хизматларим агар этсанг ёд,
Нажоткорим бўлиб, ғамим эт барбод.
Ғазнангда нушдори турар мухайё,
Ҳар қандай касалга бўладур даво.
Наздимда юборсанг бир коса шароб,
Зора шу даводан куз очса Сухроб.
Агар у даводан очса кўзини,
Тахтингга бағишлар мендек ўзини”.

Сипоҳдор келади мисоли шамол,
Ковусга топширар пайғомни дархол.
Ковус унга деди: “Рустами филтан
Обруси наздимда баланд ҳаммадан.
У кўрсатди менга саноксиз хизмат
Ниятим – тушмасин унга мусибат.
Ва лекин давони унга юборсам,
Ёш ўғлин тузатиб, кучайса Рустам,
Сени ҳам бир зумда этадур халок,
Менинг ҳам бағримни этур чоку чок.
Агар менга етса бир дам ёмонлик,
Ундайга не учун берай омонлик?
Қичкирганин кўрдинг: “Ковус ким ўзи?
У шох бўлса недур унга Тус сўзи?”
Сухроб бу важоҳат, маҳобатда бас,
Ҳатто бир ўзи кенг дунёга сиғмас.
Бу қудрат тахтимга қилурми хизмат,
Ҳумой соясини қилурми хурмат?
Эсингдами менга берганди дашном,
Шукух, обрў бари бўлганди ҳаром.
Бағрини тўлдирса бундайин ўғил,

Унда шон-шавкатим кул бўлади, кул,
 Эй кўлни кўрган мард, эси бут одам,
 Хулоса кил, Сухроб сўзларидан ҳам,
 Демиш: “Қирғин солиб Эрони зорга,
 Ковусин осурман тириклай дорга”.
 Агар у коларкан жаҳонда тирик,
 Ундан озор топар катгаю кичик.
 Ўз ёвин парвариш қилган одам хом,
 Жаҳонда чиқарар аҳмоқ деган ном”.
 Гударз кайтиб кетди, тезлаб куюндек,
 Рустам хузурига келди тутундек.
 Деди: “Шохнинг таъби бир ханзал дарахт,
 Хосили захарли мева ҳаммавакт.
 Тўнгликда етолмас унга бирор кас,
 Мардлар хизматин ҳам кадрига етмас.
 Сенинг ўзинг борсанг унинг ёнига,
 Бир оз нур тушарми каро жонига”.

СИЁВУШ ДОСТОНИНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Кунлардан бир кун Тус билан Гев Турон чегарасида бир соҳибжамолни учратишади. Суриштиришса, Афросиёбнинг укаси Гарсеваз авлодларидан экан, она томондан эса Фаридунга боғланар экан. Қиз: Отам маст ҳолда уйга келиб ханжар билан мени ўлдирмоқчи бўлди, ундан кочибу ёқларга бекиндим, дейди. Гев билан Тус қизни таллашиб ўзаро жанжаллашиб қолишади. Шунда хамроҳлардан бири орага тушиб:

– Қизни подшоҳ Ковус хузурига элтинглар, у нима деса ўшани бажаринглар, дейди. Шундай қилишади. Гўзал қизни кўрган Ковус шоҳ: ўзаро ихтилофлар ҳал бўлди, у шоҳга насиб этди, дейди. Бир қанча вақт ўтгач, бу соҳибжамол бир ўғил туғади. Унга Сиёваш (Сиёвуш) деб ном қўядилар: Бир кун Рустам Ковусга:

– Бу гўдакни менга топширсангиз, унинг тарбияси билан ўзим шуғуллансам, – дейди. Бу таклиф шоҳга маъқул

тушади. Зол, натижада, болага барча диний, дунёвий билимларни, жанг усулларини ўргатишади. Орадан бир неча йиллар ўтиб, йигит балоғатга етгач Рустам билан отасини кўргани саройга боради. Шох ва сарой аъёнлари Сиёвушнинг барнолигию донолиги, баходирлигидан лол қолишади. Етти йил давомида подшо ўғлини имтиҳон қилади. Унда мардлик халоллик ва покликдан бошқа нарсани кўрмайди. Саккизинчи йили унинг бошига тож кийдириб Гулистон мулки ҳокимлигини унга топширади. Ковуснинг ёш хотини Судобанинг назари Сиёвушга тушгач, унга ошиқ бўлади ва қўлга туширмоқ учун турлитуман найрангларни ишга солади, ўз хосхонасига таклиф этиб, коми дил хосил қилмоқчи бўлади ва Сиёвуш менга зўрлик қилди, деб дод солади...

Орадан бир неча вақт ўтгач, Ковус ўғли бегуноҳ эканлигига тушуниб етди. Аммо Судоба янги фитна кўзгайди. Бир ҳомиладор аҳриман табиат аёлга зару звар бериб, сотиб олади ва дори бериб боласини туширади. Судоба ўша тушган гўдакни бир тоғорага солиб: мен ҳомиладор эдим, Сиёвуш менга ёпишиб зўрлик қилмоқчи бўлиб, боламни туширди, деб фарёд чекади. Ковус дарғазаб бўлади ва уламоларни йиғиб, маслаҳат солади. Натижада, улар Сиёвуш ўз бегуноҳлигини исботлаш учун улкан тоғлардай ўтинлар ёқилган гулхан ичидан ўтиши лозим. Агар олов уни куйдирмаса, Сиёвуш бегуноҳ ҳисобланади. Ҳақиқатда ҳам, Сиёвуш осмонўпар гулхандан эсон-омон чиқади. Ўша кунлари Турон шоҳи Афросиёб Эронга ҳамла қилади. Сиёвуш Судобанинг фитнасидан қутулмоқ учун ушбу урушда қўмондонликни бўйнига олади. Натижада, подшо уни Рустам ҳамроҳлигида жанг майдонига жўнатади. Булар гуронийларни енгадилар ва улар сулҳ тузишга мажбур бўладилар. Рустам ва Сиёвуш эҳтиёткорлик ва қатъий ишонч хосил қилиш учун Афросиёб қариндошлари ва Турон задаларидан Гургонга юборишларини ва Афросиёб кўчинини Жайхуннинг нариги қирғоғига ўтиб кетишини ва босиб олган ерларини бўшатишини сўрайдилар. Афросиёб шундай қилади ва Сиёвуш сулҳ шартномасига имзо чекади

хамда отаси хузурига нома жўнатади. Рустам номани олиб Ковус даргоҳига боради. Бу хабарни эшитган Ковус ғазабланиб дейди:

– Ўша юз баҳодирнинг бошини олинглар, аҳдномани бузиб, Афросиёбга қарши юриш қилинглар. Афросиёб сизларга совға-саломлар юбориб, хийла билан сулҳга эришибди.

Рустам ғазаб билан саройдан чиқиб кетади. Бу хабар Сиёвушга етиб боради. У ҳангу манг бўлиб қолади. Зе-роки, Сиёвуш сулҳни бузолмасди ҳам, саройга қайтиб боролмасди ҳам. Охир-оқибатда Афросиёбга нома юборишга қарор қилади. У Афросиёбнинг совға-саломларини юз туроний билан қайтариб юборади ва Турон оркали бошқа юртларга бош олиб кетишга йўл беришини илтимос қилади.

Афросиёб сарой донишманди Пирон маслаҳати билан Сиёвушнинг хоҳишини қабул қилади. Натижада уни илик пешвоз оладилар ва ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун кизи Фарангисни унга никоҳлаб беради. Сиёвуш Туронда жаннатмонанд қалъа қурдиради: Афросиёбнинг укаси Гарсеваз унга ҳасад билан қарай бошлайди, қалбида унга нисбатан адоват уйғонади:

“Бу эронийнинг шухрати ошиб борса, сенинг тахтингни тортиб олади”, деган хаёл кечади. Натижада, Сиёвушни хибсга олиб, бошини танидан жудо қилдилар. Пирон кўмаги билан 5 ойлик ҳомиладор Фарангисга зарар етказмайди. У Фарангисни ўз қасрига элтиб, эъзозлаб қарайди. Натижада, ундан энг номдор подшо ва комил инсон Кайхусрав туғилади.

Сиёвушнинг онаси ҳақида хикоят

Муъбад сўзга шундай беради пардоз:
Қичқирган чоғида биринчи хўроз,
Тус бошлиқ Гев, Гударз, бир туп сувори
Йўл олишди мақсад – дағуй шикори.
Боришарди бари отлик, овга шай,

Кетида тозилар, кўлда қарчиғай.
От қўйишиб, анҳор лабида учов.
Хўпам ов қилишди ўлжага чанков.
Илвасинг тўлиб кетди ҳар ён зиқ,
Йиғса бўлар эди қирқ кунлик озик.
Овлок якинида туронлар ери,
Ер юзин қопламиш улар чодир.
Бир ўрмон кўринар узокдан яшнаб,
Туронлар ерининг худудин бошлаб.
Тус ва Гев ўрмонга от қўйиб кетар,
Улар билан бирга бир талай навкар.
Тўдадан ажралиб иккала сувор.
Ўрмонга киришди айлашиб шикор.
Ўрмонда дуч келиб қолди бир маҳал
Икковин бир йўла овлаган гўзал.
Унингдек чиройни кўрмамиш замон,
Хуснидан топилмас қиттак бир нуксон.
Қоматда сарви ноз, юзи мисли моҳ,
Журъат этиб бўлмас ташлашга нигоҳ.
Тус сўз бошлаб, дейди офатижонга:
«Нечук йўлинг тушди каро ўрмонга?»
Жавоб бериб, дейди: «Кеча ўз отам
Уйимдан кетгунча айлади ситам.
Қандайдур базмдан келди тунда маст,
Мени кўриб, бирдан тигга урди даст.
Тандан жудо қилмоқ бўлганди бошим,
Юртим ташлаб қочдим, кўзимда ёшим».
Сўнг ботирлар сўрди: аждодларинг ким?»
Бир-бир санаб деди гули хушбичим:
«Мен ўшал Гарсеваз эшлариданман
Фаридун авлоди хешлариданман».
Деди: «Отим йўлда қолди бемажол,
Қаттиқ чопганимдан йиқилди беҳол.
Безагим бор эди саноқсиз гавҳар,
Бошимдаги тож – им яхлит тоза зар.
Тепа нарёгида келиб кошимга,
Қилич қини билан уриб бошимга,

Ташлади, мен базӯр қутилиб қолдим,
Кўзимдан хун тўкиб, бунда йўл олдим.
Отам кайфи тарқаб, хушга келса гар,
Кетимдан қидириб, юборгай чопар.
Ҳар томон югурар мушфиқа онам,
Уйимдан кетишим истамас ул ҳам».
Гурдлар дилига ўт солди махлико,
Тус бошидан учди бор шарму хаё.
«Бу меники – дейди Нузар ўғли Тус, –
Шитоб этиб келдим мен алалхусус».
«Баробар қолдириб кетдик-ку сипоҳ,
Эй сипоҳ сардори, ҳашаматли шоҳ!»
Дея сўз бермасди ул Гев паҳлавон,
Тус дерди: «Сен олдин келибсан, қачон?!»
Гев эса: «Сўзлама, энди беҳуда,
Мен олдин келдим-ку! – дерди осуда,
Шу бир канизак деб сўзлама ёлғон,
Жанжални майл этмас ҳечам мард инсон».
Кўпол сўз-ла кетиб охир номус-ор,
Қилдилар қиз бошин кесмоқ ихтиёр.
Узоққа чўзилиб кетарди жанжал,
Жанжални бостирди бир сарбоз бу гал:
«Олиб боринг, кўрсин Эрон султони,
Жанжални ҳал қилсин унинг фармони».
Икковига бу сўз туюлди фармон,
От суриб кетишди шаҳаншоҳ томон.
Асира чиройин кўриб Ковус шоҳ,
Ишкида дилидан торгди ўтли оҳ.
Икки паҳлавонга деди шаҳаншоҳ:
«Йўл азоби бўлди сизларга кўтоҳ.
Майли, оҳу бўлсин ё ғазол бўлсин,
Шоҳга яхши тортиқ бундай илвасин.
Энди бу хикоят тилдан тушмагай,
Не ўлжа олмишсиз қўйиб қарчиғай».
Кейин қизга дейди: «Кимдур аждодинг,
Паричеҳраликда кимлар устодинг?»
Қиз дедик: «Онам Туронлик Хотун,

Ота томонимдан аждод Фаридун.
Сипоҳдор Гарсеваз менга бободур,
Унинг ери, суви жойи аълодур».
Шоҳ деди: «Бу мую, бу рую аждод,
Барчасин этмоқчи бўлдингми барбод?
Сенга инъом этай заррин бир сарой,
Ой юзлар бекаси бўл, эй хушчирой!»
Деди: «Тушиш билан сенга нигоҳим,
Саркашлардан сени танладим, шоҳим».
Ўнтадан от билан заррин тожу тахт
Юборилди икки гурдга таппа-тахт.
Қизни ўтқазилди фил тишли тахтга,
Бошида феруз тож, етди не бахтга.
Ясатишди зарбофт, шоҳилар билан,
Феруза, ёкутга ўралди бадан.
Тахт узра ўлтирар, ҳар ён сочиб нур,
Қизил ёкут, ҳали ип ўтмаган дур.

Сиёвушнинг онадан туғилгани

Кунлар ўтиб борар бир-бирин қувиб,
Гулбадан қўрқувда, юздан ранг ювиб.
Айланувчи фалак айланиб гиз-гиз,
Тўққиз ой ўтибди, кунни ҳам тўққиз.
Дедилар: «Суюнчи бер, Ковус подшо,
Худо килди сенга бир ўғил ато.
Маҳлиқо некқадам туғди бир ўғил,
Энди тахтинг булут баробар қургил.
Бир гўдак туғилди мисоли пари,
Санамдек гўзал юз, сиймин пайкари».
Чақалоқдан жаҳон гап-сўзга тўлди,
Чехрасидан сарой чарогон бўлди.
Шоҳ унинг номини деди: «Сиёвахш»,
Оламу осмонни унга этди бахш.
Фолини кўрмоққа машгул мунажжим
Яхши-ёмон кунин ажратарди жим.
Юлдузларни пайкаб ошуфта, бежо;

Бахтин хира кўрди ғамгин, бесадо.
Рохатидан кўпрок кўриб озорин.
Яздонга ҳавола қилди кор-борин.
Барин айтиб берди подшога бир-бир,
Ота билсин, ўглин кутар не тақдир.
Кунлар ўтар эди туткич бермасдан,
Бир куни саройга келиб Таҳамтан,
Деди: «Гўдакни бер менга, Шаҳриёр,
Уни мен тарбия қилмоғим даркор.
Сенда доялар кўп, хунарлари оз,
Жаҳонда топилмас менингдек устоз».
Катта-кичик билан шоҳ ўйлади кўп.
Қайтармокка топмай ҳеч сўз, деди, хўп.
Рустамга топширди кўзи нурини,
Жаҳонгир ўглини, юрак кўрини.
Рустам олиб кетди Зобулистонга,
Унга сарой куриб боғу бўстонга.
Туну кун от, эгар, ўк, найза, каманд.
Аркону, узанги жилов ила банд.
Баъзан базм қилар ҳадиксиз, ёлдор,
Баъзида қарчигай, юз билан шикор.
Сўз тинглар дод-бедод, тахту кулоҳдан,
Базмдан, размдан, сипоҳ, салоҳдан.
Бор хунарни билиб олсин деб ёшдан.
Рустам кўп машаққат ўтказди бошдан.
Сиёвуш улғайди баҳодир, лобар.
Келолмас ҳеч кимса унга баробар.
Гурдлар билан овга чикиб неча бор,
Каманд ила шерни айлади шикор.
Бир куни ул дер: «Эй, сарафроз Рустам,
Энди бориб подшоҳ отамни кўрсам.
Шоҳона хунарлар ўргатиб менга,
Анча меҳнат чекдинг, ташаккур сенга.
Бу кун бир кўрсин-чи жаҳондор отам,
Нималарга мени ўргатди Рустам».
Шердил унинг сўзини тинглаб сарбасар,
Дарров ҳар томонга юборди чопар.

Оту каниз, ғулом нукраю гавхар,
Олтину, мухри тиғ, кулоҳу камар,
Кийим-кечак ҳамда курол ва емиш,
Ғуломлар ишидир борини йиғиш.
Нима топилмаса бисотдан агар,
Бошка ўлкалардан келтирар чопар.
Сиёвушни шундай йўлга солишди,
Қўшинлар кузатиб, караб қолишди.
Шахзода бўлмасин дилгир, деб лутфан
Анча йўлга бирга борди Тахамтан.
Ясатилган эди бус-бутун кишвар,
Шахзодага барча шодлик исташар.
Барча хушвакт эди, тушарди ўйин,
Бошидан сочишар анбару олтин.
Байрамга айланди, барча хуррам-шод,
Тому деворлар ҳам безалган, обод.
Ҳатто от туёғи остида дирҳам,
Эронда топилмас ғамли бир одам.
Отларнинг ёли ҳам таралиб бир-бир,
Сепилган мушк-анбар, заъфару атир.

Судобанинг Сиёвушга ошиқ бўлгани

Шундай ўтар айём, ўтарди рўзгор
Шахзодадан мамнун эди шахриёр.
Бир куни Кай Ковус шахзода билан,
Ўлтирар, Судоба кирди эшикдан.
Сиёвушга тушиб унинг назари,
Ишқидан ўт олди дилу жигари.
Қилдек бўлиб қолди танаси ногоҳ,
Худди ўт олдига келиб қолган ях.
Бир элчи юбориб Сиёвуш томон,
Деди: «Аста гапир, сўзимни пинҳон.
Подшоҳ харамига кирса адашиб,
Ҳеч кимса қилмайди унга таажжуб».
Хизматкор етказган чоғида пайғом,
Ғазабда қайнади бундан ул некном.

Деди: «Мен ҳарамга киргувчимасман,
Бунда достон бўлиб юргувчимасман!»
Судоба тун бўйи кокмайин миҷжа.
Шоҳ ёнига чопди ўтганда кеча.
Деди: «Эй лашкарбош, шавкатли подшоҳ,
Сендекни кўрмаган на хуршид, на мох.
Ер узра ягона оқил фарзандинг,
Жаҳонни шод этар у дил пайвандинг.
Ҳарамга юборгил уни биз томон.
Сингиллари кутар соғиниб чандон.
Унга айт, ҳарамга кириб турсин у.
Сингилларин тез-тез кўриб турсин у.
Сингиллар севишар, йўлда кўзлари,
Соғиниб, йиғидан хўлдир юзлари.
Унга таъзим қилиб бсрурмиз ҳадя,
Муҳаббат дарахти гул очсин дея».
Шоҳ деди: «Сўзларинг тўғри, сен она,
Меҳринг юз онадан ортиқдир яна!»
Сиевушга дейди ул шоҳи жаҳон:
«Қондаги муҳаббат қолмагай ниҳон.
Шундай яратмишдир сени пок эгам,
Меҳр қўяр юзинг кўрган ҳар одам.
Сени Яздон берди, покиза аждод,
Оламда топилмас сенингдек покзот.
Қиттак пайвандлиги бўлса қонида,
Хеш-хешини топар, меҳри жонида.
Ичкарида сенинг сингилларинг бор.
Судоба онадур сенга, менга ёр.
Ҳарамдагиларни бир кириб кўргин,
Хўшлашиб, дейишсин сенга офарин».
Шоҳдан бу сўзларни тинглаб Сиевуш,
Унга хира боқди, бошдан учди хуш.
Бир замон жим ўйлаб, яширди дардин,
Тиришди ювмоққа дилдаги гардин.
Гумони шу бўлди, уни отаси,
Синаб кўрмоқ учун ундар чамаси.
Ўғил эди билгич, одобли, доно.

Хушёр, сергавозеъ, ширинсўз, зукко.
Жим бўлиб сирини ичига югди,
Бу ишнинг охири уни кўрқитди:
Агар ҳарамига кирсам, хайрона,
Судоба кўрсатур ажиб хангома».
Аммо шоҳга жавоб бериб дер: «Эй шоҳ,
Менга сен иноят этдинг тахт-кулоҳ.
Осмоннинг авжидан чикиб офтоб,
Қай ҳудудга қадар ерга берар тоб.
Сендек шоҳни билмас бу егти иклим,
Ишинг оқиллигу, эзгулик, билим,
Сен менга йўл кўрсат донолар сари,
Кўркув нима билмас яктолар сари.
Яна найза томон, гурзи, ўк томон,
Ботирлар сафида тутайин камон.
Ўрганай шоҳликнинг най қоидасин,
Тахту базму чалғу май қоидасин.
Нима ўрганардим ҳарамга кирсам,
Хотинлардан нима ўрганар одам.
Аммо шундай бўлса шохим фармони,
Бош тортмоққа борми қулнинг имкони».
Шоҳ деди: «Доимо дилшод бўл, ўғлим,
Ҳар ишда ақлга бунёд бўл, ўғлим.
Бундай яхши сўзни эшитгандим кам.
Бу сўзлардан ортар руҳ ҳам, ақл ҳам.
Дилингда ёмон ўй бўлмасин, ахир,
Шодликни кўпайтир, андуҳни супир.
Унда ёш сингиллар, бориб ол хабар,
Сени кўрса, хурсанд бўлиб яйрашар».
Сиёвуш унга дер: «Эрта тонг чоғи,
Қилай ҳар на истар шохим димоғи.
Мана мен турибман ҳукминг сўроғлаб,
Фармонингга дил, жон, белимни боғлаб.
Бормоққа буйруғинг билан ҳозирман,
Агарда қулликка бўлсам қодирман».

Судобанинг жодугар кампирдан чора излагани

Судоба билдики, окил шахриёр,
Ишонмай, айлади уни хору зор.
Қаро ниятига тополмай чора,
Яна фириб излаш билан овора.
Ҳарамда у билан яшар бир хотун,
Ичи тула фириб, ранго-ранг фусун.
Ҳомиладор эди, чўнг курсок эди,
Юки кундан-кунга оғиррок эди.
Судоба чакириб, унга сўз деди:
«Бу сирни нихон тут, чорадўз», деди.
Унга олтин бериб, ичирди қасам,
Сирдан вокиф бўлмас ҳеч бани одам.
«Бирор дори билан болангни тушир,
Қорнингни бўшатиб, ўзинг бўл мункир.
Ўзинг енгил тортгил, мени ҳам окла,
Мен ёлғон гапирай, сен мени ёкла.
Менинг болам, дейман Ковусга бебок,
Аҳриман дастидан бўлмишдир халок.
Агар шу сўзимга учар бўлса шох,
Бу ишни килурман шу билан кўтоҳ.
Магар тополмасам шундай бир чора,
Саройдан хайдалиб, бўлғум овора».
Ул деди: «Не қилсанг, сенга бандаман,
Фармонингга ҳозир, сарафкандаман».
Тунда хотун дори ичиши билан,
Аҳриман боласи тушди ичидан.
Икки бола тушди, иккиси девзот,
Кўриниб турарди аҳриман авлод.
Олиб келиб битта заррин тоғора,
Онасин беркитди кўздан маккора.
Тоғорага солиб болалар лошин,
Дод сола бошлади муштлаб ўз бошин.
Саройдаги барча каниз, хизматқор
Судоба бошига югуришди зор.
Тоғорада ётар гўдақлар лоши

Судоба дод солар, дарё кўз ёши.
Ковус қулогига етиб бу товуш,
Уйғониб, билолмас – ўнгими ё туш?
Ундан-бундан сўраб билди шаҳриёр
Шоҳбону бошига не солди рўзгор.
Ғазабга келди-ю, аммо урмас дам,
Эрта тонг хобгоҳга келар, дилда ғам.
Судоба ётарди инграб ўринда,
Одам тўлик уйнинг пасту тўринда.
Икки гўдак ётар, тоғораси зар,
Судоба ётарди юз пора жигар.
Кўзидан тинимсиз тўкиб қонли об,
Деяр: «Энди кўргил мисоли офтоб –
Равшан бўлди унинг бад қилмишлари,
Наздинда фош бўлди унинг ишлари».
Ковус шоҳ дилига оралар гумон,
Чиқару хаёлга чўмар бир замон.
Ўйларди, бу ишга не дармон қилай?
Лозимдир бу ишни тез осон қилай...

Ковуснинг гўдаклар ишнини текширгани

Юрт ҳар бурчагига ташлаб нигоҳ
Барча мунажжимларни йиғди Ковус шоҳ.
Барчасин ўтказиб заррин курсига,
Меҳрибонлик-ла тоб бериб ҳирсига.
Ўз вақтида ул жанг ўтганин жондан,
Сўз сўрар Судоба, Ҳамоварондан.
Шоҳбону ишидан бўлишиб огоҳ,
Одил ҳукм топиб беришса, дер шоҳ.
Сўнгра доноларга сақланг дея сир.
Гўдаклар ҳақида сўзлади бир-бир.
Очиб неча бўлса зиж ёки жадвал,
Ўлтирди бир ҳафта баҳслашиб бу гал.
Охирда дедилар этиб сарҳисоб:
«Заҳар тўлик жомда бўлмагай шароб.
Ўзга пуштидандир бу икки гўдак,

Буларга ота ҳам, она ҳам бўлак.
Бўлса шаҳриёрлар наслидан агар,
Бу туркум юлдуздан осон топилар.
Булардан холидир тамоми осмон,
Ерда ҳам топилмас, барчамиз ҳайрон».
Сўнг жодугар аёл нишонасини,
Сўзлаб ёритишди шоҳ хонасини.
Судоба «адолат!» дея дод солди,
Шоҳ ёнига фарёд кўтара қолди.
Дерди: «Мен розиман шоҳдан не келса,
Мени бу даргоҳдан бадарға қилса,
Ўлик гўдақларим эзар дилимни,
Жоним ҳалқумимда, боғлар тилимни».
Шоҳ унга дер эди: «Тингла, эй аёл,
Сўзларингга ишонч қолмади хиёл».
Даргоҳ соқчиларин барчасига шоҳ
Буюрди: «Қидиририб топилсин бадгоҳ!
Қидиринг шаҳарни, деди саросар,
Топиб келинг, қани, қайда жодугар».
Иш кўрган соқчилар нишонин топиб,
Шоҳга етказдилар хабарин чошиб.
Сургаб келтиришди бадбахт аёлни,
Шоҳ сўроқлай кетди кўриб бу ҳолни.
Аввал яхшилиқча бошлади сўроқ.
Қонидан ҳам ўтди, ҳақ сўзга ютоқ.
Бўйнига олмади жодугар аммо,
Шоҳга ҳақиқатни айтмади асло.
Буюрди: «Жодугар қўлга олинсин,
Не чора бор, бари ишга солинсин.
Ҳақ сўзни айтмаса яна бир карра,
Қоқ икки бўлинсин солиниб арра».
Олиб чиқиб уни шоҳнинг ёнидан,
Сўрашди, умиди борми жонидан.
«Менинг гуноҳим йўк, – дер эди яккаш, –
Не дерман бўлмаса асло дилим гаш?»
«Худо ўзи билар» дея қайтишди,
Бўлган воқеани шоҳга айтишди.

Судобани чорлаб ёнига подшо,
 Мунажжимлар сўзин кўради раво:
 «Жодугар хотиндан бу икки гўдак,
 Ахриман пуштидан иккови бирдак...»
 Судобанинг яна жавоби тайёр:
 «Аслида сир бошка, дсярди айёр, -
 Олимлар тутишар бу сирни ниҳон,
 Сиёвушдан кўркиб гапирар ёлғон.
 Сипоҳдор ўғлингиз филтанли хўкиз,
 Шер титроққа тушар, олдида ожиз.
 Унинг кучи стар, бўлса саксон фил,
 Хоҳласа ғов солар, окмай колар Нил.
 Агар бўлса юз минг шуҳратли аскар,
 Коризор маҳали дуч келса, кочар.
 Нечук бас келайин унга мен заиф
 Қонли ёш тўкаман бунда мунгайиб.
 Юлдузшунос унинг амридан чикмас,
 Ҳак сўзни бекитиб, ёлғон айтар, бас.
 Сен бўлсанг, емайсан фарзандинг ғамин,
 Ёлғиз менга қўйиб алар мотамин.
 Бунда ноҳақликдан айласанг хуноб,
 У дунёда сендан сўрарман жавоб»,
 Кўзидан окизар тинимсиз гулоб,
 Гўё Нил сувига ботарди офтоб.
 Унинг сўзларидан чўкиб дилга ғам,
 Подшо йиғлар эди у билан боҳам.
 Судобани қўйиб юборди хаста,
 Бу иш анжомини ўйлар пайваста.
 Ўйларди: «Текширай бу иш охири,
 Туну кун ухламай, очайин сирин».
 Муъбадларни йиғиб курди маслаҳат,
 Судоба сўзларин айлаб тиловат.
 Донишмандлар дсйди: «Эй шоҳи жаҳон,
 Сипоҳдор ташвиши қолмагай ниҳон.
 Очилмасин десанг гар гапинг ўзани,
 Тошга урмоқ лозим бўлур кўзани.
 Қанчалик бўлмасин фарзандинг азиз,

Дилингни кемирар шубха омонсиз,
Хамоварон шохин қизи моҳдан ҳам,
Кўнгил узолмайсан, хотир эмас жам.
Ҳақиқат талашар экан ҳар иков,
Ҳақу ноҳакни ажратсин олов.
Шундан эрур юксак осмоний фармон:
«Кимки бегуноҳдир етмагай зиён».
Судобани яна чорлар жаҳондор,
Ўғлига ҳам айтар бунда не гап бор:
«Гумону шубҳадан дил ҳозир мажак,
Билолмай қолдим ман: ким ҳақ, ким ноҳақ.
Ҳар икковинг қилсанг ҳақликни гар дов,
Ким ҳақу ким ноҳақ, ажратсин олов».
Яна Судоба дер: «Менинг гапим ҳақ,
Сўзимга ишонгин, подшоҳим, мутлак.
Гўдақлар жасадин кўрдинг-ку, эй шох,
Менда бўлсин яна қандайин гуноҳ?!»
Сиёвушни олов тузатса даркор,
Расво, шармандалиқ қилди нобакор.
Ўғлига юзланиб дер шоҳи замин:
«Сенинг фикринг қандай, сўзла ўспирин».
Отасига дейди шунда Сиёвуш:
«Дўзах азобидан баттар-ку бу иш.
Тоғдек оловдан ҳам ўтганим яхши,
Бу исноддан куйиб кетганим яхши».

Сиёвушнинг оловдан ўтгани

Чулғанар Ковуснинг фикри, ўйи ҳам.
Не бўлур ўғли-ю, хотин шумқадам.
«Икковидан бири чикса нобакор,
Ундан сўнг мени ким атар шаҳриёр.
Бири қоним бўлса, бириси илиқ,
Қай бири ютса ҳам келтирмас шодлик.
Яхшиси, дилимни бу бадхаёлдан,
Чора топиб, поклаб ололсам экан.
Донишманд деганди не хуштил билан:

Шохлик кила кўрма бад кўнгил билан». Буйрук берди: йўлга зуд чиксин сарбон, Тевалар кетурсин чўлдан юз карвон. Карвонлар тинмасдан ташисин ўтун, Баланд олов, кўрсин Эроншаҳр бутун». Юз карвон бўлишиб туялар саман, Ўтин ташиб келди йирок-якиндан. Икки баланд тоғдек уюшди уни, Ҳисоблаб кўришди эню бўйини. Икки фарсанг жойдан кўрар ҳар киши, Иш калитин шундай топмок шоҳ иши. Шундай билмоқчи у ишнинг ростини, Тоқат йўк билмаса каму кўстини. Достонин тингласанг бошидан-оёқ, Хотинлар сўзига солмайсан кулок. Пок аёл тополсанг, этагини тут, Хорлик келтиради, нопокни унут. Алқисса, ўтиндан уйиб икки тоғ, Йиғин зўр, кўрганни босар калтирок, Икки тоғ ораси жуда тангу тор, Базўр ўтар эди ундан бир сувор. Яна фармон берди ул Ковуси Кай: «Ўтинларга қуйинг дея қора мой». Қўлида машъла икки юз киши, Ҳар томондан пуфлаб, ўт қўймоқ иши. Кун юзи тўсилди, бўлди қаро тун. Сўнг шуъла кўринди, таркалиб тутун. Ер юзи ёришди осмон мисоли, Ходалар ёнар хас-сомон мисоли. Тафтидан қовжирар атроф бўстони, Кўкка чирмашади халқнинг афғони. Ота қаршисига келар Сиёвуш, Бошда зар дубулға, қомат анчоб хуш, Чехраси гулгуну жомаси сафид. Лабларида ханда, кўзларда умид. Остида ўйноқлаб турар қора той. Туёғи чангидан пастда қолар ой.

Либосга фаровон кофур сепилган,
Бу одат эмасми кийганда кафан.
Гўё ўт ичрамас, жаннат ичра йўл
Олмоқчи бўлгандек шахзода нукул.
Ковус каршисига келиб тўхтар так,
Саломдан пешана ерга тегар нак.
Ковус шохни қийнар эди шарм-ҳаё,
Сўз бошлар ўғлига юмшок, руҳафзо.
Сиёвуш унга дер: «Тортма кўп андух,
Дунё ишларига айла таважжух,
Шармандалик тушмиш бошимга бу кун,
Майли, ижро бўлсин осмоний ҳукм.
Кутилиб чиқарман бўлсам бегунох,
Бадкор бўлсам, Яздон солмагай нигоҳ.
Яздон юрагимга солмайди ғулув,
Ўзи меҳрибондир, билмайман кўрқув».
Гулхан тепасига келди Сиёвуш,
Адолатли зотдан истаб кушойиш,
Деди: «Омон ўтказ оловдан мени,
Кутқар отам солган тушовдан мени».
Яна канча сўзлаб қилди илтижо,
Ўт ичра от сурди мисли аждаҳо.
Фовур-ғувир, оху войга тўлди дашт,
Халк бундан норози, элнинг дили ғаш.
Судоба эшитиб даштдан оху вой,
Томга чиқди мисли ўн тўрт кунлик ой.
Кўзига кўринди улкан бир олов,
Ғазаб ва кўрқувдан бошлади қарғов...
Ковусга йўналмиш одамлар кўзи,
Дилда норозилик ва ғазаб сўзи.
Сиёвуш отига босганда пошна,
Гўё от бўлганди оташга ошна.
Ҳар ёқдан аланга, дуд ўраб олди,
Сиёвуш ва оти кўринмай қолди.
Халойик кўзида кон ёши билан,
Ютди шахзодани, дейишар, гулхан.
Шу замон гулхандан чиқди шахзода,

Табассум-ла келар марди озода.
Уни кўрибок халк кўтарди шов-шув,
«Шахзода чикибди яна ҳам сулув!»
Гўё кучмиш уни оловмас, суман,
Чиройи очилиб кстибди чаман.
Сувга кирганда ҳам хўл бўлар эди,
Либосин ташвиши мўл бўлар эди.
Бунда на ис теккан, на кора теккан,
Жаннат боғи бўлган бунга бу гулхан.
Пушт-паноҳинг агар Яздон бўлибди,
Боду оташ доми яксон бўлибди.
Кўришиб гулхандан чиққанин омон.
Шодликдан гувиллар шахру биёбон.
Хар ёкда лашкару хар ёкда одам.
Оёқлар остида олтину дирхам.
Шодликка тўлганди жахон саросар,
Шодланар кагтаю кичик баробар.
Етказиш бири бирига мужда,
Гуноҳсизга олов ҳам килур сажда.
Судоба аламдан сочин юларди,
Ёш тўкиб, юзларин тилим киларди.
Сиёвуш келади шоҳ ёнига пок,
Либосида на дуд, на ис ва на хок.
Отидан пиёда бўлди Ковус шоҳ,
Сардорлар пиёда, пиёда сипоҳ.
Сиёвуш кўриб шоҳ олдида ўзин,
Салом бериб, суртар тупрокка юзин.
Ўт-оташ тоғидан ўтиб соғ-омон,
Ғанимлар ниятин айлади яксон.
Шоҳ дейди: «Жаҳонда якто паҳлавон,
Тухминг покизадир ва равшанравон.
Сенингдек отаси, онаси порсо
Фарзандлар жаҳонга бўлади подшо!»
Уни каттик кучиб, олиб оғушга,
Кечирим сўзларин дер Сиёвушга.
Саройга келишиб, ўлтиришар шод,
Бошини касний тож этар обод.

Созандалар келди, куйилди мийно,
Сиёвуш хохиши этилди бажо.
Хазина, омборлар кулф нима билмай,
Уч кун май сузилди, базм пайдар-пай.

Ковуснинг Афросиёб келганидан хабар топгани

Боши-оёк ишққа шўнғиганда шоҳ,
Янги ишдан уни этдилар оғоҳ.
Афросиёб келмиш, аскар юз минг,
Турклардан танланган лашкари юз минг
Бу хабардан Ковус дили тору танг,
Базми тугаб, энди бошланарди жанг.
Каснийларга ким Эронда некхоҳ,
Барини тўплади бир мажлисга шоҳ.
Уларга шоҳ деди: «Бу Афросиёб,
Таркибида йўкми хок, ўт, ҳаво, об,
Яздон уни, билмам, недан яратган,
Ё бошқа уруғдан экиб таратган.
Неча паймон ила ичади қасам,
Гаровга қўяди тилин, дилин ҳам.
Аммо қўшин йиға олса Турондан,
Ўша он қайтади аҳду паймондан.
Ўзим жангга энди чикай, дерди шоҳ,—
Ёруғ кунин унга қилайин сиёҳ.
Номини жаҳондан тамом ўчирай,
Уни камон ўқи каби учирай.
Бўлмаса Эронни вайрон этар у,
Мардумини ғарибу нолон этар у».
Муъбадлар унга дер: «Сипоҳ не учун?
Жангга сен борсанг бу матоҳ не учун?
Не учун бойликни айлабсен барбод,
Хазина эшигин очурсан кушод?
Икки бора шундай тезлигинг билан,
Жангга чиқдинг, асир олди-ку душман.
Бу кун тан-ла бирор улкан паҳлавон,

Ракибга мос келар гурзиси гарон». Уларга шох деди: «Ўзимдан ўзга Унга баробари кўринмас кўзга. Афросиёб менга бопдир, ғам сема, Мен чиқай мисоли сув узра кема. Сизга энди жавоб, мен кенгаш курай, Ўша кенгаш билан ишни биткурай». Яна андишада Сиёвуши Кай, Хасллар чувалик мисоли тўқай. Ўзича дер эди: «Бунга мен борсам, Шох хўп дер, юмшок сўз ила елборсам. Судоба фириби, отам сўзидан, Эхтимол кутулсам кетиб кўзидан. Иккинчи бу ишдан ортар шуҳратим, Шундай лашкарни зер этса журъатим». Шох ёнига борди, белида камар: «Мен борайин, деди, менга бер аскар. Турон шохи ила мен бошлай набард, Паҳлавонлар бошин этай гарду гард». Аммо парвардигор ёзмиши бошқа, Не келса кўнасан фалакдан бошга. Ул ўзи Туронда ажрайди жондан, Шох шундай ажрайди азиз ўғлондан. Алқисса Сиёвуши сўзини падар Маъкул кўриб деди: «Боғлагил камар». Эркалар, ўғлидан бўлиб кўп хурсанд, Отаси кўнглини топгандек фарзанд. Унга дер: «Сеники хазина, гавҳар, Амрингга мунтазир кўшин сарбасар». Чақиртириб келди филтан Рустамни, Паҳлавонлар ичра хотам, ўктамни. Уни мактаб деди: «Хатто ваҳший фил, Сендан ожиз колур, хар бир кўлинг Нил. Сиёвушни ўзинг килдинг парвариш, У сендан жуда кўп хунар ўрганмиш. Темир уйган кондан сочилур гавҳар, Агар сен химмат-ла боғласанг камар».

Сисвуш туради белини боғлаб,
Уришқок шер каби майдонни чоғлаб.
Афросиёб жангин истаб деди сўз:
«У билан бирга бор, товламагил юз.
Қачон сен бедорсан, уйқум хотиржам.
Сен ухлаган чоғда дилда ваҳма, ғам.
Жаҳоннинг тинчлиги гурзинг кучидан,
Фалак моҳи пастдир пайзанг учидан».
«Сенинг қулингман, – дер унга Таҳамтан, –
Фармонинг бажаргум жону тан билан.
Сисвуш кўз нурым, жону жаҳоним,
Унинг тожи эрур менинг осмоним.
Унга офаринлар ўкиб деди шох:
«Ақл бўлсин доим жонингга ҳамроҳ!»

Афросиёбнинг кўркинчли туш кўргани

Ҳали туннинг учдан бири ўтмаёқ,
Шох уйғонди, тани безгақдай титроқ.
Қалтираб, бўкириб, уйғониб кетди,
Унинг дод товуши атрофга етди.
Уйғониб кетишди чўри, ғуломлар,
Шов-шув кўтаришди каниз, маҳрамлар.
Тезда Гарсевазни этдилар огоҳ:
«Ҳоли оғирлашиб инграйди, деб, шох»
Тезда стиб келди шохнинг ёнига,
Оро кирайин, деб унинг жонига.
Тупроқда ётарди, кўтариб олди:
«Нима гап, сўзлагин?» деб сўраб колди.
Шох дер укасига: «Сўрама асло,
Менга бир оз ором бергил аввало,
Сабр эт, йиғволай бир оз эс хушим,
Бағрингга босиб тур, сен яқин кишим».
Бир замон ҳушига келиб кўрди шох,
Атрофин босмишди нола, оҳу воҳ.
Тахтга келтиришди, тутиб қўлда шам,
Титрар терак барги каби ҳали ҳам.

Яна савол берди Гарсеваз номвар:
«Не синоат ўтди, сўзла, биродар?»
Афросиёб дейди: «Накадар мудхиш,
Ҳеч ким кўрмасин бундай кўркинч туш.
Бу кеча кўрганим тушни ҳеч қачон,
На кекса кўргандир, на бир навкирон.
Биёбон ғижи-биж илонмиш, илон,
Ер чангу калхагга тўлиғмиш осмон.
Ҳар ёнда қоялар, чағир тош тоғи,
Гўёки жаҳоннинг солиқ ковоғи.
Бир чеккада турар менинг чодирим,
Атрофда сипохим-ботир, кодирим,
Кўтарилиб шу зум шиддаткор бўрон,
Байроғимни юлиб йикди ногаҳон.
Ҳар томондан оқди дарё-дарё хун,
Қароргоҳ чодирим бўлди сарнигун.
Лашкарим ичидан саноксиз миқдор,
Бошлари кесилган, тана-лоши хор,
Эрон сипохлари мисоли бўрон,
Босиб келар қўлда найзаю камон.
Ҳар найза учида бир бош осилган,
Ҳар ким қўлтиғида бир бош қисилган.
Суворийлар бари тим кора кийим,
Найза-ла тахтимга айлади ҳужум.
Тахтимдан олишиб қўлимни боғлаб,
Сургаб кетишарди, дилимни доғлаб.
Синчиклаб боқардим зор-зор ҳар томон,
Кўринмасди менга қардош бирон жон.
Ковус ҳузурига етказди осон,
Мени югуртириб бир ёш паҳлавон.
Бир тахт эди, ундан паст келарди мох,
Унда ўлтирарди гурд Ковус шоҳ.
Ковус шоҳ ёнига бир ёш хушчиroy,
Йигит ўлтирарди мисли тўлин ой.
Ўн тўртдан ошмасди йигитнинг ёши,
Мени боғлик кўриб, чимрилиб қоши,
Бир наъра тортдию деви ғаррондак,

Тиг билан айлади нак икки бўлак.
Додлаб юборибман оғрик ваҳмдан.
Ўз овозим бедор этмиш уйқумдан».
Гарсеваз унга дер: «Бу шохнинг туши,
Гувоҳлик берадир, яхшидир иши.
Дил коми ҳосили гуллар тожу тахт,
Сенинг ёвларингдан юз ўгирар бахт.
Таъбирчилар чорлаб, тушингни гапир,
Сирни очиб, айлаб беришар таъбир.
Чакирайлик муъбад, мунажжимларни,
Донишманд таъбирчи ва ҳақимларни».

Сиёвушнинг Ковусга мактуб йўллагани

Сипоҳ ила Балхни олгани замон,
Ковус шохга хабар юборди ўғлон.
Мушку анбар эди мактуб сиёҳи,
Шохона номанинг коғози шоҳи.
«Аввал парвардигор номига шукр,
У билан ғалаба ва равшан фикр.
У куёш эгаси ҳам моҳ эгаси,
Тожу тахт бахш этар, кулоҳ эгаси.
Хохлаган кишисин айлагай баланд,
Бошқасин мотамда этар У. дардманд.
У билан ташламоқ, тортишмоқ нечун,
Ўзи йўллар эрса ақл раҳнамун.
Бу сруғ жаҳонни яратган ўзи,
Ошқору ниҳонни яратган ўзи.
Шаҳаншоҳимизга шон-шараф бўлсин.
Иш охири яхши, кўнгиллар тулсин.
Балхга келдим шоду кулган бахт билан,
Жаҳондор икболи, тожу тахт билан.
Уч кун давом этди кирғинли уруш,
Тўртинчи кун худо қилди парвариш.
Сипаҳраму Тирмид, Бормондек ботир
Қочишди мисоли ёйдан учган тир.
Жайхунгача етмиш бу кун сипоҳим,

Жаҳонга соясин солмиш кулоҳим.
Афросиёб Суғдда лашкар билан хун,
Орамиз ажратиб оқади Жайхун.
Бу ёқда турибман буйруғинг кутиб,
Амр этсанг, жанг қилай дарёдан ўтиб».

Сиёвуш мактубига Кайковуснинг жавоб юборгани

Бу нома етишгач шоҳи Эронга,
Тоҷу тахтин боши етди Кайвонга.
Худодан сўради унга шону бахт,
Гуркираб, яшнасин бу янги дарахт.
Шодлик-ла ёздирди жавобга бир хат,
Мисли равшан баҳор, гул очиб кат-кат:
«Оламни ярата билган эгамдан,
Тоҷу тахтни инъом қилган эгамдан,
Абад ул-абадга дилинг бўлсин шод,
Кўнглинг доим ғаму андуҳдан озод.
Ҳамиша ғалаба сенга ёр бўлсин,
Бошда шоҳлик тожи доим бор бўлсин.
Сипоҳ сўриб, дадил саваш бошладинг,
Бахтинг кулиб, ғаним кўзин ёшладинг.
Она сути кетмай оғзингдан ҳамон,
Ёвга ўк ёғдириб, тортибсан камон.
Тананг бўлсин жангда доим музаффар,
Равшан дилинг кучсин зафар муқаррар.
Ёвни енгиб, этгач баробар ерга,
Бир оз тўхтаб турмоқ лозимдур эрга.
Кўшин чочилмасин, эт бир жойга жам,
Бир қароргоҳ кургин сен ўзинга ҳам.
У турк иши риё, фиск-фасод эрур,
Бобоси Аҳриман, бадаждод эрур.
Тоҷу тахт эгаси, шуқуҳи баланд,
Боши осмондадур, шони аржуманд.
Савашин кидириб этма ҳеч шитоб,
Ўзи жангга келур ул Афросиёб.

Ул ўтса сен тараф гар кечиб Жайхун,
Балки ўз этаги хун бўлади, хун!»
Мухрин босди хатни этдириб адо,
Чопарни чакириб айлади нидо:
«Энди тез қайтиб бор, шитоб эт, шитоб,
Ўру кир келса ҳам йўлда дарс, об!»
Сиевуш ёнига этишди чопар,
Ўғил ўқир, нелар ёзмишди падар.
Ер ўпиб, дилини обод айлади,
Ғаму андишадан озод айлади.
Жондан қулок тутди шоҳ фармониға,
Дилини боғлади шоҳ поймониға.
У ёқда Гарсеваз баходир, шер мард,
Турон шоҳ ёнига келди мисли гард.
Келтирган хабари бўлди ғоят талх:
«Сиевуш қўлига таслим бўлди Балх.
Сипоҳдор Рустамдир, сипоҳ саноксиз,
Пахлавонлар сонсиз, сўзим бўёксиз.
Бизнинг бир жангчиға улар-қан эллик,
Гурзиси ҳўкизбош, димоғи еллик.
Пиёдалар эса мисоли олов,
Қўлларида қалкон, камон ўк, ялов.
Улар яқинида учолмас бургут,
Бургутға ҳам хушёр солишар човут.
Туронликлар кун-тун юммайин кўзни,
Уч кунда бемадор қилишди ўзни.
Аммо Эрон томон ухласа бири,
Бошқаси алмашиб турар, охири –
Ухлаб, кучға тўлиб, бир жанг бошлайди.
Дуч келган қўшинни кириб ташлайди».
Сапчир Афросиёб аланга олиб,
Орому уйқуси бир ёқда қолиб.
Уқасиға шундай ташлайди нигоҳ,
Гўё қилич ила кесмоқ бўлур шоҳ.
Бўкириб, уқасин қувиб юборар,
Жахлиға чидолмай суриб юборар.
«Ашрафу акобир йиғилсин хазор,

Базм хозирлансин!» деди шахриёр.
Кўзни камаштирар ўлка безаги,
Бутун Суғдни ўрар хитой ипаги.
Бутун кун базмда ўтди шодумон,
Нур чапмасин кўзи бекилган ҳамон,
Ором истаб, уйку айлади шитоб,
Уйкуга толади шох Афросиёб.

Занганинг Афросиёб хузурига боргани

Занга йўлга тушди юз номдор билан,
Улар бўшаганди энди гаровдан.
Гарсеваз келтирган совғаларни ҳам,
Олиб боришарди барин жамулжам.
Турк шоҳи шахрига етганда кўрди,
Дидбон минорадан туриб бонг урди.
Уни кутиб чиқди жанговар Тувург,
Қарши олди бутун номдори бузрук.
Занга шоҳ наздига кириши билан,
Шоҳ уни олқишлаб турди ўрнидан.
Кучоғига сиқиб, кўрсатиб хурмат,
Ёнига ўтқазиб, айлади иззат.
Занга шер топшириб шоҳга номани,
Бир-бир айтиб берди бор хангомани.
Хатга югиргираркан кўз Афросиёб.
Дили дардга тўлди, бош-уйда шитоб.
Фармон этди: «Ҳозир қилинг яхши жой,
Элчини ҳурматлаб тутинг куну ой».
Сардор, сипоҳдорин чақиртирди зуд,
Пирон стиб келди бамисоли дуд.
Пирон келгач ҳоли қолишиб икков,
Бир-бир сўзлашдилар, иш бўлмиш мохов.
Ковусдан дедилар ва гуфторидан,
Ёмон хулқидану бадрафторидан.
Шоҳ сўзлар, юзида ажинлар тарам,
Сиевуш ҳолига ачиниб бирам.
Занга элчи бўлиб қелганин бир-бир.

Айтиб бутун ишни бошидан-охир,
Шоҳ сўрар : «Бу ишга дармон нимадир?
Йўл сўраши нима, паймон нимадир?»
Унга Пирон дейди: «Аё шахриёр,
Дунё тургунча тур, бахтинг бўлсин ёр.
Ҳар ишда сен биздан доносан, доно,
Бойликда, мардликда биздан тавоно.
Хаёлинг, билиминг, фикринг ва роинг,
Ҳеч ким бу борада ололмас жойинг.
Кимки яхшиликка жаҳонда қодир,
Ошкор-ниҳон кучдан тикмишдир чодир.
Бу шахзодадан ҳеч ўгирмайди юз
Қўлдан нима келса, бойлик, яхши сўз.
Эшитдим жаҳонда соҳиби жамол,
Сиёвуш улуғлар ичра бемисол.
Қомату хуснда, охисталикда,
Билиму ақлда, шойисталикда,
Хунарда, мардликда якто, пок аждод,
Шахзолалар ичра йўқдир ундай зот.
Эшитгандан кўрган иш фарқи катта,
Кўрсанг фазли кўнглинг овлар албатта.
Агар бошқа иши бўлганида ҳам,
Юз гаров конига шафқат-ла бўл дам,
Отаси билан жанг қилгани учун,
Тахтдан кечиб, бунга келгани учун,
Бу кишварда иззат топмоғи лозим,
Аъён аро ҳурмат топмоғи лозим.
Мамлакатдан ўтиб кетса бундай зот,
Ақл буни маъқул топмайди, хайҳот.
Яна булким, Ковус картаймаиш бисёр,
Тахту тож қўлидан кетишга тайёр.
Сиёвуш навкирон, порлок икболи,
Тахтга ярашиқдир унинг неск фоли.
Сиёвуш ранжиса дилда колур ғаш,
Арбоблар таънаси ёғилур яккаш.
Агар шохнинг бўлса ҳаёли баланд,
Бир нома юборар, насиҳату панд.

Эркалаб, кутиб ол бир фарзанд каби,
Сухбат кур, иззат кил хирадманд каби.
Мамлакатимизда бир жой кил тайёр .
Иззату хурматга булсин сазовор.
Расму одатимиз этиб намоён.
Кизинг берсанг яна бўлмасди ёмон.
Агар яшаб қолса ёнингда, эй шоҳ,
Сенинг кишварингдан топса оромгоҳ.
Сўнг юртига кайтиш бўлса шеваси,
Унда ҳам ортажак умринг меваси.
Олкишлар сени ул подшоҳи замин,
Замон арбоблари ўкир офарин.
Нихоят, сулҳ топар икки чўнг лашкар,
Сиёвушни шунга юбормиш додгар.
Халлок ҳаққи икки улуғ бу кишвар,
Сулҳу амниятда гул очиб яшнар».
Пирон сўзи тамом, аник муддао
Аммо сўз тагига етмоққа подшо
Ўйга толиб колди, сокит бир замон,
Хаёлидан утар бор яхши - ёмон.
Сўнг деди Пиронга : «Эй донишманд пир,
Сўзларинг ҳаммаси оқил, дилпазир.
Улуғлар ичида иш курган доно,
Сенинг каби сардор топилмас асло.
Вале бир насихат эшитганим бор,
Қанча донишмандлар бу фикрга ёр.
Шербаччани одам килса парвариш,
Охири чикарар ул ҳам ўткир тиш.
Куч-кудрат, шер ройи келади ғолиб,
Эгасин парчалар ул чангал солиб».
«Эй ботирлар шоҳи, – дер унга Пирон, –
Мантиққа кулок сол, шохим, бу замон.
Бадхулк отадан юз ўгирса ўғил,
Уни яхши хулкли ва одобли бил.
Кўрмайсанми, Ковус чириб колган чол.
Тахт устидан учиб кетажак алхол.
Сиёвуш эгаллар жаҳон тахтини,

Бемехнат топажак бойлик, бахтини.
Икки кишвар тахти сенга буюргай,
Қани, кимнинг бахти бу қобил юргай».

Сиёвушнинг Афросиёб билан учрашгани

Сиёвушнинг келганин Афросиёб
Эшитиб, тахтидан тушиди у шитоб.
Кўчага югуриб ўзи пиёда,
Кутиб чикди, ҳурмат ҳаддан зиёда.
Сиёвуш ҳам кўриб уни пиёда,
Отдан тушиб, чаккон юрди озода.
Бир-бирини маҳкам қучиб олишар,
Юз-кўз, пешанадан ўпич олишар.
Сўнг Афросиёб дер: «Йўқолур қайғу,
Ёмонликни энди босади уйқу.
Энди кўтарилар на ошуб, на жанг.
Сувлокка бир келар оху ва паланг.
Турдан бошланган бу жанжалу ташвиш,
Олам аҳлин безор килди бу уруш,
Икки кишвар жангда, андух бесанок
Жаҳон дили сулҳу ярашдан узок.
Сенга ром бўлажак замона бу кун.
Тинчлик хукм сўрар, энди окмас хун.
Букун Турон аҳли кулингдир содик.
Бутун диллар сенинг меҳрингга тўлик.
Хизматингга ҳозир кекса тану бош,
Сипоҳдор Пирон ҳам сенга чин кардош.
Оталарча меҳрим, сўзим сеники,
Кулар чехра, очик юзим сеники!»
Деяр: «Бахтинг бўлсин бундан зиёда!
Шукрона айтайлик яздонга бу дам,
Уруш-жанг ўшандан, ўшандан сулҳ ҳам».
Шоҳ олиб Сиёвуш қўлини қўлга,
Улуғлик, тахти томон бошлади йўлга.
Сиёвуш юзига солиб у назар,

Дер: «Бундайин олам кўрмагай дигар.
Бундай чеҳра, қомат, ўхшаш камдан-кам,
Юзи порлоқ, яздон ёғдирмиш карам».
Пиронга қараб дер: «Бу иш бўлмабди,
Ковус қариса ҳам ақли тўлмабди.
Ўгирмиш юзини шундай ўгилдан,
Ботир, садоқатли, хунарманд қулдан.
Сиёвуш дийдорин кўрганим замон,
Кай Ковус ишига бўлдим кўп хайрон.
Шундай ўгил ато қилса гар Яздон,
Бошқага кўз тиккан ношукур, нодон!»
Сўнгра саройлардан танилади бирин,
Барини безатди гавҳару олтин.
Тўрга ўрнаттирди тилла қошли тахт,
Тўрттала оёғи ҳўкиз бошли тахт.
Хитойи шоҳи у учдан-бу учи,
Чорлади ҳар ёқдан турли чолғучи.
Сўнгра Сиёвушни чорлар саройга,
Бахт тилаб, чиқарар мўътабар жойга.
Сиёвуш кирганда олий айвонга,
Айвон тоқи етди гўё Кайвонга.
Келиб ўлтирганда тахт узра баланд,
Дилин хуш хаёллар этган эди банд.
Афросиёб ёзар тўкин дастурхон,
Сиёвушни чорлаб келар саройбон.
Ҳар томондан қизиб кетади суҳбат,
Ҳаммаси хушнуду жонажон улфат.
«Бошқа дастурхонга!» дер Афросиёб,
Косалар лиммо-лим аргувон шароб.
Ўлтирар сардорлар, қўлларида май,
Хуш-хуш куй янгратар рубоб, уд ва пай.
Ичишди то жаҳон бўлгунча хира,
Бошларида эс-хуш қолмади сира.
Сиёвуш саройга қайтар масту шод,
Мастликда эронин бир бор этмас ёд.
Фидо этиб жону дил Афросиёб,
Унинг хаёлида кўзга инмас хоб.

Базмдагилардан чорлаган шох,
Шеда етиб келди, паҳлавон некхоҳ.
Шедага шундай сўз дер Афросиёб:
«Паҳлавон, хешлардан айла интихоб,
Сиёвуш уйкудан туриши билан,
Саройида ҳозир бўлсин анжуман.
Келишсин хадялар, ғуломлар билан,
Қимматли от-улов, инъомлар билан.
Меҳмон ҳузурига тулинг саросар,
Унинг мактовига бўлинг муяссар.
Лашкардан ҳар киши инъом келтирсин,
Динору гавҳару таом келтирсин».
Шундай совғаларни уюб қўйишди,
Меҳмон рухсорига қараб тўйишди.
Шоҳ ҳам юбормишди кўп совға-салом,
Шундай ҳафта ўтди. хулласи калом.

Сиёвушнинг Сиёвушгирд шаҳрини бино қилгани

Тунда чопар келди Афросиёбдан,
Ўтдек харорату зўр шиддат билан.
Сиёвушга меҳр тўлик хат, султон
Ёзар эди гўё қуёшли осмон:
Оромим йўқдир сен кетгандан буён,
Ўй-хаёлдан озод эмасман бир он.
Аммо, билки, сенинг ороминг ўйлаб,
Бир жой топдим, Турон еридан сайлаб.
Бориб кўрсанг, ул жой хушу хуррамдир,
Борганнинг кўнгли шод, дили беғамдир.
Шунда подшолик қил, асло кўрма дард,
Ғанимлар бошини айла гарди гард!»
Сиёвуш шул замон ҳозирлаб қарвон,
Йўл олди шаҳаншоҳ йўллаган томон.
Мингга қизил туя, юки ранго-ранг,
Барига той-той юк ортилган таранг.
Юз туяда факат бойлик, дирхам бор,

Ундан киркин юки топ-гоза динор.
Эрону Туронда ўн минг қиличбоз,
Сафланиб боради, бари чавандоз.
Сипоҳнинг олдида кажава ҳафтранг,
Унда канизаклар, гўзаллар башанг.
Гавҳару феруза, шохона ёкут,
Маржонлар тожига берар жило, қут.
Юкларда анбару мушку уд, атир,
Ипак дебо, шоҳи матолар ҳарир.
Миср, Хитой, Эрон матолар лик-лик,
Ўттиз нор туяга юк бўлди тўлик.
Сардор Хуррамбахор томон от сурди,
Шонли лашқари ҳам кетидан юрди.
Ул жойга стибок отин тўхтатди,
Икки фарсанг баланд кенглик ажратди.
Унга шаҳар қурди ва баланд сарой,
Боғ-у роғу гулзору соя-салқин жой.
Айвон деворига чиздирди сурат.
Шоҳлар базм, размидан берар шаҳодат.
Бир томондан Ковус тахт-тожи билан,
Атрофин паҳлавон, гурдлар ўраган.
Тахт ёнида турар фил танли Рустам,
Золу Гударз, барча паҳлавонлар жам.
Бир томонда турар Афросиёб шох,
Пирону Гарсеваз, атрофда сипоҳ.
Шаҳар барпо бўлиб мисоли жаннат,
Эрону Туронга таратди шухрат.
Ҳар бурчига қурди баланд минора,
Булуғлар столмай бўлди юз пора.
Унинг ботирлари оламга машҳур,
Унда базм кизир, ғазал ўкилуғ.
Унга Сиёвушгирд деб қўйдилар ном,
Бундан бутун мардум дили шодком.

Афросиёбнинг Гарсевазни Сиёвуш хузурига юборгани

Гарсевазни чорлаб, сўзлар шахриёр,
Сиёвушгирд ҳақда ҳар не гапки бор.
«Сиёвуш шахрини бориб кўр ўзинг,
Айланиб, билиб кел, не кўрса кўзинг,
Сиёвуш Туронга кўнгил қўйиб шод,
Эронни қилмайди бирор бора ёд.
Хайр-маъзур этди тахт, кулоҳ билан,
Гударзу Бахрому Ковус шоҳ билан.
Энди кўра олмас Рустаму Золин,
Қўлига олмагай гурзи куролин.
Чўл-биёбон эди, бир тиканакзор,
Шаҳар қурмиш мисли яшнаган баҳор.
Фарангисга доғи қуриб шан сарой,
Мухаббат-ла берди дил гўридан жой.
Анжоминг тўғрила, тезда йўлга туш,
Бориб кўр, не ишлар қилмиш Сиёвуш.
Тахт узра кўрарсан, гапни кўп чўзма,
Улуғлар ойину одатин бузма:
Овлоғу май бўлса, ёбон ёки кўх,
Атрофга йиғилса ранго-ранг гуруҳ.
Улуғлар аро сен улуғла уни,
Мақтаб, иззатин қил, тўк сўз – инжуни.
Совға-салом этгил, ҳозир сийму зар,
От-улов, тожу тахт ва заррин камар.
Гавҳару кимхобу хитойи дебо,
Қуролу аслаҳа, узук сержило.
Ҳазина қунжида не бор, назар сол,
Яраса, кўлингга сикқанича ол.
Фарангисга ҳам ол ҳадялар тўкин,
Тилингдан тушмасин мактов-офарин.
Агар мезбон бўлса шодону хандон,
Икки ҳафта унда бўлиб қол меҳмон».
Йўл анжомин кўрди Гарсеваз шоввоз,
Турондан танлади мингта чавандоз.

Ердан чанг кўтариб, бамисоли дуд,
Сиёвуш шаҳрига етиб келди зуд.
Сиёвушга бундан хабар етган чок.
Истикболга чикди, ёнарди ёнок.
Улар кучоклашар, аскар ўрайди,
Сиёвуш шаҳриёр холин сўрайди.
Ундан юришади тўғри саройга,
Сиёвуш ажратган оромбахш жойга.
Эртаси Сиёвуш хузурига шод,
Совғалар топширар Гарсеваз озод.
Сиёвуш кўрганда бунча эътибор –
Гуллаб-яшнаб кетар мисоли баҳор.
Отини эгарлаб миниб сарафроз,
Атрофин ўрайди эроний сарбоз.
Айлантирар кўча-шаҳарни бир-бир,
Сўнг яна бўлишар саройда хозир.

РУСТАМ ВА ИСФАНДИЁР ДОСТОНИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

Бир кечаси Исфандиёр отаси Гуштасп базмгохидан онаси Катаюн хузурига боради ва “агар Турон шоҳи (Аржасп) дан бобонг Лухрасб қасосини олиб Диж гумбазида хибсда ётган сингилларингни озод қилсанг, тахтни сенга топшираман” - демабмиди? Бу ишлар бажарилди. Яна қандай баҳона бўлиши мумкин? – дейди. Катаюн Исфандиёрни тинчитиб, сабр қилиш ва кутишни маслаҳат беради.

Гуштасб ўғлининг хафа бўлганидан хабар топгач, вазир Жамасп ва юлдузшунос башоратчини чақириб, ундан Исфандиёр ҳаётининг ибтидо ва интиҳосини сўрайди.

Жамасп осмоний тафтишлардан сўнг шундай жавоб беради:

– Исфандиёр Зобул шаҳрида Рустам томонидан ўлдирилади. Агар подшоҳликни унга топширсам, Зобулистон юртига бормаса, тақдирдан қочиб кутила оладими? яна сўрайди Гуштасп:

– Ҳеч ким аждаходек бу дунё чангалидан кутила олманган, – жавоб беради Жамасп. Шундан сўнг Гуштасб Исфандиёрни чақириб шундай дейди:

– Зобулга бориб, Рустамни бандга олиб асир сифатида менинг даргоҳимга келтирсанг, шоҳликни сенинг ихтиёрингга топшираман. Зероки, у бизни менсимайди. Шунинг учун отам Луҳрасп замонида ҳам, менинг давримда ҳам у бизнинг ҳузуримизга ташриф буюрмаган ва бизга бўйин сунмаган.

Дастлаб Исфандиёр отасининг бу талабидан дарғазаб бўлади. Аммо онаси Кагаюн ва Калонжоп билан маслаҳатдан сўнг ночор Зобулга бориб, Рустам билан олишишга рози бўлади. Ва Рустамдан бир марта бўлса ҳам, қўллари боғланган ҳолда, Гуштасп ҳузурига боришни илтимос қилмоқчи бўлади. Шоҳликни олгач, Зобулга қайтаришни кўзда тутди. Шунинг учун Исфандиёр сипоҳсиз факат ўғиллари Баҳман, Озорхўш ва Меҳрнушлар билан йўлга тушади. Солор, яъни қарвонбоши туя Диж билан Зобул ўртасидаги чорраҳага чўк тушади ва барча буни бехосият деб билишади. Аммо Исфандиёр ўша туяни қурбонликка сўйдириб юборади. Ҳирман дарёси соҳилига етганда Баҳман бошчилигида Рустамга нома билан элчи юборади. Рустам Исфандиёр ҳузурига келади. Ва фикрини ўз тилидан эшитиб, бир неча кун меҳмон қилмоқчи бўлади. Аммо Исфандиёр Рустамдан ўзи билан бирга шоҳ ҳузурига боришини талаб қилиб, унинг илтимосига кулоқ солмайди ва унинг қўлларини боғлаб шоҳ олдига элтиш ҳақида фармон олганлигини айтади. Ана шу онларда мудҳиш фожиа қадам-бақадам яқинлашаётгандай эди. Рустам қандай бўлмасин банди бўлишдан қутилиши лозим бўлса, Исфандиёр подшоҳ фармонини каму кўстсиз бажариши зарур эди. Охир-оқибатда улар яккама-якка олишувга қарор қилдилар. Исфандиёр уни, албатта, енгиб, от эгаридан тушириб, қўл-оёгини боғлайман, Зол олдига олиб бораман, сўнгра шоҳ ҳузурига элтаман, аммо кўнглини олиб орага тушиб бир кун ҳам қўллари бандда туришига йўл қўймайман, деб ўйлайди. Содда Исфандиёр

мураккаб ишни енгил фаҳмлаган эди. Кеч киради. Бу можаро натижасини ҳеч ким билмайди. Чунки Рустамнинг бир ўзи Ҳирманднинг бу соҳилига келган эди. Рустамнинг садокатли укаси Заввора, Фаромарз ўгли Ногрон билан шу томонга ундан хабар олгани келишади. Улар Исфандиёрнинг ўгиллари билан мулоқот қилиб жангга киришади. Натижада, Нўшозар ва Меҳррўшлар ўлдирилади. Исфандиёрнинг катта ўгли Баҳман бу шум хабарни икки баҳодир олишаётган майдонга етказди. Рустам бу можародан беҳабарлигини айтиб, онт ичади ва Заввора билан Фаромарзни Исфандиёр қўлига топшириши мумкинлигини айтди. Аммо Исфандиёр бунга кўнмайди. Кеч тушиб қолганлиги учун жанг эртага кўчирилади. Рустам ва Рахш олишув пайтида оғир ярадор бўлишганди. Исфандиёр улар саройга етгунча ўлишади, деб ўйлаган эди. Аммо Золнинг эсига тушиб, Симурғнинг патини оловга ташлайди. Ўша заҳоти Симурғ етиб келади. У Рустамга қараб: Агар Исфандиёр ўлдирилса, сенинг хонадонинг, бутун Сийистон аҳли йўқолади. Эртага майдонда ундан бу жангни тўхтатишни илтимос қил, дейди. Агар хоҳламаса, қайсарлик қилса, мен сенга бир Газ дарахтни кўрсатаман, ўшандан ўқ ясаб, унинг кўзларига отгин. У темиртирноқ. Унинг кўзларидан бошқа бирон аъзосига қурол таъсир қилмайди – дейди.

Эртаси куни жанг майдонида Рустам овозини эшитган Исфандиёр қараса Рустаму Рахш соппа-соғ, Зол сеҳр билан уни тузатибди, деб ўйлайди ва Рустамнинг насихатларига кулоқ солмайди. Натижада, у Симурғ айтган йўл билан Рустам қўлида ўлдирилади. Жон бериш олдидан Исфандиёр Пушутанни чорлаб, отаси Гуштаспга: “Мени Рустам, Зол ёки Симурғ эмас, сен ҳалок этдинг”, деган мазмунда нома юборади ва Рустамни ҳузурига чакириб, ўгли Баҳман тарбиясини унга топширади ва жаҳонпахлавон бу илтимосни қабул қилади. Исфандиёр тобутини Балхга жўнатадилар. Баҳман эса Рустам қошида қолади. Унга сарой ишларию мухораба усулларини ўргата бошлайди. Баҳман бу хунарларни ундан мукаммал ўрганиб олади.

Рустам Гуштасбга қилган ишлари хақида нома ёзади ва бунда Исфандиернинг биродари Пушутанни гувоҳ қилиб кўрсатади. Пушутан гувоҳлигидан сўнг Гуштасп Рустамга самимий жавоб ёзади. Бир неча вақтдан сўнг Баҳманни чақиртиради. Баҳман келгач, Гуштасб уни Ардашер, деб атайди.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши. <i>Ҳамид Мустафавий</i>	3
Даҳо оламига очку. <i>Ҳамиджон Ҳомидий</i>	5
Мукаддима.....	7
Жамшид достонининг қисқача баёни	10
Заҳҳок ва унинг отаси ҳақида қисса.....	16
Иблиснинг ошпазлик қилгани	18
Жамшиднинг рўзгори қаро бўлгани.....	21
Заҳҳок достонининг қисқача мазмуни	22
Заҳҳокнинг Фаридунни тушида кўргани.....	27
Фаридуннинг туғилгани	31
Заҳҳок ва темирчи Кова достони.....	34
Фаридуннинг Заҳҳокка қарши жангга чиққани	39
Зол ва Рудоба достонининг қисқача мазмуни	42
Золнинг туғилиши.....	46
Сомнинг ўз ўғлини тушида кўргани	50
Золнинг Рудоба ҳузурига келгани	55
Золнинг Сомга нома ёзгани.....	58
Синдўхтнинг Рудоба ишидан хабар топгани.....	62
Меҳробнинг Рудоба ишидан хабар топгани.....	66
Манучеҳрнинг Зол ва Рудоба севгисидан хабар топгани.....	70
Золнинг Манучеҳр ҳузурига элчиликка боргани.....	72
Сомнинг Синдўхтга таскин бергани	77
Золнинг Сом номаси билан Манучеҳр ҳузурига келгани.....	83
Муъбадларнинг Золни Синовдан ўтказгани.....	85
Золнинг муъбадларга жавоб бергани	86
Золнинг Сом ҳузурига келгани	88
Рустами достоннинг онадан туғилиши.....	92
Рустамнинг етти саргузашти достони қисқача баёни	97
Рустамнинг етти саргузашти	98
<i>Биринчи саргузашт</i> . Раҳшнинг шер ила жанг қилгани ..	98
<i>Иккинчи саргузашт</i> . Рустамнинг булоқ сувига етишгани.....	99

<i>Учинчи саргузашт.</i> Рустамнинг аждаҳо билан жанг қилгани.....	101
<i>Туртинчи саргузашт.</i> Рустамнинг жодугарни ўлдиргани.....	104
<i>Бешинчи саргузашт.</i> Рустамнинг Авлодни асир олгани.....	106
<i>Олтинчи саргузашт.</i> Рустамнинг Аржанг дев ила жанг қилгани.....	112
<i>Еттинчи саргузашт.</i> Рустамнинг Ок девни ўлдиргани.....	115
Ковуснинг Мозандарон шоҳига мактуб юборгани.....	119
Рустам ва Сухроб достонини қискача баёни.....	123
Рустамнинг овга чиққани.....	125
Рустамнинг Самангон шаҳрига келиши.....	127
Сухробнинг туғилгани.....	129
Сухробнинг Ок калъага етиб келгани.....	131
Рустамнинг Сухроб билан жанг қилгани.....	132
Сухробнинг Рустамни йикитгани.....	135
Сухробнинг Рустам кўлида ҳалок бўлиши.....	140
Рустамнинг Ковусдан нушдори сўрагани.....	147
Сиёвуш достонининг қискача мазмуни.....	148
Сиёвушнинг онаси ҳақида ҳикоят.....	150
Сиёвушнинг онадан туғилгани.....	153
Судобанинг Сиёвушга ошиқ бўлгани.....	155
Судобанинг жодугар кампирдан чора излагани.....	158
Ковуснинг гўдақлар ишини текширгани.....	159
Сиёвушнинг оловдан утгани.....	162
Ковуснинг Афросиёб келганидан хабар топгани.....	166
Афросиёбнинг кўркинчли туш кўргани.....	168
Сиёвушнинг Ковусга мактуб йўллагани.....	170
Сиёвуш мактубига Кайковуснинг жавоб юборгани.....	171
Занганинг Афросиёб ҳузурига боргани.....	173
Сиёвушнинг Афросиёб билан учрашгани.....	176
Сиёвушнинг Сиёвушгирд шаҳрини бино қилгани.....	178
Афросиёбнинг Гарсевазни Сиёвуш ҳузурига юборгани.....	180
Рустам ва Исфандиёр достонининг қискача баёни.....	181

انتشارات «کتابخانه ملی ازبکستان به نام علیشیر نوایی»
شهر تاشکند، خیابان استقلال، 33

عنوان کتاب: خلاصه شاهنامه فردوسی به زبان ازبکی

گردآوری: دکتر غلام محمد طاهر مبارکه

موضوع: فردوسی، ابوالقاسم، شاهنامه

مترجم: پرنسور حمیدجان حامدی

ویراستار: جعفر محمد

با اهتمام: حمید مصطفوی

تهیه کننده: رایژنی فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران در ازبکستان

نوبت چاپ: اول، سال 1391 ه.ش.

شمارگان: 500

ناشر: انتشارات کتابخانه ملی ازبکستان به نام علیشیر نوایی

کلیه ی حقوق مادی و معنوی اثر برای رایژنی فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران محفوظ است.

شابک: 978-9943-06-445-4

Абулқосим Фирдавсий

Шоҳнома

(Сайланма)

Муҳаррир: Шукур Қурбон
Техник муҳаррир: Дилмурод Жалилов
Рассом: Шухрат Одиллов
Компьютерда терувчи: Мухаррам Маликова

Наشريёт лицензияси: А1 № 159, 14.08.2009.
Босишга 13.12.2012 йилда рухсат этилди.
Қоғоз бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма. Офсет қоғози.
Ҳисоб-наشريёт т. 14. Шартли босма т. 11,75.
Буюртма № 150. Адади 500 нусхада.
Келишилган нарҳда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент шаҳри,
Истиклол кўчаси 33.

МЧЖ “SHIDASP” матбаа корхонасида чоп этилди.
Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, Собир Раҳимов кўчаси 70 б.